


Q 496
2006/1



Q 496
2



Guliston
2006/1



Ислом КАРИМОВ



Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол.

Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу авваламбор саховатли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, саховатли ва бегараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Энг катта бойлиги жондан азиз боласи, жи-гарбанди бўлган бечора бир аёл, муштипар она-ни кўз олдимизга келтирайлик. У кўзининг оку

қораси бўлмиш фарзандига шифо тилаб, керак бўлса, нажот сўраб шифокорнинг олдига келади.

Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу болани даволар экан, ўзининг бегараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоеъ этади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай эътиқод билан яшаётган минг-минглаб жонқуяр шифокорлар — етук жарроҳлар, мохир кардиологлар, терапевт ва педиатрлар, захматқаш ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Кундалик ҳаётимизда, барчамизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизда айнан шундай ўз касбига садокатли профессионал тиббиёт ходим-ларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шифокорлар ҳақида гапирар эканмиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбат-лантириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз даркор.

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Бахтиёр ГАНЖАМУРОД
Хуршид ДАВРОН
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Гулистон МАТЁҚУБОВА
Абдулла ОРИПОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД
(масъул котиб)

Комил ЮСУПОВ
Комилжон ҚИЁМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Раҳмон ҚЎЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:
Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Манзура ШАМС

Зумрад ВАҲОБОВА

Фотомухбир

Шавкат ҚАҲҲОРОВ

Саҳифалаш ва дизайн
Дилшодбек АБДУСАТТОРОВ

Навбатчи муҳаррир
М. Шамсиева

Ушбу сонга:



ЎЗМИНИ БЕНАЗИР СЕХРАРИ

ГЛОБАЛЛАШУВ

ЖАРАЁНИДА МАДАНИЙ
ТАРАККИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ



ҲАЙРАТЛАР ОЛАМИГА ЎЎЛ



УРУШ ОДАМИ:
ТУЙҒУЛАР ЖАНГИ



МИЖОЗИНГИЗНИ
БИЛАСИЗМИ?

Босишга 2006. 14. 02 да топширилади. Қоғози 60x84 1/8.
Ҳажми 6,0 босма табақ.

Биюртига № 31

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01, Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90
Масъул котиб: 133-07-94, Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди.

Манзили: Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
091 — рақам билан рўйхатта олинган.

МУҚОВАЛАРИМИЗДА:

- 1-бетда Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова
- 2-бетда Биология фанлари номзоди Муяссар Мирзаулуғова
- 3-бетда Рассом Шодиёрхон Тўрахонов ижодидан

То абад бор экан ўзбек деган ном
То хурлик бошингда, музаффар, озод.
Мен учун сен доим муқаддас тупрок
Яшайвер, аждодлар рухи бўлгай шод.





M A D A Ж U D M

Кийимчилик

Инсоннинг ақл-идроки ва дид-фаросати, аввало, унинг ташқи кўринишида, кийим-ботида яққол кўринади. Либос қандай матодан тиклмасин, у инсон вужуди, қадди-қомати ва юриш-туришининг кўрсаткичи. У кишининг хусусида хусн қўшади, баъзан бир табиий қусурларини яширади, инсоннинг ташқи қиёфасини бебайди ва гўзаллаштиради.

Демак, кийим кийиш одоби умуминсоний одобнинг бир қисmidир. У инсон сийрати билан суратини ўзаро уйғун ва муносиб ҳолда бўлишини тақозо этади. Шунга кўра кийинишда давр нафаси, миллий рух акс этиб туриши даркор.

Кийим танлашда ҳам, кийинишда ҳам ҳамма учун бир хил андоза йўқ. Лекин ҳар иккала ҳолат ҳам замонамизнинг маданий-маърифий ва маънавий эҳтиёжларига, ҳаққимизнинг юксак эстетик дидига мос бўлиб туриши лозим.

Ҳўп, диднинг ўзи нима? Бу ўринда дид ҳар бир кийиниш ўзига ярашганлик кийимни танлай билиш ва меъриёнда кийиниш маҳоратидир. Қандай кийиниш, асосан, йил фасллариинг табиғатига, одамнинг жуссаси, ёши ва истагига қараб белгиланади.

Етук дид ва фаросатли одам бу соҳада, айниқса, ўзига талабчан бўлади. У энгил-сали ва баткана кийибмайди, балки тартибдан, озода, ораста ва сипо кийинишига тўғрисида, ёқажайрон, қирланган ёки пиязлашган либосда юрмайди. Агар тозаланмастан, дазмолланмастан кийилса, энг гўзал, энг замонавий кийим ҳам ўз кўркини йўқотди.

Кийим танлашда, кийинишда модадан фойдаланиш

мақсадга мувофиқдир: мода ҳаст талаблари ясалма яратилади. Ҳар бир киши уйдан кўнганга, ёшига, дидига ва ташқи қиёфасига мос келадиганига танлаб олиши мумкин. Лекин моддага ҳаддан зиёд руҳу қилиш ҳам ўринсиздир. Чунки меъридан ортиқ модапарастликка берилип ўзбекона хулқ-одобимизга, миллий ва шайи ағъналаримизга ҳаминша ҳам тўғри келасемайди. Чунки миллий кийим ҳар бир халқнинг ўзига хос қиёфасини белгилайди ва ўша халқ пайвандидаги ааминини, табиий шайигога, кишиларининг касб-корига ва урф-одадарига қараб, халқ даҳоси билан яратилади.

Чироқли ва сипо кийиниш чин одомнингм кўзгуси, лекин шарм-ҳаё ва ахлоқий маълятнинг лардасиданги кийинишгига қатта ва ҳаққорли гўзалликдир. Айрим ҳолларда бу қабт ҳақққетини, баъзиларимиз унутиб қўймоқдамиз. Орамизда шундайлар ҳам борки, улар ёз иссинин баҳолга кириб, оқласида ҳам, кўча-кўйда ҳам, ҳаётто жамоат жойларда ҳам юрим яланғоч ҳолда юришдан уялмайдилар. Шу нарса ҳам сир эмаски, баъзи бир йилларимиз миллий кийимлардан кўра, хорижий мамлакат кийимларини кўпрок, хуш кўрадилар ва турли ҳайвонлар сурати туширилган хилма-хил рангдаги либосларини кийиб юришни афзал кўришадди. Худди шу сингари хорижга тақлид қилишда айрим аёлларимиз ва қизларимиз ҳам сатанг йитигларимиздан асло қолимпастирлар.

Назаримда, айрим ёшларимизнинг бундай антиқа кийинишга руҳу қилишларида биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Бу ҳўп, нохуш ҳолат, менимча, айрим ота-оналаримизнинг ўз ўғил-қизлари тарбиясига бепарво, лоқайд қарашларининг оқибатидир. Шу бонс, ўғил-қизларимиз тарбиясига, уларнинг ўзини тутиши, юриш-туриши, айниқса, кийинишга эътибор бермоғимиз даркор. Бу ҳайри ишда, аввало, ота-оналаримизнинг ўзлари шахсий ибрат кўрсатишлари лозим.

Кийиниш маданиятидаги юқорида келтирилган мавжуд нуҳсонларнинг яна бир сабаби, ҳет эл, айниқса, Ғарб алабинети ва саъиятидаги ҳаёсиз кўринишларнинг мамлакатимизга кириб келиши бўлса, яна бири замондошларимизнинг муайин қисмда онгхалк ва эстетик дид-фаросатнинг пастлиги, қолаверса, иймон-этиқод сўнглиги натижасидир.

Юқорида қайд қилинганлардан мантқиқан тўғри биргина хулоса чиқариш мумкин. Модийки, Оллоҳ ҳамма мавжудотлардан инсонни энг азиз ва гўзал қилиб яратган экан, бас, инсон ҳаёши ана шу юксак номга муносиб бўлиши ва уни оқлагни лозим. Зеро, Ҳадиси шарифда «Оддий кийим кийиш ҳам иймондандир», деб баъзиз айтиммаган. Демак, меъриёда, ораста кийиниш ҳар бир кишининг ўзинини яхши ағълаши буюни бирга, унинг бошқаларга бўлган ҳурматини ҳам билдиради.

Зайниддин ИСОМУҲАМЕДОВ,
фахрий ўқитувчи



2005 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта залида IV Халқаро симфоник musiqa фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Жаҳон премьерасида бастакор Рустам Абдуллаевнинг «Фарёд» асари ижро этилди.



ЖАҲОН ПРЕМЬЕРАСИДА ЎЗБЕК АСАРИ

«Фарёд» асарини Э.Ҳақназаров раҳбарлигидаги Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, профессор Н.Шарафиева, Л.Жумаева, катта ўқитувчи С.Қодировалар бошлигида хор талабалари, доцент Г.Ерошина (сопрано) ижро этдилар. Ушбу асар ўзининг услуби, ўзига хослиги билан санъатсеварларда катта таассурот қолдирди. Асар фестивал меҳмонларини ўзининг кенг қамровли руҳий режаси, маънодор концепцияси билан лол қолдирди.

Терроризмининг фожиявий натижалари ер кurrasидаги миллионлаб одамлар қабрини яралади. Бундай ёвуз ҳодисаларга ҳеч ким, айниқса, ижодкорлар бефарқ бўлолмайди. Вазиятнинг масулиятчилиги ва аҳамиятлилиги ижодкорларнинг ички кечинмалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асарлар яратилишини таъминлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, бастакор Рустам Абдуллаев дунёни ҳаяжонга солаётган ушбу мавзуга биринчилардан бўлиб мурожаат этиб, сопрано, аёллар хори ва оркестр учун мўлжалланган «Фарёд» музикий мемориалини яратди.

Рустам Абдуллаев республикамизнинг фаол бастакорларидан биридир. Унинг мусий тили ижтимоий роъларнинг устунилиги, инсон ва унинг туйғулари, даврнинг турли ҳодисаларига тез эътибор қаратиши билан ажралиб туради.

Бастакорнинг «Фарёд» асари ягона мавзу атрофида уюшган, ривожлантирилган бир қисмали композицияни ўзида намоен этади. Асарнинг драматургик мазмунини кўрсатиб бериш учун муаллиф солист партиясини ва хордаги хроматизмни бойити, ийчининг минорли хусусиятини алоҳида ажратди. Оҳангнинг йиғлаётган, нола чекаётган тимсомли тасвирловчи импровизацион куйланиши халқ оҳанглари асосида

тузилган. Матннинг янгиланишида тўхтовсиз оҳанг ва ритмда халқ вариацияси табиати намоен бўлади. Ўзбек халқ фольклорига мотам йиғиси монодия жанри бўлиб, одатда аёллар томонидан ижро этилади. «Фарёд»нинг вокал муҳитида ҳам монодиявийлик сақланган. Унга тематик материал жалб этилган. Вокал партияси сонористик оркестр билан қарама-қарши қўйилган бўлиб, солист, хор ва монументаликни ҳосил қилувчи янграш орасида контраст келтириб чиқаради. Оркестрнинг ритмик ҳаяжонлиги гоҳида дод солувчи, гоҳида кластер-аккордларда тўхталишида намоен бўлади. Натижада, шиддатли руҳий ҳолат пайдо бўлади.

«Фарёд» асари моҳиятининг яхитлиги шундаки, ушбу асар битта фольклор жанри асосида яратилган бўлса-да, маросим йиғиларида мужассамлашган ифодавий имкониетлар бастакор томонидан аниқ ва бўрттириб кўрсатилган. Бу аса тимсол ҳудудларининг фалсафий умумийлик даражасигача кенгайишига олиб келган. Ягона драматургик йўналиш қаёбу образининг аста-секин фожигага айланишига олиб келади ва бу ўз навбатида кульминацияни ташкил этиб, ундан сўнг тоналик ва ладнинг ўзгариши билан ёруғлик вужудга келади. Хор динамикасининг «сўниб бориши» фондида ёрқин ифодаданган солист партияси эмоционал умумийлик сифатида қабул қилиниб, эпилогни ташкил этади.

Рустам Абдуллаевнинг янги асарини замонавий musiqa маданиятида муҳим ва долзарб воқеалардан бири сифатида қабул қилиш лозим. Унда фожиявий ҳодисаларнинг фалсафий моҳияти чуқур миллий асосда баён этилган.

Е. Нечасев

Бировниня хәйти хеч качон боиканикига үхшамайди, Фавоий сингари буюк сийлоларниня кўрган-кечирганлари – ю, кечинмалари эса *ҳалма ҳал* англайвермайдиган сир-синаотларга тўла бўлади. Ҳуе шоир дилдаги бир синоат — унинг сўзни беҳад аҳши кўрганлиги дostonу вазалларидан ажқол вилиниб туради. Сўзга муҳаббат қўйиш воқиди, сўзга ихлос билан қарашда туркий адабиётда бирор ижодкор Фавоийга тенглашолмайди. Ҳ “*Ҳалма*” ваги ҳар бир дostonида сўз таърифида алоҳида боб бағшилган. Шоирнинг сўз тўғрисидаги таъриф-таъсирлари макор, қайтариқдан таломан холи. Шайрилардан Фавоийнинг сўзни энг сўзла мавжудот сиратида тасаввур этгани ва унга эҳтиром билан қараётгани ажқол вилиниб туради. Аслида *ҳалма ҳал* ўзи кўрган жонли-жонсиз нарсаларни ҳаёлан тасаввур қилади, у ҳақда фикр юртади, ўйлайди. Дарахт, гўл, тош ёки кийик дейилганда тасаввурда уларнинг мўайян шакл жонланади. “Сўз” деганида-чи? “Масалан, “*билан*”, “*ўчун*” каби сўзларни қандай тасаввур қилиш мўликин? “Шу хусусида хеч ўйлаб кўрганмисиз?

мевалари” дег ҳайратланишида ҳам ажқол вилинади.


Фавоий “*Ҳалма*”нинг илк дostonи — “*Ҳайрат ўл-аврор*” (“*Яхшилар ҳайрати*”)ни ҳам, бошқа асарларини ҳам “*Ҳисмиллахир-роҳманир-роҳийм*” деб боилайди ва ишў *жўлма* таърифида алоҳида тўхтамлади. *Жўлмадан*, “*Ҳайрат ўл-аврор*” да бу *жўлма*даги сўзларни; “*Явоналик* хазинасида олиб борадиган йўллар” деб баҳолайди. “Шундан сўнг шоир бу йўлга қўйиладиган ишў беради: “*Алло* бу *ҳал* машаққатли, *ҳал* хайврил йўл бўлиб, *ҳар* қандай воқифлар *ҳал* ўни вилишдан ожиз”. “*Ҳар* қандай воқифлар” ким? “*Воқифлар*” оддий одамлар эмас. Ҳлар *ҳалма* қатори нарас олиб, еб-ичса-да, дунёнинг, тирикликнинг бошқалар англамайдиган кўнгина сирларини вилишади. Алмо ишў “*Воқифлар*” ҳам явоналик хазинасида олиб борадиган биргина *жўлма* қатидаги сир-синаотдан беҳабар экан, одамзот ўзи нилани вилади?!

Ҳар бир одамга у кўн нарсаларни виладигандай туюлади. Аслида-чи? Аслида у хеч нарсани вилимайди. Масалан, аскарят кишилар икки кўлининг бармоқларида нечта бўени

ЎЗНИНГ БЕҲАЗИР БЕҲРАРИ

Фавоий эса сўзларни мўайян шакл, кўринишида тасаввур қилган. Буюк шоир эшитган, ўқиган, ёзган ва айтаётган сўзларини ҳаёлан *маълум* бир қиёфада кўрган. Сўзлар унинг ўчун тирик, жонли туюлган. Фавоий сўзларнинг ҳарорати, тафриси, нурни, жиловни, ранг товданишиларни сезган, ҳис қилган. Асар шундай бўлаётганида у биргина “*Ҳисмиллахир-роҳманир-роҳийм*” *жўлмаси*ни бу даражада таъриф-таъсир қилолмасди. Ҳуе шоир: “*Уйиб (жўлмада)* энг килматбахо дурлар (“*дурри атил*”) бир инга тизилгандин. Бўндаги ҳар бир дур жон жавҳаридан, қилматшиза кўра эса, икки жаҳон (нархиждан *ҳал*) ортиқ. Бўнда ип икки жаҳонни бир-бирига воғлаб, икки жаҳонингизна эмас, жон (ҳаёт) иларини *ҳал* тўташтираб тураандек”, — деб сўз боилайди ва *жўлмадаги* ҳар бир ҳарф-товбўнига таъриф беради. Бў таърифлардаги ўхшатиш, сиратлаш, қиёслар ўқувчи кўз ўнчада беқиёс янги бир дунёни намоён этади. Сўзлар воситасида чизилган бу беқиёс манзара рангларининг товданиши, жозибаворлиги билан ҳайратлантиради. *Ҳалма ҳал* зотибор қилавермайдиган товбўи-ҳарфлари берилаан таърифлар Фавоийнинг чексиз ҳайрати, тегран тасаввуридан далолат беради. Шоир сўзининг ҳар бир товбўиш ортида беноён дунё мавжудлигини, ўнине осломни, заллини борлигини, ўнда Ой, юлдузлар чакнаши, ариқлари бўйида адал дарахтлару хўшбўй ўтлар ўсишини айтиб қўвонади. “Шоирнинг қўвончи: “*У*ни жон суви оқадиган ариқ, йўқ, тириклик суви деса бўлади. Бў суви ёқасида амирдек дарахтлар ўсиши билан бирга, (ишўида ўхшатиш) хўшбўй ўтлар, дарахтлар ўстида

борлигини вилишмайди. Ҳўда кўн одамлар жигари қайси томонига эканини тўғри кўрсатолмайди. Оёзида нечта тиши борлиги, ўмуртқаси нечта суқадан иборатлигини ҳам кўнчилик аниқ айтиб беролмайди. Ҳн етпти — ўн сабқиз ёили йишат-қизлар эмас, тўғрўчида кўн кўрғиликларни кечирган етлши-сақсон ашар қаричлар *ҳал* бармоқлари ўчидида илар бир-бирига мўтлақо ўхшамаслигига зотибор қилишмайди. Ҳўнине сабаби, сирлари кўн. Одам беҳад тақаввур мавжудот бўлгани боис, у ўзини дунёнинг устуни деб хис қилади. Аслида эса... “*Одамнинг таҳлил қилиш қобилияти унчалик камта эмас*”, — дейди ҳинг мўтафаккири Шазор. Фавоий *ҳал*: “*Бў жўлланинг сирини ҳар қандай воқифлар ҳам вилишдан ожиз*”, — деб ичунга ишора қилади. Абу Ҳолиғ *Мўҳаммад ал-Ғаззали*: “*Бўнчи* ва кўрратли *Аллоҳ* барча вандаларига мўрожаат қилиб: “*Силлни сизларга оз миқдорда бердим*”, — дейди. *Ҳақиқатан ҳам* дунёдаги барча тафраккур эвалри ўшилишиб, бош қотиришадиган *ҳал* ўни ловлақ чўмоли ёки чивинни қай тариха эратганини англаб етолмайдилар. (Сенон рақат *Аллоҳ* насив этган илмнигина эгаллашга қодир”, — дейди. Демак, оддий еилдирақдан тортиб мўраққаб қолмўттер ўсқўналарига — барчаси *Аллоҳ* одамларга насив этган мўнжиқлар. Одамлар фройдагизадиган энг кичик мўрватдан тортиб самога ўчадиган самолёт, ракеталар, сон-саноксиз нараса-буюли, жиҳозларнинг ҳар бири еозат вараюлиб, сирли, *Аллоҳ* ҳар бир одамнинг ўз вўжуду, ўнине ҳаракат-амали энг беқиёс мўнжиқиза. Бўрина сўзининг нилма эканлиги ҳақида мўшоҳада юртимиса, бўнга, албатта, ишонч



хосил бўлади. Адишер Ҳавоий тўркий халқлар адабиётида сўз тўғрисида энг кўп ва энг хўп мўлоҳида юртган. Ғобур шу боисдан ҳам: "Адишербек назари йўқ киши эди. Шўркий тил билди то ишар айтмўтурлар, ҳеч қилм онча кўп ва хўб айтқон эмас", — дейди. Адиштан, бунда Ғобур Ҳавоий асарларини назарда тутган. Авдурахмон Жомий: "Бу қаламга фалақдан опаринлар ёшилсин! Чўнқи бу ёқимли нақин ("Ҳамса" назарда тўтишганини ўши қалам эратиди ва форсий тил эгалари ва форсча назм дўрларини тўзўбчиларга раҳм қилди. Асар ў ҳам иш форсий тилда ёзганда бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўбжи закор назм тарозиси қаршисида Ни зомий қилму Ҳусрав қилм бўлди?" — деганида эса Ҳавоийнинг сўз зарғари сиратидиғи даҳосини эйтироор этиди. Зар қадрини, адиштан, зарғар аҳли билди. Ҳавоий сўз қадрини тегароқ хис қилгани боис ҳам:

Сўз гўҳарига эрур онча шарар
Қил, бўла олмаас анга завҳар сафар.
Шўрт сафар завҳарининг дўржи ўл,
Этти фалак ахтарининг буржи ўл,
— Шенэриқи, инсонни қилмб жанжи роз,
Сўз била хавр ондин анга илтибэз,
— Донаву дур сўзини асароим бўз,
Сўзини жаҳон баҳрида дўрғона бил, —

деган. Унинг сўз хўсусидаги бу таърифи кўпчилиққа ёғ бўлиб кетган. Ҳавоий ушбу назмий таърифдан айвал эса: "Одамзод вужуд осмонининг жаҳонни ёршар юмгузлари ва инсон зотига хоё билан коннинг беҳисоб завҳари сўз", — деб ёзган. Аён бўладики, Ҳавоий назмда сўз одамзот вужуддан чиқиб, жаҳонни ёршадиган юмгуз! Сўзнинг қудратини ангалаган

ижоқкор, ҳар қанча ўринганида ҳам, ў хўсусда бундай дегя олмайдн, бундай гап унинг хаёлига келмайдн. Ҳавоийга эса сўз хўсусидаги таъриф, қиёслар ўз-ўзидан кўюлиб келди. Сўзнинг ҳеч қилмга очилмаган сир-синаотлари унинг ўчўн очилди, қаламидан тўхтовсиз тўқилаверади. Шоирнинг Дилоҳага ҳамму санолари, пайғамбарга наътлари, оламнинг яралиши тўғрисидаги мўлоҳазалари, Ни зомий, Ҳусрав Дехлавий, Авдурахмон Жомий каби ўстозларига эйтирооми хўдди шўндан далолат беради.

Ҳавоий бўтўн борлиқ аслида сўздан яраган. Дилоҳнинг биргина "Қўн!" сўзидан борлиқдаги барча бир-бирига воелиқ ва воелиқ бўлмаган нарсалар вўжўдга келган, дейди. Аслида бу Ҳавоийнинг гапи эмас. "Қурўн"да илоҳий китоб сиратида эйтироор этилган "Шаврот"да ҳам айвалда сўз бўлган, ҳаммиси ўндан бўнёга келган, дейилган. Бўтўн борлиқ Дилоҳнинг биргина "Қўн!" деган сўзидан вно бўлгани Шарқнинг барча шоирлари ишёрў достонларида татқидланган, Ҳавоий ҳам. Сўзни таърифлашда ўстозларига эргашган. У сўзнинг барча нарсадан ўстўнлигини, ўни ҳеч бир нарсдан билан қиёслаб бўлмастлигини чин дилдан хис қилмб таърифлаган. У сўз тўғрисидаги мўлоҳаза-ўйларини воят осонлик билан мароқлини баён эта олгани айни шўндан далолат беради.

Одам ўзига лаззат бермайдиган ишдан тез толиқади. Бундай иш, ҳар қанча зарур бўлган тақдирда ҳам, киши ўчўн бекиёё азоб беради. Ҳавоий ўчўн ёзиш — ҳарфлар востасида сўз суратини чизиси бамисоли нафас олишдаги зарурат, эҳтиёжга айланган. У қўлига қалам олган келзларда бекиёё ором оғушига чўлган. Сўзлар ўз-ўзидан хаёлига кўйлиб келиб, ўнинг бўтўн вўжўдига ҳеч қилм хис қилмаган фароёт баҳш этган. Унинг рўҳи сўзлар суратлантирган манзаралардан завқлиниб роҳатланган. Шў боисдан: "Умидим ўдурр ва хаёлимга андоқ келурким, сўзўм мартабаси авбддин кўйи инмагай ва бу тартибим кавқабаси аёло даражадин ўзга ерни бегинмагай", — деган. Жаҳон адабиёти тарихида ўзи тўғрисидаги бу қадар ишонч билан шапирган ижодкорлар жўда кам. Аксарат ижодкорлар асарлари эштибор топмаслиқдан азобланади. Бу азоб охир-оқибатда ўларни аламзадага айлантиради. Ижодкорлар орасидаги еливатималомат, ҳасад, иёво, зидднат аслида шу аламзадалиқдан келиб чиқади. Асарлари ўқўвчилар эштиборини қозонган ижодкорлар майда-чўда гап-сўзларга кўп-да парво қилмайдн. Улар бўтўн кўчини, ҳар бир кўнини ижода вашилайди. Сўзлар ўларнинг хаёлида тўрра-тўман манзараларни завқалантириб тўради. Сўзлар ўз сирини очан келзларда, болван ижодкорлар ўларни қозога тўширишга ўзуролмайди. Уларнинг хаёлида янги-янги гоилар пайдо бўлаверади. "Одамлар орасида ёзўвчи ёзмай юрган пайтмида ҳам ёзавбарди, деган гап бор. Шў гап ўзимга ҳам ёқади. Опоқ қозога кўзинг тўиса, бас, дарроф қўлинига қалам олиб, мавзўни ёзиб кўсан. Булолиқ хотиралари, шахсий тажрибаларинг, кўзатишларинг, яқунланган фикр-мўлоҳазаларинг, ўзинг камнашган воқеалар, ўчрашўвлар — бўларнинг барчаси синчковлик билан сараланган мева каби бир ипга тизиб чиқиладн ва бўлмажак асаринг пойдеворини ташкил этади", — дейди Чинези Айтматов. Маишхўр адивнинг Ҳавоий "Жаҳон баҳрида дўрғона" деб таърифлаган сўз тўғрисидаги мўлоҳазалари янада қизиқарли. У: "Сўзни асар-авайли хис керак. Менга қолса Сўз кўрўмосоликни ёқтиради, дердим. Асар Сўз хўдди кечаси-ю кўнўзўси оқиб ётган сўв мисоли исроф қилинса, Сўзнинг ҳар бир миқсоли қадранилмаса, Сўз межаб-тежаб ишлатилмаса, ўз кўчини йўқотади — жонсиз бўлиб қолади", — дейди. Аён бўладики, бу адив ҳам Сўзни жонли, тирик бир мавжўот каби хис қилади.

Сўзнинг нафосатини, жўлоларини ҳис қилмайдиган қаламкашларнинг ёзганлари сўнги бўлган ўсма. Сўнги гул чироғли асаганига тўғрайли бир зўл эътиборни тортади. Лекин уни ўзюк ушлаб тўриб бўлмайдди. Чўнқи сўнги гул табиийликдан *лахрум*лиги боис совқу. Оғамл ҳис совқу нарсани тездга ташлаб юборади. Сўзнинг сирларини ҳис қилолмаган ижодкорлар оғамларнинг орзу-ҳавасини, кўнчилигинини дилшадга ўй-кечинимларини таъсирчан завдалантирмоқлайди. Сўз кўдратини сезадиган ижодкорлар ўзи ёзаётган сўзлар ортида турган манзарани кўра олади. Шунинг учун Борис Пастернак *Евений Евнутиенков*: «Шеърларингизда ўзингизнинг фўжалик ўлимингиз тўғрисида вашират қилманг. Сўзнинг кўдрати шундай бўладики, ўзингиз сезмаган ҳолда ўша вашират томон оқинлашиб бораверасиз», — деб насаҳат қилган. Бў хўрўсда халқнинг «Яхши сўзга ҳам, ёмон сўзга ҳам фаршатилар олин, дейди». «Кареш олма, дуо ол» каби маколлари бор. Бў ўй-ишрат турмуши тақрибасида синалган. Асдага, ҳеч бир зан бекорга пайдо бўлмаган, ҳар бир ганинча залмирида минглаб макно турари. Жан таркибидега сўзлар ўрни ўзгартирилганида бир сир аён бўлади. Асар бирор фикрини англатиб тизилган сўзлар ўз жойидан кўзватилиса, дарҳол оқ қораса, қора эса оққа айланади. Сўзлар ўрни ўзгартирилганида дўст дўшман, дўшман эса дўст қилбрасида кўринадди. Сўзлар барча халқлар тилиларида ўзининг ана шундай «сир» уни оинкор қилари. Шунинг учун Набойи: «Дикр хақиқат ўтдан бахраланг бўлган бўлса, у тошини ҳам сув қилиб, эришиб юбора олади. Бирок фўр хақиқат завхаридан ўзюк бўлса, ўнга ин тошини тўғрисида сўзламаган ҳам ахши» дейди.

Ҳамма «руҳим кўтарилиди» ёки «руҳим тўшиб кетди» дейди. Лекин «руҳ» нима эканлигини ҳеч ким аниқ тўшутириб беролмади. «Кўрон» га ҳам «Рух ёниз Парвардигор билангизан ишлардангир. Сизларга жўда оз илм бериландир», дейилган («Ал-исро» сўраси, 85-оят). Набойи Сўз сирини фақат Аллоҳга аён руҳ билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб: «Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолмигир. Сўз дўнўда бор барча кўнчаларнинг кўнчилигидега жайҳар. ҳамланинг оеиз кўнчилигидега қилматваҳю жайҳардир. Сўз ўлан одамнинг танасига пок руҳ вашиллаиди. Сўздан тангази тирик руҳ халок бўлиши мўмкин», — дейди. Бўршқнинг боис бўлишига востига бўлган сўз тўғрайли кишилар ўлим чангаздан кўтилиб, бахтиёр ҳаётга эришгани ва аксинча бўлганига тарихдан сон-саноксиз мисоллар топилди. Асдага, ҳар бир одамнинг ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш сўз тўғрайли рўй беради. Алло бўни ҳамма ҳам англайвермайди. Бў сўзнинг ўз сирларини барчага билдирвермаслигидан келиб чиқади. Сўз одамлар ҳаёти билан боғлиқ барча мўаммолар қалити сана лади. Набойи қаҳрамонлар тақдирини сўз тўғрайли ўзгаради. Фарҳод отасининг ҳазинасига сақланаётган кўзю ортисега ёзилган хатни ўқиб, келажакда бошидан кечадиган воқеалардан хабарвор бўлади. Мажнун Алайнинг исминини айтиб, шикъ заъкинни ҳис қилари. Шох Баҳром арсоналар эшитиб, масалли топади. Ернинг ости-ўстидаги бойликларни эгаллаган *Аскандар* ўлими олдиған: «Шобутилдан қўларини чиқариб қўйингир. Мана, мен ҳам ҳеч нарса олиб кетмадилм. Одамлар шўни билм қўйсиналар», — деа васыет қилари. Арсонавий шохнинг сўзлари бўтун инсонингизга ишрат бўлиб қолди. Адишер Набойи ҳикосов бойлиги бўлган шох, сўмонлар ҳаёти, қисматини бўхос қилиш орқали Сўз ҳамма нарсадан кўдратли экани, охир-оқибатда ҳар бир одамнинг ортидан у ҳақда биргина Сўз қолшини таъкидлайди. Минг бир машаққат у маккорликлар билан тўлганан мол-мўж биргина сўзга арзшини, яъни кишилар у ҳақда «ахши» ёки «ёмон» деб аташига эътибор қаратади.

Шўрқий халқлар ағабўётида дўнўнинг аралшини, яъни тўрт ўнўсри — сув, халвор, тўнроқ, оловни, инсон табиати — ю, фел-авторини ҳеч бир ижодкор кейинчалик тишиқ, жарангдор таъриривмаган. Ўле шохнинг шикъ-мўҳаббат, вавро-сарфотат, сабру тоқат, хайру эҳсон қавилар ҳақидаги мўлоҳазаларини астойдил кўнт-ихлос билан ўқиган ҳар қандай одам, албатта, ўзига айланданай ўзгариш рўй бераётганини ҳис қилари. Набойининг сўзлари ҳар бир кишининг ҳолати, қайрияти, фикрига, шўфҳасиз, ўз таъсирини ўнқазари. Шоир қалали битган сўзлар валисоло нўрдай жилолаиб, ҳаётнинг кўн хақиқатларини равшанлаштиради. Набойи, жўлмасан, ахди илм ҳақида шўндай дейди: «Алмда бир одам сохилқирон бўлғунча ўнтюз илмда бир давр келиши керак. Ўнинг кўнгли илм маскани, илм дароҳи, ўнинг ўчун вўжуд илм дарёсига айланади... Алм ўнинг кўнглини бир дўнўга айланшириб, бир қатрада бўтун бир дарёни яшарида... Ўртун у фалақдан шўндай қаломат тоған эса-ға, лекин ўнинг бошида фалокатлари ҳам бекалу кўст. Шомадан эртаси тўғизча обқатланмайди, тўшулик қилса, кечқўрунча ҳеч нарса тополмайди. Қўзида шўқи, ўнинг жохил хўжайини у билан ёмон кўришари, эши ҳам ёқиласиз. Олим ўнинг эшигига хизматга. Қера, пастмақ нафс шўндай фаршастасират одамни ланнати деб олдида хор ва забўн эшан. Олим азар алма ўчун пастмақлик қилса, илми ўнинг вилмисизлигига дамлайди. Алами бўла туриб, қил мансабга ўчса, тоза терни денгиз сўви билан тенс кўрған бўлади. Устинин максади ўлимлик бўлғандан кейин ўнга безақор ёпинчиқнинг нима кериби бор? Бўшлик бўлиши ўчун ил қозонган пастмақ одам нажосатни шак вобос билан ёпан бўлади. Эшигдаги тўни юзма шўртлик бўлса ҳам, гўлнинг тўни шўртлик-шўртлик экани айб элас-кў! Кўёшининг ялангочилиги ўнинг зийнати-кў, бўлўтундан вобос кўйганга эса ҳамма ёқни қоронилиқ востари. Асал қовқадан нарироқ тўрса, ширинроқ бўлади. Мўжик ҳам қийшқини қиндиғдан ажратилса, хид беради. Эр кишининг шарафи қийлишга элас; дўр савадгар ўзюк бўлса, вавоси қалайлайди. Нашианинг ҳам ўст вобоси заррин, алло ўнинг кўндагани жойи ўлимликларнинг ўстидир».

Набойининг ой, кўёни, юлдузлар, осмон ва замон, тонг ва шол, кеча ва кўнгуз, илм расалари ва табиат ўзгаришлари тўғрисидаги таърирлари вонка ижодкорларнинг яъни мавзўдаги мўлоҳазалари билан қилёманса, тўлиб-тошиб оқайган дарё қилдириб турган ирмобка чоғиштирилгандай бўлади. Ўле шохнинг достон, газаллари вонка қаламкашларнинг асарлари билан ёнма-ён қўйиб ўқилса, Набойининг бекйёс сўз севари экани эқбол вилинади. Сўз Набойида ўз сир-синоатларини оғани боис у инсон ҳаётининг барча мўрақаб мўаммоларини вост мароқли тахлил мутариш қилари.

Одамларнинг оқлу шўри, юрак хоҳишига боғлиқ бўлган макон ва замон сўз севарлига вазирини кенз олади. Ўларга ирк, дин, миллат, воя қавилар тўсик бўла олмайдди. Ҳамма замонларда барча элар Сўз сирини билган зотлардан вавра олади. Сўрот, Қонфўсий, Арасту, Фаззольи, Фўрвайсий, Шекспир сингари ўтмишда яшаб ўтган сиймолар мўлоҳазалари тўрли миллатлар маънавий мўлқли бўлиб келмаётгани шўндай дағалат беради. Адишер Набойи асарлари ҳам дўнўнинг кўнлаб халқлари тилига тарқилма қилнган. Бў вўюк сиймо сўзнинг веназир севари бўлгани боис замон ва маконлар оша олам аҳлига ҳаёт хақиқатларидан вобос бериб тўруйди.

Абдулла УЛУФОВ



ОТАУЛИ

Ҳикоя

Агар бу оламда исми жисмига муносиб одам иккита бўлса, биттаси Дилшод, агар битта бўлса, у айнан Дилшоднинг ўзидир. Раҳматли отаси эллик беш йил аввал бу отни унга билиб, етти пуштида азолдан мавжуд феъл-атвориға мослаб қўйган, кейинчалик ўзига ҳам қайта-қайта тайинлаб: “Бу ёлгон дунё жазовасидаги бандаларнинг шунақанги шумликлари борки, уларни фақатгина кулиб енгиш мумкин. Шунинг учун бирон пасткашинг бирон қилвирлигиға дуч келганингда “Бир балоси бўлмаса, шудғорда куйруқ на қилур?” сингари саволни олдинга кўндаланг қўйиб, кўзингни каттароқ очиб қара-да, огоҳ бўл, ўзингни ўзинг асра, лекин ҳеч қачон хафа бўлма, аксинча, сени кулфатларға гирифтор қиламан деганларға оччиқма-оччиқ ҳамшира шод бўл – Дилшод бўл, уқдингни, улим!..” — деган эди.

Дилшод, мана, роппа-роса ярим асрдирки, том маънадаги Дилшод бўлиб яшаб, роппа-роса ўттиз йилдирки, табиатшунос Дилшод Хуррамович Хушвақтов сифатида Табиот муҳофазаси маркази(ТММ)да ишлаб келмоқда. Шу вақт мобойнида ўзим шаҳар марказидаги бу антиқа кўриқхонанинг марказий кўргазмасидаги терисига сомон тикиб қотирилган не бир шеру йўлбарс, бўри-ю тулки, бургуту лочин ва ҳоказо дарранда, парранда, гозандаларнинг асл табиатини одамларға тушунтиравериб, “табиот қўйниға сайр” асносида ана ўша одамларнинг ахвол-руҳияларида рўй бераётган ҳар бир кичик ўзгоришларни ҳам диққат билан кўзатавериб, уларнинг ичидаги “оласи”ни тулпа-тузук кўрадиган-биладиган яхшигина одамшунос ҳам бўлиб қолди-ёёл! Очигини айтиш керак, кейинги йилларда одам боласининг феъли-хўйини кўрган-билгани сайн отаси тилаганидек дили шод бўлолмай қоляпти. Кулганида ҳам авваллардигидек “Яхши-яхши!” дея кўксини тўлдириб кулолмайди, аксинча, йилгагиси келади. Айниқса, қирқ ёшдан кейинги ўн беш йил ичида юраги тобора торайиб, ўқтин-ўқтин шунақанги бир тутам бўлиб қоладики, ўзини қўйгани жой тополмайди. “Қўй, ҳаммасини ўзинга олиб, ичинга ютаверма, Худого

сол, сенинг ишинг одам боласининг ички табиатини эмас, ташқи табиати ўрганиш-ку!” дея ўзини ўзи овутмоқчи бўлади, лекин... бу одам боласининг феъли.. Ҳаттоки жонажон ука, қадрдон дўст деб билганлари душмандан беш баттар бўлиб чиқсалар, нима қилсин? Бу ҳолнинг нимасига суюниб, қанақасига Дилшод бўлсин?!

Гадонинг душмани гадо бўлганидек, табиатшуноснинг душмани ҳам табиатшуносдир. “Сиз шу даргоҳда ўттиз йилча ишлаб, марказимизнинг антиқа нусхасига айланиб қолдингиз-да, нима дедингиз?..”, “Бир экспонат сизчилик бўлади-да!..”, “Анови кираверишидаги Мичуриннинг суврати олиб ташланганидан кейин ўрни бўш қолибди-ку, қаранг, шу жойға сизнинг ҳайкалингизни қўйиш керак!..” Шунақанги илон пўст ташлайдиган пичинг, киноя, қочирим, заҳархандаларни эшитаверганидан кейин... қулақ жониворға ҳам жабр. Кучи кеча талабалик йилларидан қадрдон, қарийб қирқ йиллик қисматдоши Хўжақул Беккуловнинг аллақандай машваратнинг бошланишини қутиб ўтириганида бутун издиҳомға эшиттириб айтган бир “ҳазил”и ҳаммасидан ошиб тушди: Хар бир тирик жон эртадир-кечдир қарийди, фақат Дилшод Хушвақтов қаримойди. Шу даргоҳда қиёматта қадар қоққан қозикдек турриверди, ТММ тамом бўлса бўладики, бу одам тамом бўлмайди...” Ўшанда бу “нозик лутфу карам”дан таъсирланиб аччиқ-аччиқ кулаётган қўпчиликка қўшилишиб қулди, кейинчалик “ҳазил” наъша қилиб ўзича ўйлади:” Ё фалак! Манови асрни қаритган қари тулкилар, шу шаштлари бўлса, нафақат менингдак асаби метин хушчаққони, не бир навақирон-навақиронларни ҳам қаритиб-чуритиб, адоий тамом қилишлари аниқ! Художон, ўзинг инсоф бер бу икки оёқда тик турганингни ҳам кўролмайдиған бахиллароғал”

Уша күнйёк уйға келиб қатъий бир фикрда тўхтади: тамом бўлса тамом-да! Шу келаётган шанбада ақалли бир кунга бошини олиб оёғи етган жойғача кетмаса, ёз чилласидаги бу диққинафас муҳитда эрта қаримоқ туғул юраги тарс ёрилиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас!

Шундай қилиб мана, ниҳоят, у ўзининг дала ҳовлисидан Ортиқдан хотини билан кенжа қизини эргаштирган қўйи манзилга етиб келди. Яхшиямки, ўн беш йил аввал пешонасига шу бир парча ер битиб қолган экан Яхшиямки, ўша пайтларда қизик устида – қирчиллама қирқ ёшида шу қўйбола “Том тоғанинг қулбаси”ни қуриб олган экан! Яссавий ҳазратлари надонлардан қочиб узоққа чекинганларидек, мана, унинг ҳам аҳволи танг – асаби таронг бўлганда худо берган азалий табиати то қушандардан муҳофиза қилиш умидида нажот қидириб келар манзили шу! Қани энди, ўша ўн беш йил аввалгидек, бутун оиласи билан, худди “Фарона тоғ отунча”даги Матқовулнинг оиласига ўхшаб, жўжабирдек жон манови дала ҳовлисига яйраб-яшноб яшай олосалар экан! Қаёқда! У кунлар қайтмас бўлиб ўтди-кетди. Қандай қилиб эллик беш ёшга кириб қолди – ақли бовар қилмоғиди! Энди баалоғат ёшига ётган ўйил-қизларининг ҳам дала ҳовлига келишга на вақтлари бор, на хушлари! Кеча кечқурун ўзи ўтказган “набатдан ташқари оилавий машоврат” яқини шу бўлдики, ҳозирча яна “чол-компир” билан ўн ашар қизчалари бориб туради. Аниқроғи, учовлон бирровгина бориб, аввало тоза ҳово, сўнгра дам, ниҳоят, пишган мевачеваларни олиб, агар улгурсалар, саратонда қақраб ётган боғларини сугориб қайтадилар. Қарабсизки, шу билан ўзлари ҳам, боғлари ҳам тавтилга бемалол етиб оладилар. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, лекин етдим деганда йиқилмаслик ҳам керак!

Одатдагидек “Етказганинга шукур!” дея қулбасига кириб, бир муддат нафас таслади. Хайрият, етиб келар кун бор экан! Бир ой қўпкам, бир ой ёз мобойида ҳар ҳафта дам олаш кунлари келамиз деб келолмай, ниҳоят, бугун насиб қилди-я! Қарийб уч оғлини йўл азоби – гўр азобини-ку, эслаб қарасанг, кунгинг эмас, йилгагинг келади. Саҳармардонда одатдагидек уларни қўнбаси йўлақда кутиб олиб, қарийб катта йўлга қадар ортларидан кузатиб қолар экан, аланечук ўсмоқчилади: “Ортмоқчилик кетаясила, узоқ йўлгами дейман-а? Қизчани ўзларингга қоровул қилиб олиб кетаясилами?” Сўров-тезровларга жавобан пачақилишиб, танг-сахардон асабини бузиш кимга керак? “Худди шундай – шахсий қоровулми?” — дея қулиб хайрлашди-да, ичиде йўлади: “Ўзингсан-ку, қадамимни пайлайдиган шахсий қоровулми!..” Кошки бундай исковулар битта-иккита бўлсал! Илмоқчи саволлар, қавлаштиришлар, бармоқ ўйнатишлар, тилёғламаликлар... Ҳар қандай сафар-саёхатни ҳордиқ эмас, азобга айлантриб, қўзинга дунёни торойтириб юборди! Ҳатто учовлон электричкадан тушиб, кира машинага ўтирганларида нотаниш бир йилгича орқалоридан ичкарига отилиб кирди-да, ҳайдовчининг ҳой-ҳойлашига қарамай ошқора айтдики: “Манови акаларим қоерга борса, ўша ерғача бораман!” Бундан дангалроқ ва юзсизроқ гапни ўйлаб топиш ҳам амримаҳол! Дала ҳовлидаги бирон қўшнисининг ўли эмаслиги анёқ устига-устак юз-кўзи, гап-сўзи, нигоҳ-назари аён қўрсатиб турибдики, жонли дум! Бирга-бирга келиб тушишган, ҳайтовур дала ҳовлисига эргашиб кирмади – кимсасиз тепаликка ўрмалаб кетди. “Ҳойнаҳой, шу топда наһап-наһап дасткам дурбиндан қараб, уларнинг ҳар бир қадомларини кузатиб ётган бўлса ажабмас. “Нима қилиб юрибсан, ҳой думи?” дедимсан!”

Дилшоҳ ўзини алоҳитсигиға уринди. Дала-ҳовлига хуноб бўлиш учун эмас, бир муддат дилнимни яйратиб, асабимни

тинқитираман деган умидда келди, ахир! Одатдагидек, кийимини алмаштириб, кетмонни қўлга олди-да, ташқарига чиқди. Албатта, ишни боққа сув очинддан бошлаш керак! Жазиромда қовжириб-лоҳасланиб, очилган сувни ютоқиб ичаётган жанажон боғига қараб қўзлари қувнади. Қарийб ўн беш йил ер тимдало бўлиб этганли Узи, ўз қўли билан яратган боғи! Ёз бошларида келолмай, бу йил қулпунай билан гилосдан бебахра қолдилар. Роҳатини ким кўрди — Худо билди. Бироқ тут билан қантак ўриклари шунақанги етилиб бошлобдики, ҳай-ҳай, тилингда болдек татийди. Ота-боболар айтган: тут пишми — пишқилик!

У бир товоқ тут билан бир товоқ ўрикни икки қўлида кўтариб келганида сўрига хонтахта тўзалган, самовар шигиллай бошлаган, баҳузур ёнбошлайдиган кўрпача-болишлар ҳам ташланган эди. Бор экансан-ку, роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаволат! Минг қўйлик бойдек баҳузур ёнбошлар ўрик тановул қилар экан, транзиторини бураб, ҳойнаҳой маза қилиб эшитса бўладиган қўшиқ қидираётган хотинига қараб хайратда қолди. Ё фалак! Қулоқлари олдомаятими?... Мухаммадхон Ҳўжоевнинг таниш свози... унинг сўнгги ёзган асарини ўқиб бошляпти-ку! Кейинги ўн беш йил мобойида табиатушнос сифатида ҳочир-эшак, ит-қуш, мушук-сичқон, бўри-тулки, оҳу билан от, қўйинг-чи, тувдан бошқа талайгина жониворлар ҳақида ёзди. Ёзганлари, Худога шукр, кўпам куттирмай ёруғлик кўрди. Шу ҳайвонлар ҳақида ҳикояларининг асарятини шу родияда шу Мухаммадхон Ҳўжоев ўқиди. Лекин бирор йил аввал туркумни яқунлаган тўя ҳақидаги “Сарҳисоб” деган бўлими... нақд ўн икки ойдан бери нимгаодир тўя гўшти еб ётган эди. Сўрай-сўрай, эслата-эслата, кута-кута қўлини ювиб қўлтирига урганида... кутилмаганда... бун қоранг! Қумурска билан сичқон, ит билан қушдек майда-чўйда жониворлар эмас, қўзга қўрнуглик қўш ўрқоқчи туянинг табиати ҳақида ёзганини шундай сўлим ғўшода, ўз боғида — табиот қўйнида эшитиши... бу, албатта, қўшалоқ шодлик, икки қорра бахт, бир йилда бир марта қониб сув ичаётган туянинг роҳат-фароғати, ҳузур-ҳаволати!

Дилшоҳ кейинги ойлор мобойида биринчи марта яйраб қулди. Ўзи суйган латифлардан бирини бенийтиёр эслади. Кунлардан бир кун Афандидан сўрашибди: “Мана, мусобақада ҳамминан доғда қолдирдингиз, голиб сифатида ўзингиз айтинг-чи, мукофотга от берайлики, гиламми?” Афанди саволга савол билан жавоб қайтарибди: “Гиламни отнинг устига ташлаб беришнинг иложи йўқми?”

“Инсоф сари барака, туянинг табиатидаги энг бирламчи фазилат — сабр-тоқат!” — дея ўз ҳаддини билиб, тишини тишига қўйиб, аллоқимларга ҳам Худодан инсоф тилаб, сабр қилиб юрган эди, бун қоранг-а, бун қоранг, кутилмаганда ҳам зангори гилам, ҳам учар от!

Уни осмондан ерга ўти олиб тушди:

— Дилшодбой, ҳой Дилшодбой!

Овоз эгасини кўрмаса ҳам дарров таниди. Айниқса, ёз ойларига ҳамиша кунда-шунда нафақахўр акахони! Кўпинча дала ҳовлида нафас ростлаб улгурмасидан бош устига келиб: “Жуда соғинтирдингиз-ку! Кўтавериб қўзларим тўрт бўлди-я!” — дея ундан айланиб-ўргилади. Илтифот кўрсатади. Гапни айлантиради: Хуллас, ҳар халтаси шунақани очилиб кетадики, натижада отини уч-тўрт соатга мўлжаллаган бир олам ишлари сабил қолади. Наҳотки, бугунги ҳисоблигина вақти-соати хунобозлик билан

ўтса?! Ўрнидан салпич туриб акахонига пешвоз юрди. Ўттиз қадамлик йўлакчодан ўтди ҳамки, ҳалигина овози яқингинадан жаранлаган акахонининг қораси нимагадир кўринавермади. Тош йўлга чиқиб қораса, етмиш яшар чол ўттиз қодамча нарида нимагадир етти яшар болакайдек ўз дала ҳавлиси томонга пилдириб кетяпти. Ие, буниси қизик бўлди-ю! Начора, зоримиз бор, зўримиз йўқ! Ўзи келар Лайлихон, ўзи кетар Лайлихон! Урик тановул қилганча баҳузур ёстиққа ёнбошлаб, Мухаммаджон Хўжаевни тинглашда давом этайлик, қани!

Ўзини қушдек енгил ҳис қилган ҳолда боғ эшигини очиб ичкарига кирмоқчи эди, нимадир "шалоп" этиб шундоққина оёқлари остига тушди. Нақ икки қўлочча келадиган бир қўлбор илон! Қочмайди ҳам! У ҳам қарайиб қораб, бош кўтариб турибди! Қовқдан келди бу газонда?! Катта йўл томонда айтилган бир сўз кулгона аниқ-тиник эшитилди: "Бўлди!" Ҳам илондан қочиб, ҳам нима "бўлгани" ни билиш ниятида овоз келган томонга лўқиллади. Дарвозодан чиқиб кўрдики, тўрт-беш дала ҳовли нарироқдағи бир қўшнисининг қизи билан куёви... нимагадир зулукдек қоп-қора хорижий русумдаги машиналарини боғ суғориладиган ариқчанинг лойқа сувида ювяпти! Него? Сабаб?! Саломларига алиқ олиб, ҳол-аҳвол сўрашган бўлди-да, ортига қайтди. Тажжубига таажжуб қўшилди. Хўш, нима "бўлди" ўзи?! "Мурод ҳосил"ми? Атроф-жавонибда бутун бошли сув омбори, дарё, тиник сойлар, жиғалар, бўлоқлар қолиб, шутинга лойқа сувида машиналарини ювиб бўлишди, ё гап бошқа ёқдами? Тагин ерининг тагида илон қимирлаб бошладими, нима бало? Қутилмаганда қизчасининг жон ҳолатда қичқиргани эшитилди:

— Ада-а, буёққа келинг, те-ез!

— Тинчликми, Қувонч? Нима бўлди, қизим?!

Юғриб кириб қароса, хотини билан қиз сўри устида бир-бирини қўчиб, энгашганча нокнинг тагида тикилиб туришибди. Қизининг ҳаяжони ичига сиймағиди:

— Қаранг, икки бошли илонни кўринг, ада, икки бошли илон!

...Қаради-ю, хайратда донг қотиб қолди. Йўқ, икки бошли илон эмас, жуфт илон! Куйиккан илонлар! Бир-бирларига чирмашган кўйи эшилиб-бурилиб, ҳовли узра боайни рақс тушаётгандек чорх ура кетдилор. Табиатшунос сифатида жонли ва жонсиз табиатнинг турфа ҳолатларини кўп қўзатган бўлса-да, бундай гаройиб монзарони биринчи қўриб туриши эди. Иккита ўқилоннинг биргалишиб рақс тушиши! Бунақасини ашаддий илон ўйнатувчи — морбозлар ҳам кўрмагандиров! Куйиккани ё киндиги бирми? Илонда киндик бўлодими ўзи? Ҳалигина кўргани қўлбор илон, бу қўриб тургани жуфт ўқилон! Ҳа беш йилдан буён атроф-жавонибда қорасини қўрсатмаган антика газондалар қовқдан қайнаб чиқаяпти? Кўнгли бир шулликни сезгандек бўлди. Кийим-кечаклари билан тўрва-халталарини олиб чиқиб ниятида тагин уйга кирдилар. Кирди-ю эшик олдига донг қотди. Ё раб! Нималар бўляпти ўзи?! Янада антиқарақ бир қоп-қора илон... шундоққина кўз ўнгиде шифтдан ерга осилиб туришиб, жона бўйлаб бешиктебратордек тебронган кўйи алланечук тарвақайлаб бориб, очиқ деразга ўрмалоди. Илон дерозадан, Дилшод эшикдан бараварига отилиб чиқдилор. Қизчасининг хайратига хайрат қўшилди:

— Ву-уй, ана, яна биттаси! Қоп-қоралигини-и! Катталигини-чи!..

Кулба эшигига қўлф урар экан, хотинига буюрди:

— Қочдик, Хурсаной! Қувонччи етаклаб ортимдан чол! Қочиб қутулмасак бўлмайдиганга ўхшайди!..

Учовлон катта кўчга — сувида олачалоқ тусга кирган зулукдек машина қошига чиқиб бордилор. Ҳали нафас ростлаб улгурмаган эдилар, катта йўл бўйлаб югуриб-йўртиб ҳаллослаганча қўшнилари етиб келди. Дам Дилшодга, дам хотини билан қизига синовчон тикилиб ҳол сўрай кетди:

— Нима бўлди, тинчликми? Кимдир қаттиқ чинкирганини эшитиб... "Илон қақдими, нима бўлди-кин?" деб...

Дилшод қўшнисининг жонсиз юзига, бежо кўзларига қаттиқ тикилди. Ана энди анчагина ойдинлашди! Гапининг илондек совуқлигини-чи! Ёрдам қўлини чўзиб, меҳр-мурувват кўрсатгани келдими ё "Зора, биттаси бўлмаса биттасини чоққан бўлсал!" деган илинжда текин томоша қидирибми? Кейинги пайтларда одамнинг оласини кўрганида беҳитиёр шайтонлиги кўзиб, Афандидан беш баттар анковсирайдиган бўлди:

— Илон? Қанақа илон? Қани илон? Оёғи нечта? Қирқтама, иккита?..

Ҳалигина мушукдек мулойим бўлиб турган қўшниси шердек важоҳат билан ҳурпойди:

— Мен одамга ўхшоб ҳол-аҳвол сўрасам, бу одам қалака қилади-я! Ҳе-е, садқоқ яхшиликл!..

Шундай дея қўшниси ўзини машинанинг очиқ эшигига урди. Дилшод ўрнидан шитоб билан кўзғолган машинага энгашиб, алланечук зорланди:

— Сиз ҳам тўғри тушунинг-да, олажон! Кўрмаган туяниям кўрмайди-ю, сиз "илон", "чаён" деган майда жониворларни эшитсиз-а...

Машинанинг ортидан таши қулиб, ичи йўғлаб тикилар экан, гап нимадалигини ўзича тасаввур қилди. Уҳ-ҳ, илонлар! Ҳа беш омонга чиқиб кетганида ҳам боайни илондек судралиб умргузаронлик қиладиган, шу боис овоз бош кўтариб, қад ростлаб, икки оёқда тик юрганнинг кўролмайдиған, иложини топса, илондек қақман деб, таъбинги хира, кўнглинги кир қилиш йўллариин қидириб, ҳар қадамда сenga бало соғиниб турган икки оёқли газондалар! Ўзи яхши кўрадиган ёзувчилардан бири Фозил Искандорнинг "Қўвнлар ва бўғма илонлар" фалсафий эртакини эслаб, кулгиси қистоди. Одам боласини онгли мавжудот эмас, тажрибахонадаги қуён деб тасаввур қилувчи бўғма илонлар! Нечта улар? Сон-саногии борми бу илоннинг ортида турган илонларнинг?!

Очигини айтиш керак, Дилшод ўзига анча йиллардан буён тажрибахонадаги қуёнга мензлаб қарашларини ўқтин-ўқтин ҳис қиладиган бўлиб қолди. Одатда гап тагида гап, унинг тагида эса, ўша гапни айтаётган одам боласининг табиати, фелъ-атвори, аҳвол-руҳияси, мурод-мақсоди! "мана мен" деб кўриниб туради. Ишонсига серкатхон айрим акахонлари у билан "қуюқ" кўришиб ёнига ўтиргач, худди одам кўрмагандек синчовлик билан қараб, дабдурўстанда мақтаб қолади десангиз: "Кўринишингиз яхши, тфу-тфу, қўз тегмасин!" Бундай мақтовларни эшитганида ҳам, ҳузурларига бўлмаса-да, ҳарқалай, қулади. Гўё у аллақачон ўлиши кераги қандайдир мўъжиза тудфойли ҳали-ҳануз тирик юрибди, устига-устак, ранги сарғайиб эмас, тиниклашиб боряпти, таажжуб деган маъно бу мақтовнинг тагида илоннинг кўзидеккина бўлиб кўриниб туради. Сирасини айтганда, илоннинг ёғини ялаган саксон яшар чоллар ўйнаб-ўйноқлаб юрган бир пайтада... эллик беш

ёш устидаги одамнинг кўриниши яхши бўлса, ҳўш, бунинг нимасига ажобланиб қараш керак? "Бой кийса - қўллуқ бўлсин, камбағал кийса - қарёқдан олдин" деганларидек, саксонбойга "Нега ўлмаяпти?" деб қаромаганларнинг эллиқбойга "Нега яшояпти?" деб қараш... инсофданми?! Наҳотки, булардек ўзи совуқ, ўзидан сўзи совуқ бўлма чилонлар исканжасидан қутулишининг йўли бўлмаса?! Гарчи кўнглида тўфон кўзалаётган бўлса-да, ўзини ўтaketган божибегамадек тўтиб "шўх" кулганча хотинига хитоб қилди:

— Кетдик! Дала ҳовлимизга сафаримизни қаритдик, Хурсаной! Энди шу ерда бир муддат нафас ростлаб, кейин Ташкентга қароб кўвнинг суратини чизамиз!

Ундаги сохта кўтаринкиликни хотини кўтаролмади:

— Вой, нега энди?..

Дилшод қариб ўттиз йиллик сирдоши—қисматдошидан кўнглидаги асл ниятини яширмади. Ғазабу нафратини ҳам! Бехитёр тилшорни гичирлаб кетди:

— Кўрган-боққанамиз — илон бозори ҳақида бемалолроқ ёзган! Ўзинг қўриб турибсан, бошқа чорамиз йўқ!

Хотинининг фиғони фалакка ўрлаб йиллашга тушди:

— Э-э, ҳудожон-э, икки ой деганда етиб келган боғимизга қиролмай шу ерда ўтирамизми энди! Биз бировга нима ёмонлик қилган эдик...

Оҳ-нола ёниб турган оловга ёғ сепгандек бўлди. Нима қилсин? Мажнунтоп тағига ўтириб ўзи ҳам йиғласинми?! Аччиқ қулди: «Йўқ! "Мен йиғламаслигим керак, шунинг учун куламан". Эътиборингиз учун, бу гапни АҚШ президенти Авраам Линкольн айтган! АҚШде пешқадим давлатнинг кримсон президенти-ки шундай деганидан кейин... биз нима қиламиз? Куламыз-да! Қўлмай бўладими!»

— Вой, нега куласиз?

— Негалигини айтайми, Хурсаной? — деди юраги тўлиқиб.

— Негаки шу топда боғимиз боғ эмас, илон бозори бўлиб турибди. Ҳойнаҳой, кимдир питомникдан бир қўти захорли илонни олиб келиб, боғимизга сочиб ташлаган. Шулардан иккитасини сепнар, иккитасини мен, яна биттасини онови қўрқиб қочган акахонимиз кўрдик. Худо билади, ичкарида яна нечтаси ўрмалаб юрибди!..

Қўтилмаганда пастдан чиқиб келаётган бир "Нексия" шундоққина ёнларига келиб таққа тўхтади. Важаб, машинанинг бир эшигидан аммаваччаси, бир эшигидан кеннойиси чиқиб келди! Аммаваччаси билан қучоқлашиб кўришар экан, ақли бовар қилмади. Қўй сўйиб чакирса ўйлашиб келадиган казо-казолардан бири... қандай шамол учирди? Қарёқдан офтоб қандай? Дала ҳовлисига ўн йилча аввал бир маротабагина қадам ранжиде қилган аммаваччаси... унинг юз ифодасини яхшигина ўқди, шекилли, тушунтириш берди:

— Кеннойиш билан манови невараларни ўйнатиб юривдик. Шу ерда бўлсаларинг бирровгина кўриб ўтайлик деб, Боғистондан қайтаётиб бурила қолдик!

Дилшод сир бой бермади. Назориде бошқа иложи ҳам йўқдек эди:

— Қодамларга ҳасанот, амакижон, кеннойижон, қани, ичкарига марҳамат қилсинлар, хуш кўрдик!

Қўтилмаганда қизчаси уларнинг йўлларига кўндаланг бўлди:

— Илонлар-чи, ада, илонлар? Ўзингиз ҳозиргина "Боғимиз гиж-гиж илон", деб турувдингиз-ку!

Аччиқ қулди:

— Қўявер, қизим, сен аралашма! Илон нима қилади? Одамни кўргандан кейин қочади-д!

— Қанақа илон? Нима гап ўзи, тичликми?

Дилшод саволга жавобан нима дейишни билмай жим қолди. Хотинлардек ҳасрат қилиш! Додини айтса бўладиган одамлар топлага қолганидан суюнган хотини "воқеа"ни батафсил тушунтира кетди. Аммаваччаси билан кеннойиси куйиниб тушутиришларни тинглаш асосида ортларига бурилиб, ўринларига қайта ўтирдилар. Аммаваччаси машинасини шахд билан қайриб тўхтатди-да, Дилшодга синавчан тикилди:

— Майли, мана, қўрдик, омон бўлларинг!

Дилшод хижолатомуз манзират қилди:

— Кирмадингизлар-да, амски, кеннойи, бир пиёла чойимиз бор эди, кўрмайсизларми, қўтилмаганда боғимизни илон босиб...

— Майли, бошқа пайт келаримиз...


Ўзоқлашиб бораётган "Нексия" ортидан қароб туриб ўйланиб қолди. Қизиқ, "воқеа"ни билиб келдимиз бу жигарлари ё билмасдан? Энди нима қилса бўлади?

Бадғумонлик гуноҳ, албатта, лекин... Кейинги йилларда аввало ўзи, қолаверса, балаларининг онаси, ниҳоят, ўғил-қизларига аталган тузоқларни кўравериб, бу тузоқларга чап беравериб, ўзиям, шорири замон ёзганидек, "тузоқларни танийдирган тулки" бўлиб кетди-ёв! Ҳаттоки ернинг тағида илон кимирласа билдиган бўлиб қолди. Шу топда қўтилмаган бир тузоқдан Худонинг ўзи асради. Худога шукр, ўз вақтида кўзи очилди. Хайриятки, ғафлатда қолмади. Лекин... Энди нима қилсин?

Афтидан, ягона чора шук, ёлғиз ўзи жонини жабборга топширган ҳолда боғига бирровгина кирди-да, қўлга илинган мевачева билан ҳўли йўлакда ташлаб қочгани тўрва-халталарини олиб, боғ эшигини тамбалаб чиқади. Бахтош тавоқал! Худо ҳам асралганин асройди, аммо... чумчўқдан қўрққан тарик экмоди-да! Кўрган кўзлар ва эшитган қўлоқлар ишондиган "ўз ожали билан" ўлдириш ҳаракатидан биттагинасига шунча ваҳимами? "Мардона бўл, ғариб боғ..."

...Тасаввур қилингики, қаҳрамонимизни ўз боғида илон чақди-да, у ўлди-кетди. Бу "ғоят табиий, бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса"га атрофдаги мардумнинг неча фоизи дил-дилдан куйинади-ю, неча фоизи суюнади? Табиатунос, ҳусусан, одам боласининг табиатини яхшигина билдиган инсоншунос сифатида Дилшод ўттиз йилдан буюн қанчадан-қанча саволларга жавоб топди, лекин шу бир жумбоқни ҳали-ҳануз ечолмади. Табиийки, биз ҳам...

Бизнинг зоримиз ҳам, зўримиз ҳам йўқ, зоримизгина бор, ҳалос, бировга ўлим тилаб, бало соғиниб, ўзгаларнинг қулфатидан суюниб яшовчи ғаламисларга нисбатан ўзига умр тилаб, ҳар бир тирик жонга яхшилик истоб, ўзгаларнинг бахтидан суюниб, қулфатидан қуюниб яшовчи яхшилар шоядки кўпроқ бўлсалар! Зотан, айнан ана ўша яхшиларнинг шорофоти билан ҳеч қачон замонга охири бўлмайди. Башарти замон охир эмас, оғир бўлса, келинг, уни оғирлаштироётган ғаламис ёмонлар — ёмон ғаламисларга "Сенга ҳам боққан бало бордир", "Бу қунар ўтар-кетар, ортинг куйгани қолар", дея ҳар қандай оғир қуларни енгил кулги билан енгиб ўтайлик ва ўз ҳаётимизни ўзимиз енгиллаштирайлик, токи ҳар биримиз ўзимизни қўшдек енгил ҳис қилиб, том маънода ДИЛШОД бўлайлик!



тика иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Бугунги кунда бу ерда 8 нафар фан номзоди, 52 нафар олий тоифали, 36 нафар биринчи тоифали, 32 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилардан таркиб топган 180 дан ортик педагог-мутахассислар жамоаси фаол иш юритиб, 3000 дан ошқ талабаларга илм-фан сирларини сидқидилдан ўргатмоқдалар. Ўқитувчилар таълим жараёнида ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланишмоқда. Айниқса, дарсларда масофадан ўқитиш воситалари, мультимедия, электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда машғулот ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Коллежда ўқув хоналари мутасадида ташкилотлар кўмаги ҳамда турли хорижий грантлар ҳисобидан замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан йўналишлар бўйича тўлиқ жиҳозланган. Йўналишлар бўйича машғулотлар тренинг хоналарида илгор тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Амалий машғулотларда ҳамширалик иши жараёни яхши йўлга қўйилган бўлиб, чуқур ўргатилади.

Фармация йўналишида фармация ассистенти мутахассислари тайёрланади. Ўқув жараёнида лаборатория диагностикаси йўналиши фани бўйича амалиёт машғулотлари учун барча шароитлар яратилган. Лаборатория ишлари, уларнинг таҳлиллари чуқур ўргатилиб, ҳамширалик ташхисини қўйишда ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши бизнинг жамоамиз зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. 2005-2006 ўқув йилида дарс сифати ва мазмунини бойитиш мақсадида педагоглар малакаси, маҳоратини оширишга эътибор қаратилди. Бу дарсларда ўқитувчилар ўз фани бўйича амалий дарс ишланмаларини кафедрада ва услубий бўлимда кўриб чиқиб, ўқув жараёнида қўллаш имкониятига эга бўладилар. Ўқув юртида амалий дарсларни ташкил қилиш, талабаларни ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётига юбориш, улар бўйича мониторинг натижалари илмий-педагогик

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи махсус касб-ҳунар масканларидан бири бўлиб, бу ерда ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур билим бериш, ўқитишни замонавий усулларда олиб бориш, юксак маънавиятли, янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш ишлари изчиллик билан олиб боришмоқда.

— Ушбу ўқув юртида ҳамширалик иши, фармация иши, лаборатория диагностикаси, тиббий профилак-



кенгашларда мунтазам кўриб чиқилади. Клиник базаларда олиб борилаётган амалий машғулотлар коллежнинг ички инспекцияси томонидан назорат қилиниб, чуқур таҳлил этилади, амалиётнинг дастурга мувофиқлиги қатъий назорат қилинади. Коллежнинг илмий-педагогик кенгашига қўйилган масалалар амалиётнинг барча йўналишларини қамраб олади.

Таълимнинг янги интерфаол усулларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг амалий ўзликма, касб малакаларини янада пухта эгаллаб ўлаштиришларига, клиник фикрлашни ривожлантиришда, фикр доирасини кенгайтиришга имконият беради. Бугунги кунда нафақат таълим билим юрти, балки бутун мамлакатимизда таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар, янги интерфаол усуллар, ахборот, компьютер технологиялари киритилиб, ўқув жараёнига татбиқ этила бошланди. Ўқув жараёнига тобора чуқур кириб бораётган бутунжаҳон коммуникацион тизими — Интернет орқали барча тиббиёт янгилıklarидан хабардор бўлиш учун ҳам имкониятлар яратилган.

Инновацион педагогик технологиялар асосида таълим бериш индивидуал ижодий йўналтирилган тарбияга айланиб, ўқитувчилар фаолиятига таҳлилий ва ташхисий ёндошишни талаб этади. Демак, дарс жараёнида аниқ фаолият кетма-кетлиги ҳамда уни ошириш усуллари илмий-техник таъминлаш, яъни илгор ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Шу боис, янги ўқув йилида таълим сифатини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бутун мамлакат бўйлаб нафақат таълим жараёни, балки барча соҳаларда, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизими, яъни амалий тиббиётда ислохотлар жадал суръатлар билан давом этмоқда. Давлат дастури талабларини бажариш борасида янги ташкил этилаётган даволаш профилактика тизимларининг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиши, фаолият кўрсатаётган тиббиёт коллежларига янги мутахассилларнинг киритилиши, «Ҳамширалик иши»нинг амалий тиббиётда қўлланиши бунинг далилидир.

Бу эса тиббиёт билим юртлари зиммасидаги асл мутахассис, ҳар томонлама баркамол шахс тарбиясидаги масъулиятни янада оширади. Зеро, ҳар қандай ўқув юрти нуфузини келажақда ўз касбининг устаси, юрт равнақи учун фидойи хизмат қилувчи битирувчилар белгилайди.

Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар борасида ҳамиша мунозарали, мулохазали, айтиш мумкинки, зиддиятли қарошлар билдириб келинган. Аслини олганда жамият минглаб характерларнинг ўзаро манфаатлари уйғунлигидан куч-қувват олади: унинг яғона ўлмуви ва шакли йўқ. Аммо жамият аллақандай пуч, ҳовийи қарошлар ва ғоялар йигиндиси эмас. Шундай экан, жамият аъзоси билан унинг ўртасида тафовут ва қарама-қаршилиқнинг бўлиши табиий. Бу ўз новбатда ҳар икки томон учун ҳам қандайдир манфаатли.

Одам ахлоқда, маданий-маиший ҳаётда, ўзаро муомала-муносабатда жамиятда ҳукмрон ўлчов ва меъёрларга бўйсунди. Бироқ бу итоаткорлик шунчаки кўр-кўрона бўлмай, балки онгли, табиий бир йўсинда бажо келтирилади. Демак, бу борада диний, миллий тамойиллар устуворлик қилади.

Тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш бирламчи вазифа бўлган. Ахлоқ миллий характерни шакллантирувчи асосий компонентлардандир.

Маълумки, ахлоқнинг туб моҳиятида диний қадриятлар ётади. Лекин мана шу оддий ҳақиқат унутилган ўтган асрда, ахлорқи совет империеси даврида коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси каби реалликдан йироқ давлатлар бўларди. Ўтган давр хулосаларидан собоқ чиқариб, ёшлар билан ишлашда тарихан таркиб топган аъноаларга сўяниш қатта наф келтиради.

Америкада ва Европа давлатларида диний этикодларидан қатъий назар, ахлоқ борасида таназзул кетаётгани кузатишмоқда. Инсон табиатида мулақо ёт ходисаларнинг — жинсни ўзгартириш операцияларининг амалиётда кўпайиб бораётгани, бир жинсли никоҳ, сунъий одам яратишга бўлган интилишларнинг турли даражада расмий муҳокама этилаётгани глобал дунёнинг ўзига хос кўринишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ҳайри одатий никоҳлар салмоғи ортиб, оммалашиб бораётгани ва бунга қонун йўл берибгина қолмасдан, балки қатор имтиёзлар яратоётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Глобализм миллий бозорни парчалаб йўқ қилишини иқтисодчи олимлар ва мутахассислар таъкидлаётган бўлса, унинг миллий ахлоқ ва ҳаётга таъсири ундан кам эмас. Миллий бозор — товар-пул муносабатларидан ташқари инсоний муносабатларни ҳам қамраб олади. Шундай экан, глобализм таъсирида ўз мавқеини йўқотадиган миллий бозорда миллатга хос кўпгина сифатлар, миллий турмуш тарзининг ўзига хос томонларига ҳам дарз кетади. Аслида глобализмнинг маданий ва иқтисодий соҳалардаги кўринишларини мулақо ажратиб ўрганиш имкони йўқ.

Ахлоқий ҳаётда муромага бориш инсон табиатида нисбатан тажовузлик. Яна ҳам аниқроқ, муроца тағида фикрий қашшоқлик, ижтимоий позициянинг йўқлиги яширинган. Фикр эгалари ким билан ва нима сабабдан

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА

Муяссар МИРЗАУЛУҒОВА,
биология фанлари номзоди

муросага киришишни яхши англайдилар. Англанмаган келишувчанлик йўли эса қўрқоқлик белгисидир. Яратганнинг ҳукмига қўр-қурона қарши бориш оқибатлари нималорга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўриш, ҳар ҳолда, фойдадан холи бўлмайди. Лекин Ғарбий Европа мамлакатларида ахлоқсизликнинг очиқ тарғиб этилаётгани, телеканаллар ва ОАВ бу борада минбар вазифасини ўтаётганини эътироф этмоқ лозим. Инсон табиғатида мулақо ёт ҳолатлар хусусидаги репортаж ва курсатувларга нисбатан лоқайдлик, бепарволик ўз навбатида бизнинг ёшларда қандайдир хайрихоҳликни шакллантирмаслигига қафолат борми? Қунда-қунора намойиш этилаётган лавҳа-курсатувлар томошабин онги ва руҳиятига таъсир этмаслиги мумкинми?!

Бизнингча, бу борада у ёки бу динни айблаш, ахлоқсизлик ва маъшій ҳаётдаги бузилиш сабабларини диндан ахтариш мантиқсизликдир. Христион дини пешволари ва олимлар ҳам бу жараён қаршисида ожиз қолаётгани айна ҳақиқат. «Туркистон-пресс» вакили Озодбек Иброҳимов «Дўста «хотин», дуғонага «эр» номли мақоласида «... Париж кўчаларида мусулмон аёлларнинг рўмол ўрашлари ёки бошқа миллий кийимда юришлари таъқиқланади. Аммо кўчада ва жамоат жойларида қип-яланғоч ҳолда юрган эркак ёки аёлга ҳеч ким индамайди».

Дунё тамаддуни маркази давросини қилаётган айрим ҳудудлар ва халқлар цивилизацияи тушунчасининг нисбийлигини англайдилар, аммо етакчи бўлиш давроси уларни тарихий ҳақиқатдан кўз юмишга мажбур қилмоқда.

Чингиз Айтматов XX асрнинг характерли жиҳатлари — ядровий синовлар, ҳалокатли зилзилалар, космосни ўзлаштириш ва шу билан боғлиқ бўлган юксак илмий-техникавий тараққиёт борасида ўз мулоҳазаларини билдирар экан: «Қандай жамиятда бўлмасин, инсон табиғатида сурбетлик билан аралашсалар, ундан «янги» инсонни вужудга келтираман (яратаман, ясайман, таъмирлайман) деб ўйлаган кимса чучварона хом санайди. Аслида, ҳаддан ташқари жоҳил кимсалоргина инсонга тажовуз қилиши мумкин», — дейди.

Демократиянинг ўзак-мағзида миллий, линтақавий, диний хусусиятлар қатта ўрин тутишига шубҳа билан қаровчилар меъёри бузилган Ғарб демократиясининг «меvasи» бўлган ахлоқсизликни ёқлармикан? Демократия мактаби йўқ ва кишининг демократлигини тасдиқловчи сертификат ҳам берилмайди. Шундай экан, ҳар бир этноснинг ўз хусусиятлари унинг демократик тамойиллорига асос бўлади, деб фикр юриштига ҳақкимиз бор. Юқорида кўриб ўтилганидек, маданий глобаллашувнинг ҳатарли ва ҳалокатли кўринишларига нисбатан оқиқ ва қатъий муносабатни шакллантириш керак. Табиий савол туғилоди: Муносабат қандай тизим ва воситалар орқали шаклланади? Глобализм илмий адабиётларда таъқиқланаётганидек, муқаррор жараён экан, ҳар бир сунъий тўсиқ ва чеклашлар тесқари натижаларга олиб келиш эҳтимоллиги мавжуд. Демак, ягона ва тўғри йўл — ўзаро тақдослаш, муқояса қилиш орқали ёшларда дунёқарашни шакллантириш мумкин.

Чунки Ғарб маданияти ва ахлоқини, демократик тамойилларини қуруқ танқид қилиш тесқари натижага, яъни унга нисбатан қизиқшининг ошишига олиб келиши тайин. Оммавий ахборот воситалари глобаллашув жараёнларининг байроқдори экан, очиқ дунё сари ташланаётган ҳар бир қодам мақсодли, миллат ва жомият манфаатлари нуқтаи назаридан ўйланган бўлиши шарт. Маданият соҳасидаги турли тажовузкор воситалар — оммавий адабиёт ва Ҳолливуд кино-фильмлари маданий терроризмнинг «локомотив»-ларидир. Ёш томошабинлар аудиториясини забт этиш мақсодида экспорт қилинаётган мазкур фильмлар тоифаларга бўлиниб, Европа, Осиё ўчун алоҳида таснифланишини инкор этиш мумкинми? Катта сиёсий-мафқуравий мақсадларга йўналтирилган бу каби «санъат» намуналари таъсирида ёш авлод онгида у ёки бу даражада улгу-тамойиллар шаклланмаслигига қафолат бера оломизми?! Истеъмолини учун доим иккита ҳавф мавжуд бўлган: биринчи ҳавф — маҳсулот ёки товарга эътиқод қўйиш; иккинчи ҳавф — ишлоб чиқарувчининг вазосита тарғиботчисига айланиб қолиш. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу икки йўналишни қабул қилиб бўлмайди.

Миллатимиз тарихи Ўзбекистон, Ўзбекистон Халқ шоири Хуршид Даврон ЎТВдаги чиқишларидан бирида: «Қайсики халқнинг байрам ва маросимлари кўп бўлса, билинги, унинг тарихи қадимийдир», — деган эди. Шу маънода, юксак тараққиёт топан халқлар маданийдаги муҳим жиҳатлар гарчи миллий шаклда намоян бўлса-да, моҳият эътибори билан у башарият мулкидир. Шундай экан, миллий ва маданий маҳдудликка берилиш истиқбол учун қайгурган миллатга ёт хусусият.

Халқнинг маданий қиёфасини белгилайдиган энг қатта омиллардан бири, бу — миллий ҳаёт. Мазкур тушунча ўтиш даврида турли синтез жараёнларини башдан кечирishi мумкин эди. Бироқ Ўзбекистонда мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг илк давридаёқ миллий байрам ва маросимларга берилган қатта эътибор, миллий ва диний қадриятларнинг тикланиб, кенг микёсда ривожланиши учун имкониятларнинг юзага келганлиги тарихий шахслар фаолиятининг илмий, ҳолис ва ҳаққоний ўранилиши натижаси ўлароқ бу жараёнга тўқнаш келмадик. Маданий тараққиёт даражасини кўрсатувчи мезонлар бисёр. Энг асосийси, онг ва руҳгаги қаноат. Ҳазрат Навоий ҳам бекорга «Қаноат тариқига кир, эй кўнгул...» деб даъват этмаган. Башарти бу икки мисол орасидаги мувозанат бузилса ёхуд издан чиқса, одомнинг ботиний олами хира тортиди. Ихтимолий позициясига путур етади ва оқибатда турли-туман ёт гояларга берилувчан бўлиб қолади. Демак, маданий ҳаётга шунчаки қараш мумкин эмас. Аксинча, уни миллий гояга туртки берувчи куч сифатида қабул қилиш лозим.

Олим ТОШБОЕВ,
филология фанлари номзоди

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

УСШОЗГА ШАЪЗУМ

Олимларни мен икки тоифага бўламан. Бир тоифа олимлар-илм ва илмий унвонларни ўзи учун яшаш манбаи, мансаб ва лавозим воситаси деб билса, иккинчи тоифадаги олимлар фақат фан учун, илм учун, халқ учун яшайдилар. Ана шу мақсаднинг буюклиги улорни ҳамisha эл эътиборига кўтаради. Академик Азиз Қаюмов ҳам ана шундай эл-юрт эъоззолаган олимлар сирасига киради.


Авалло, шуни таъкидлаш лозимки, Азизхон Қаюмов фақат етук адабиётшуносгина эмас, етакчи манбашунос, матншунос, моданиятшунос, санъатшунос, айна чоғда тўла маънода ижодкор, таржуманшунос ҳамдир. Домло ўзбек адабиётшунослигида ҳалол, чуқур, объектив илмий тадқиқотлар яратиш анъаналарини двом эттирган, йирик, долзарб илмий муаммоларни монографик йўсинда ҳал этишининг илмий методологисига асос солганлардан бири сифатида ҳам

эътиборга лойиқдир.

1961 йилда филология фанлари номзоди Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» номли монографияси нашр этилди. Бу тадқиқот замирида олим XVIII-XIX аср Қўқон хонлигидаги сиёсий-ижтимоий ва адабий-моданий ҳоғта онд энг муҳим тарихий йўналишларни, жараёнларни кўрсатиш орқали адабиётдаги етакчи ва илгор демократик йўналиш илдиэларини умумлаштириб берди. Шу билан бирга адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб Ҳазик, Ғозий, Мавдан, Махмур, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Муғриб, Андолиб, Мирзоалим, Акмал, Мушриф, Низомий, Ҳўқандийлар каби ўнлаб унутилаэвган истеъодларни кашф этди.

Олим қадимий ёдгорликлардан «Авесто», Урхун-Энасой битикларини, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит-турк» каби ёзма ёдгорликларини тадқиқ этиб, бу бородаги кузатувлорини яхлитлаштириб, «Қадимий обиделар»

номи билан нашр эттирди. Шунингдек, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмуд Фарғоний каби алломаларнинг адабиётга, моданиятга онд қаршларига доир баҳасларга кенг йўл очди. Ибн Синонинг кўп жилдли «Тиб қонунлори» асарининг арабчадан ўзбекчага таржима қилинишида ҳам фаоллик кўрсатди. Шуларнинг натижаси ўлароқ, устознинг «Ибн Сино», «Беруний ва адабий ижод», «Беруний ва адабиёт» каби китоблари, «Устоз Беруний», «Аҳмуд Фарғоний», «Зокирхон Фурқат», «Мирзо Улуғбек» каби эссе тарзидаги бодий-илмий ва оммоёб асарлари яратилди. Унинг аҳолиёб кишилар туркумидаги асарлари арабсуда «Алишер Навоий» алоҳида аҳамиятга эгадир. Негаки худди шу асари билан олим буюк Навоий дохосига кириб борди, ўзбек навоийшунослик фани тараққиётда ўз ўрнини тайин этди. Олим, энг аввало, Навоий асарларининг илмий-танқидий



Омон Нурмухамедов — фидойи инсон. Ахир, бир жойда 35 йил раҳбарлик қилишининг ўзи бўлмайди. Бугунги кунда, бу инсон раҳбарлик қилаётган Каттақўрғон шаҳар стоматология поликлиникаси мамлакатимизда донг таратган даво масканларидан бири. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорликда ташкил этган «Стоматологиянинг долзарб замонавий муаммолари» анжуманининг шу ерда ўтказилганлиги ҳам каттақўрғонлик стоматологлар хизмати эътирофи, улар давр талабларидан орқада қолмаётганлигининг исботидир.

— 1966 йилнинг ёз ойлари эди. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини имтиёзли диплом билан битириб, Каттақўрғонга ишга келдим. Шаҳар полик-

линикасининг торгина хонасига жойлашган стоматология бўлимида бор-йўғи икки врач, битта ҳамшира хизмат қилар экан. Беморларни қабул қилиш, уларнинг тишларини даволаш учун зарур шарт-шароитларнинг йўқлиги мени ташвишга солди. Кўп ўйлаб ўтирмай, шаҳар Марказий шифохонаси бош ҳоқими Нормурод Жабриев хузурига бориб, аҳволни тушунтирдим. Бош ҳоқим: «Ўзим ҳам шун

йўлаб юрибман. Тиш даволаш бўлимига алоҳида жой ажратиб беришмоқчи», — деди.

Уша куни Нормурод ака билан анча суҳбатлашдик. Дарҳақиқат, тез орада Тиш даволаш бўлими шаҳар поликлиникасидан ажралиб, алоҳида бинога кўчирилди. Бино эски бўлгани учун уни таъмирлашда ўзим бош-қош бўлдим.

1969 йилда мени бўлимга мудир қилиб тайинлашди. Бу жуда масъулияти вазифа эди. Назоримда, бўлимдаги шароит аҳоли талабларини қондиrolмаётгандек туюларди. Уша йилларда Қўқон шаҳридаги стоматология поликлиникасининг бир кунда 300 кишига тиббий хизмат кўрсатаётгани, поликлиникада тиш даволаш, ноёб металлардан тиш

матнларини тайёрлаб, нашр этиш, қолаверса, шоир ижодини илмий-монографик тадқиқ этиш йўлидан борди. Унинг иштироки билан тайёрланган ва нашр этилган ўзбек тилидаги 20 жиллик, рус тилидаги 15 жиллик Навоий асарларининг чоп этилиши ўзбек адабиёти ва моданияти тарихида муҳим аҳамият касб этди. Москвада нашр этилган «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» туркумида чоп этилган «Алишер Навоий» номли 26-саноҳида жилд ҳамда Ленинградда нашр этилган «Библиотека поэтов» туркумидаги шоир асарлари тўплами ҳам бевосита академик Азиз Қайюмов номи билан бблиқдир.

Домланинг илмий-ижодий фаолиятида яна бир асосий йўналиш ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратибди қаратилганлиги билан изоҳланади. Унинг кўп жилдли мумтоз адабиётимиз тарихини яратибди иштироки ёки Москвада нашр этилган «Жаҳон адабиёти тарихининг «Ўзбек адабиёти тарихи» (XIII-XIX асрлар) қисмини ёзганлиги, айниқса, ўзбек тилида яратилган ва биринчи бор беш жилдли нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихининг» ҳам муаллифи, ҳам муҳаррири, айни чоғда унга ташаббускор ва ташкилотчилик қилганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тўла қувватлайди.

Домланинг матншунослик ва манбашунослиқдаги беқиёс хизматлари,

хусусан, мумтоз адабиёт вакиллари бўлиши Алишер Навоийдан тортиб Ҳамзагача бўлган адабий меросни тўллаш ва илмий тавсифини яратибди фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Унинг Республика Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номли Қўлёзмалар институти фондида соқланган форс ва эски ўзбек тилидаги мингдан ортиқ кўләб-маларининг илмий таснифи ва тавсифини яратганлиги ҳам шундан далолат.

Истиқлол йилларига келиб, домла илмий фаолиятида яна бир янги йўналиш пайдо бўла бошлади. Бу овуало, тосовуф адабиётини қайта баҳолашда, кенг маънода Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбандий, Нажмиддин Кубро каби Шарқнинг буюк алломалари ижодига маънавият, бадиият нуқтаи назаридан баҳо беришда кўзга ташланади. Хусусан, муаллифининг Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган «Назм ва тафаккур қуёши» ҳамда «Бу оҳанг ила бўлгасен Нақшбанд...» номли китобларига тасаввуфдаги Шариат, Тариқат, Маърифат, Ҳақиқат босқичлари ва уларга тегишли маънолар кенг изоҳлаб берилди.

Шулар билан бир қаторда олимнинг XX аср ўзбек адабиёти тарихи, унинг ёрқин намоёндаларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор,


Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Зоҳидов, Р.Аминовалар ижодий фаолиятига доир тадқиқотлари ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Академик Азизон Қайюмов филология фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреоти, фан фидойисигина эмас, бағри кенг, мард, талабчан ва меҳрибон устоз, мураббий ҳамдир. Унинг ўнлаб, юзлаб шогирдлари фан номзодлари; фан докторлари, фан арбоблари сифатида юртимизда ва бир қатор чет элларда ҳам фаол ижод қилмоқдалар.

80 ёшга тўлаётган устоз йиллар диво-мида илмий фаолият билан давлат ва жамоат ишларини уйғунлаштириб меҳнат қилиб келдилар. Устозга берилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳам ўз халқи, эли ва фан учун кўрсатган бенозир хизмати, фидойилиги самарасидир.

Буюк инсон, фидойий олим, академик устоз Азизон Қайюмовнинг муборак 80 ёшларини муборакбод этарканмиз, биз — барча шогирдлар, яқинлар тилида, дилида бир сўз: Сизга ҳамиша таъзимдамиз, Устоз!


**Собир МИРВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби**



яшаш бўлибди борлиги, ушбу маскан янги ускуналар билан таъминланганини кўриб, Каттақўрғонда ҳам шундай шифохона бунёд этишни дилимга тугиб қўйдим. Ниятим амалга ошиб, Каттақўрғон шаҳар стоматология поликлиникаси учун ер ажратилиб, лойиҳалар тузилди ва 1986 йилда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Мана, шунга ҳам йигирма йилдан ошибди, — дейди биз билан суҳбатда Омон ака.

Айни пайтда Марказий стоматология поликлиникасида 24 врач-стоматолог, 12 ҳамшира, 11 кичик ҳамшира, 14 нафар техник ходим замон талабларига жавоб бера оладиган лазерли қурилмалар, хорижий мамлакатлардан келтирилган турли замонавий асбоб-ускуналарда беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллардан буюн эл эътиборини қозониб келаётган маюкали стоматологлар Малоҳат Авзозова, Раъно Қодирова, Ибодулло Усмонов, Салим Бекназаров, Сабоҳат Иброҳимова, Надя Сулаймонова, Раҳматилла Усмоновлардан миҳозлар мамнун.

Давр билан ҳамнафас, замон талабларига муносиб тарзда иш олиб бораётган, фидойий раҳбар бошчилигида инсонларга хизмат кўрсатаётган жамоа ҳамиша шундай эл эъзозига бўлишини, ишлари бундан-да ривож топишини чин дилдан истадик.



Дўғоналар

Эркатош ШУКУРОВА

Ушбу асар беришган ҳаётининг ҳақиқатдан ҳақиқати ҳақиқати. Шу дунёда китоб ўқигани ҳам кўришди, тўғрими? «Яхши китоб»дан ҳам кўришди, ҳақиқатдан ҳам кўришди. Китоб биламизми кўриш ҳақиқати ҳақиқати билан ўзи-о-о; тўғрими. Бу китоб билмадикими бериб кўришга қўришганидан ҳам кўришди.

х х х

Ҳамқасбим ишхонага кириб келиб, қўлидагиларни «суюнчилади»:

— Қаранг, ўғамга китоблар олдим, ўзининг болагимдаги эртаклар.

Ун жуда хурсанд эди. Китоблардан бирининг муқовасига қараб ўзим ҳам ҳажжонга тушдим — «Уч оғайни ботирлар».

— Бу — ҳаммаизнинг болагимиздаги эртак. Болагимизнинг эртаги. Яхши иш қилибсиз.

Ҳамқасбим менга миннатдор боқди. У ўзининг ҳайратларини боласига илинаётган эди. Бу иланиш яхши эди, техника тараққиёти даврида мўъжизаларга ишонамай қўйсаган, тасаввур ҳайратларидан узилиб қолай деб турган (менинг фикримча) болаликка мўъжизалар ҳақида эттиш эди. Бирга ўқиб, бирга ишлаб юрганим, кўлда ҳам эътибор берармайдиганим шу одам ҳозир кўзимга авилдек кўришиб кетди. Яна болагимнинг хотираларига қайтдим. Болагимда ўйинчоқларим кўп бўлмасда, бошқаларда йўқ ўйинчоқлар менда бўларди. Шу билан бирга кўп китоблар ҳам олиб беришарди. Ҳозир элас-элас эслаямин, онам олиб келган ўйинчоқлар ёки китоблардан қанча ҳайратга тушсам, онамнинг ҳам чехралари қувончдан ёришиб кетарди (буларни болаликда ҳис қилмаганим аниқ, катта бўлганимда тушунганман). Энг асимда қолгани «Ҳарфанома» номли китоб эди. Кейинчалик соринганимда, кўргим келганида ўша китобни ҳеч қаредан тополадим (ўзимники, табиий, йўқолганди). Болалик ҳақида гап борганда ё онам, ё ўзим ўша китобни, албатта, эслаб қоламиз. Айтмоқчи бўлагим, тирик ҳайратларни болаликнинг мурғак тафаккурига китоб билан ҳақида этайлик, китобдан олинган ҳайратлар эса, одамни кўп йиллардан кейин ҳам уйбоқ ҳислар билан таъминлаб туриши, бошқаларга қандай билмадимку мен учун айни ҳақиқат. Китоб ҳеч қачон алдамайди. Эртаклар ҳам адов эмас. Агар шу эртаклар, болаликданок дунё ҳарқалай, жудаям кир эмаслигига ишонттира оладиган эртаклар, улардаги «мурод-мақсадга етганлар»нинг яхши амаллари инсонни энгилликка чорлаб турмас... билмадим... Биз агар болаларни



китоб ўқишга ўргата олсак, журналистларнинг ҳаммага бериб безор қилдиган, ансангини қотирадиган «Китоб ўқиш нега камайиб кетди? Бунга ким айбдор?» деган саволларига ҳожаат ҳам қолмасмиди?.. Шунда, ҳарқалай, «Дайди қизининг дафтери» сингари китобларга оммавий иштироблик камайими?.. Яна билмадим...

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Китоб «жинилари» устидан куладилар, сирасини айтганда, эҳтимол бунга уларнинг ўзлари айбдордир: чуқки бари ошиқларнинг кўргиллиги шу.

А.Фракс.

Кўп ушайган сарф китобларга «суюнчилади» бериб. Бу дунёда китоб ўқигани ҳам кўришди, тўғрими? «Яхши китоб»дан ҳам кўришди, ҳақиқатдан ҳам кўришди.

«Яхши китоб»дан ҳам кўришди, ҳақиқатдан ҳам кўришди. Китоб биламизми кўриш ҳақиқати ҳақиқати билан ўзи-о-о; тўғрими. Бу китоб билмадикими бериб кўришга қўришганидан ҳам кўришди.

х х х

Берилиб китоб ўқиганларни кузатганимиз? Қизиқ-а? Гапирсангиз эшитмайди, худди дунёда бир ўзи-ю ўқиган китобидан бошқа нарса йўқдек. Турткилашдан кейингина (ўшанда ҳам қаттироқ туртсангиз) ўзига келиб, атрофига қарайди. Китоб ўқиб, ўзини шу

ҳолатга тушган бўлсангиз керак? Бошқа оламда яшаганга ўхшайсиз, тўғрими? Шунга қарамай, ҳис қилганларингизни таърифлаб беролмайсиз. Тан олиш керак, ҳис қилганини тасвирлаб бера олиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди (шунинг учун ҳам ашаддий китобхонларнинг бари адабиётшунос бўлавермас керак). Бу ҳам бир маҳорат.

Китобхон тасвирлаб беришга қийналадиган туйғуларини, китобдан олган таассуротларини баъзан ёзувлар устидан қурибгина бориб келаётган нигоҳлари баъзан киприкдан юзга, юздан саҳифаларга тўкилган томчилар осонгина ифодалаб беради.

Китоб ҳақида... келтираман десанг донишмандларнинг қанчадан қанча ҳикмати сўзлари бор. Менинг оддийгина ҳақиқатим эса... яхши китобларни яхши кўраман, уларни яхши кўрмай бўлмайди. Мен учун улар — мўъжиза. Яхши китобларни, яхши асарларни ўқиганимда ижод чиндан илоҳий незмат эканлигига ишонаман. Яхши асарларни ўқиганимда асар муаллифини кўргим келаверади. Бу ҳам болаликдан қолган одат. Яна болаликка қайтапман...

Шу ўринда яна бир таъриф, китоблар болагимнинг ҳамроҳлари бўлгани учун ҳам шундай қадри бўлса керак. Гарчи мумтоз адабиётнинг бетақдор асарларини, жаҳон адабиётининг дурдоналарини улғайтач ўқиган бўлсам-да, уларга етиб келишимга пойдевор бўлган болаликнинг эртаклари десам муболага бўлмас.

Мен ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасман, ҳеч кимни китоб ўқишга мажбурлай олмайман ҳам. Фақат, ёзгим келди, китоб ҳақида, саккизинчи мўъжизанинг ҳайратлари ҳақида... Шу баҳона Сизнинг ҳам китобларга ошно бўлишингизни истагандирман. Айтмоқчи бўлагим, асосий гап эса — болаларни китоб ўқишга ўргатайлик. Уларнинг мўъжизалари болалик билан қолиб кетмасин, умр бўйи ҳайратлар ичра, кенгликлар аро ишашлари учун китоб тутқазайлик қўлларига. Улар бугун, гўдакдан китобни яхши кўришини, эртага... эрта эса, албатта, яхши бўлади. Чуқки китоблар, яхши китоблар алдамайди, улар гўдакнинг ўзидек бегубор бўлади. Бунга эса, фақат ишониб керак!

Зумрад ВАҲОБОВА

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент
Абдукарим Усмонхўжаевнинг
«Дорисиз қалб давоси» китобидан

Шамоллашга қарши даво. 0,5 л.
сувда бир ош қошиқ йирик тузни эритиб,

ДОРИСИЗ

унга 40-50 г. 10 фоизли нашатир спирти
қўшилади. Алоҳида идишдаги 0,5 л. сувга
камфора спирти солинади. Хар иккала
эритмани аралаштириб, елка артилади.

Болаларга қуруқ бозилатми зарур
бўлади. Бир хил микдорда кофур, хантал,
ва кирричдан ўтказилган кир совун
аралаштирилади. Уни енгил чойшабга
суртиб, шамоллаган бола ўралади. Агар
харорати бўлса, сиркали сувга намланган
сочик билан боланинг бадани артиб
турилади. Суюқликлар (клоквали морс,
жўка гули, малинаги чой, лимонли
кайноқ сува) кўп ичиб, хурмо еб туриш
керак.


Ёшариш сирлари. 100 г. мойчечак
гули, 100 г. далачой ўти, 100 г. бўзоч
гули ва 100 г. кайин қуртагини хавончада
тўйиб, аралаштирилади ва копкини зич
ёпиладиган шиша идишга солиб қўйилади.
Ҳар куни бир ош қошиқ аралашмани
ярм литр кайноқ сувага солиб, 20 дақиқа
тиндирилади. Докадан сузиб олинб, унга
бир чой қошиқ асал қўшилади ва бир

кунда икки мартадан: эрталаб оч қоринга,
овқатдан 20 дақиқа олдин ва уйқудан
аввал, овқатдан 2 соат кейин ичилади.
Ундан кейин бутун тун бўйи ҳеч нарса
ичилмайди ва ейлмайди. У оздиради,
модда алмашинувини кучайтиради,

вужудни тозалайди, юрак, жигар,
буйраклар ишини ва меъда ости бези
фаолиятини яхшилайдди. Шунингдек, кон
томирлари раволигини оширади.
Склероз, инфаркт ва гипертониянинг
олдини олади. Бу муолага хар беш йилда
бир марта ўтказилади.

Одам нима учун касал бўлади?
Ҳақимларнинг фикрича, вужудда
касаликларни қўзғатувчилар борлиги
ёки унда патологик ўзгаришларнинг келиб
чиқиши орқали дардга чалинар экан.
Қадимги замон, кўхна Шарқ
табибларининг айтишича, касаллик —
бу, энг аввало, гидрок киши, хиссиётли-
сезги йўллари орқали келиб тушадиган
ахборотдир.

Масалан, грипп ёки ўткир респиратор
вирусли инфекцияларни олайлик. Бу
касаликларга асосий сабаб: хаво-томчи
йўллари орқали ўтадиган вируслар, деб
айтамыз. Аммо фақат бугина экан.
Вужудга тушган вируснинг ўзи ҳеч нарса
килолмайди. Вужудига вирус тушганини



БОЛАЛИК КЎРИНАР


МЕВАЛАР

Қуртак, йўрғак — иккови бирдак,
Иккови ҳам мева беражак.
Аниқ, аён қуртак меваси,
Ноаниқдир йўрғак меваси,
У ширини, аччиқ бўлажак?
Қўрсатажак буни келажак.

АЛДАНДИМ

Мени қўллар алдади нуқул,
Алдовларга голдим ўрганиб.
Гоҳ-гоҳида бўламан дилхун,
Алдагани лаънатлаб, яниб.

Алдовларга кўниқдим расо,
Алданаман ҳар кун, ҳар замон.
Агар мени бирорга расво
Алдамаса бўламан ҳайрон.



Азиз АБДУРАЗЗОҚ

БУВИМНИНГ КУЛБАСИ

Бувимнинг кулбасин соғиндим,
Чўнки у —
Бувимнинг кулбаси.
У билан тиригу
Соғ эдим.
Билганлар билсини
Билмаган болалар кулмасин.
Уни мен биламан,
Билади мен билан тенгдошлар.
Биз — ўша,
Бувисин ранжитган «бебошлар».
Бу кунда бувилар рудга
Тиловат қиламиз,
Ёлбориб,
Кечирим тилаймиз.

шу одамнинг ўзи ҳам хали билмайди. Тушган вируслар йўлида вужуднинг химоя кучлари ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб, кўндаланг туриб қолади. Аммо ҳамма жойда грипп тарқалганиги ҳақиқати ваҳимани эшитган ва гриппнинг асоратлари оғирлигидан ҳаяжонга тушган одамлар бу касалликка учрашдан қўрқиб қоладилар,

ДАВОСИ

ана шунда, кўркувдан заифлашган вужуднинг химоя кучлари бўшашиди. Касал юкишдан қўрқиш касалликка йўл очиб беради. Ёки аксинча, оммавий шов-шувларга эътибор қилмайдиган, ўзига ишончи кучли одам бир турух аксираётган ва йўталаётган одамлар ичида ҳам бемалол ўтириб, соппа-соф қолиши мумкин.

Одамзоднинг туғма тарзда орттирган ўз-ўзини бошқариш маркази ташқаридан бўладиган ҳар қандай тажовузуларга қарши курашиш қобилиятига эгадир. Одамзодда қаршилик кўрсатиш даражаси кучли бўлади. Одамнинг куч-қуввати ҳам шунга ярашади. Маъш қилиш эса маълум хиссиёт ва туйғуларни юзага келтиришга боғлиқ бўлади. Чунки айнан ана шу салбий хиссиётлар ва туйғулар касаллигининг юкишига сабаб бўладилар ва уларнинг ижобийлари эса касалликдан ҳалос этади ҳам. Бизнинг бу қарашларимиз замонавий илмий ва тажрибавий томондан асосланган назарияларга қарши, бормоқда, аммо таъкидлаб айтамызки, Мадади Сино соғломлаштириш академиясининг соғломлаштириш босқичларида ўз саломатликларини тиклаган 300дан ортик беморлар орасида бирор касаллик сабабини ахтарар эканмиз, бунда рухият, кайфият ва тасаввурлар бирламчидир, деган қатъий хулосага келамиз. Ана шунинг учун ҳам одам, энг аввало, ўзининг хисту-туйғулари ва кайфиятлари ҳамда туйғуларини бошқаришни ўрганиши ва шу билан ўз саломатлигининг соҳиби бўлиши жуда муҳим ҳисобланади.

Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, турли ички аъзоларнинг касалликлари билан турғун салбий хиссиётли ҳолат ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бор экан. Жигар, ўт пуфакли, меъда ости бези, асабий таранглиklar каби касалликлар қаҳр-ғазаб, кўролмаслик, ўз қаҳрини аризмас сабаблар билан бошқаларга сочининг оқибати ҳисобланади. Бировга нисбатан кек сақлаш, ғанимлик хисси қўпчиликка маълум. Демак, кечки одам кимгадир нисбатан кўнглида қасос туйғуси билан яшайди, унга яхшигина зарба бериш учун пайт пойлайди. Баъзилар шу ғанимликни доимо ичида сақлайди ва оқибатда, бирор аъзосида ана шу тош «пайдо бўлади». Агар қаҳр-ғазоби жуда кучли бўлса, уни қандай қилиб чиқаришга йўл тополмаса, бу алам ўз ичига қараб «қайрилади», яъни ўт пуфаклининг букилиши ёки бирор аъзонинг бурилиб қолиши юз беради.

Юрак касаллиги — сеғви ва ишончнинг йўқлиги, мағрурлик, ўзига бино қўйганлик, ичқоралик, ҳасаднинг «мевасиндир». Рашиқ, тушқунлик ва ғам-ғуссалар юрак етишмовчилигига олиб келади. Бировнинг фикрини ўзлаштириш, кўчирмачилик эритмиянинг келиб чиқиши учун қулай шароит яратиб беради. Эндокрин тизим касалликлари ўзини ҳаммадан юқори қўйиш, худбинлик, такаббур, хомхаёллар оқибатида кўзғалади. Ўз тақдирдан, ҳаётдан, шарт-шароитдан норозилик буйракусти безларини эзади.

Меъда ости безидаги бузилишлар доимо кимдандир аччиқланиб, ҳафаланиб юриш, бутун дунёдан бешиш сабабли пайдо бўлади. «Ширин турмуш»га интилиш, осон ҳаёт ҳақида ҳаёл суришдан қандли диабет келиб чиқади.

Меъдада ёйилган овқат ҳазм бўлади ва бу ерда фаоллат учун зарурий қувват юзага келади. Меъданинг касал бўлиши — бу меъда соҳибининг кимнидир жуда ёмон кўриши, у билан ҳатто бир дақиқа ҳам ҳамсухбат бўлишга тоқати йўқлигининг далилидир. Халқда «Мен уни ҳеч ҳазм қилолмайман», деган гап шундай вазиятга тегишлидир.

Кора ўйлар, ичқоралик, ёмон қилиқлар оқибатида ичкаларда муаммолар келиб чиқади. Очқўзлик, баҳилик қисман ич қотишига, кимнидир ёмонлаш, кимгадир таъна қилиш қорин оғрини сабаб бўлади.

ОЙДИНРОҚ

Оҳ бўвим,
Кўнглимнинг малҳами,
Кўнглимнинг далдаси...
Бу кун мен соғиниб бўвимнинг даласин,
Далада қурилан кичкина,
Омонат қулбасин,
Эслайман,
Қўмсайман қулбасин хуш исин,
Эслайман сезгандай гўл исин.
Қулбада айтармик йўқ эди ҳеч вақо,
Бор эди бўвимнинг исари.
Исларки,
Бебаҳо.
Бу кунда мен ўша исларни,
Бўвимнинг қулбасин ҳокими бўлмиш у исларни
Эслайман,
Қўмсайман.
Топмоғим мумкинмас,
Мумкинмас бироқ.

Бу кунда шуларни
Ўйлайман,
Ўйларим —
Тумтароқ.
Ҳа, шундоқ
Бўвимни йўқотдим,
Бўвимнинг қулбаси —
Каталак уйини йўқотдим,
Бўвимнинг исини йўқотдим,
Билмасдан мен унинг бувилик меҳрини,
Ҳиссини йўқотдим...
Йўқотиб,
Эслайман,
Йўқотиб,
Қўмсайман.
Кун сайин у ўтмиш,
Болалик кўринар ойдинроқ.
Қаёқда эдим, оҳ... олдинроқ?..



Собиқ шўролар даврининг қатагон йилларида айрим зиёли, маърифатпарвар кишилар қаторида эшон, мулла «тамға»лари босилган мударрис ва уламолар ҳам қатл этилганлиги, тирик қолганлари эса қувғинда ҳаёт кечирганликлари ҳам айна ҳақиқат.

Самарқанднинг Хатирчи туманида туғилиб, Фориш туманининг Норвон қишлоғида яшаб ўтган Нарзуллохон Эшон (Ғарибий, 1908-1986) ҳазратлари ҳам даврнинг ноҳақ жабру ситамларига учраб, умрининг ақсар қисмини қувғинда ўтказган инсондир.

Яқинда «Мавороуннаҳр» нашриёти Ўроқхон (Рафийиддинхон) хожи шайх Нарзуллохон ўғли падабри бузрукворлари ҳақидаги хотиралар ва Ғарибийнинг ижод намуналаридан иборат «Ибратли ҳаёт гулшани» китобини босмадан чиқарди.

Китобнинг кириш қисмини ёзган филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллохон таъкидлаганларидек, Ғарибий домланинг ҳаётий фоолиятлари, гўзал сийратлари, намунали хулқлари қанчалик ибратли бўлса, у кишининг ёзиб қолдирган илмий, адабий ва маърифий асарлари ҳам шу қадар қимматли ва ҳикматлидир.

Куйида шу китобдан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«НОМАХРАМ АЁЛ» ХИКОЯСИ

Муҳаммад Ражаб Муҳаммад сўфи ўғли Фориш туманининг Ўрта қишлоғида яшаган Мулла Отабек Нарзуллохон Эшон бобони Ҳаққа етишганлари ҳақида бир гурунгда шундай деган эди: «Мен мурид сифатида бир кун аввал Норвон қишлоғига, Эшон бобони зиёрат қилишга боришни ният қилдим. Эрталаб бомдод намозини ўқиб, Норвон қишлоғига йўл олдим. Тоғдаги довондан ошиб, Ҳасан ота қишлоғига етдим. Бехосдан кўзим ариқда чўмилаётган бир номаҳрам аёлга тушди. Номаҳрамга бир эмас, уч марта қараб кўйдим. Сўнг, Эшон бобонинг олдиларига етдим. Эшон бобо мени ҳар доимгидек илиқ кутиб олмади. Менга қараб: «Бир кун аввалги ниятинг яхши эди (мени зиёрат қилишинг), бугун йўлда

номаҳрам аёлга нима сабабдан қарадинг?» — дедилар. Мен у кишининг бу сезгиларига ҳайрон бўлиб, ҳижолат чекиб қолганман».

ҲАЙДАР ОТА САИДУРОДОВ ХОТИРАЛАРИ

Нафақахўр. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Иштихон туманининг Шайхул Ислоом қишлоғида яшайди. У киши шундай ҳикоя қилади: «Нарзуллохон эшон бобо 1938 йилда, кечки пайт қишлоғимиздаги Тожимурод бобомизни келибди. Акам ва оламлар билан бирга бордик. Нарзуллохон Эшон бобомиз мен (10-11 ёшлар чамаси эдим) эшиқдан киришим билан: «Ҳайдарбой, буюқдан келинг», — деб ёнига ўтқазиб, Саидмурод акамизнинг кичкина ўғиллари, деб бағрига босиб, кейин акамлар билан сўрашди.

Эшон бобо кундузи соат уч-тўртлар чамаси акамга қараб: «Мен ўтирган жойни ўзгартиринглар», — деди ва уч-тўрт уй наридаги бошқа уйга ўтди. Ярим соат ўтиши билан орган одами Эшон бобонинг олдинги ўтирган жойига от билан бостириб келди. «Бу ердаги эшон меҳмон қани?» деб сўради ва ҳовлининг ҳамма жойига эътибор бериб қаради, лекин топа олмади. Бу воқеадан уйдаги катта-кичик бирдай таажжубланиб қолишди. Шундан кейин Эшон бобони «Осман Норвон» қишлоғига олиб бориб кўйишди.

1967 йили феврал ойининг охири мени Самарқанд шаҳрига мажлисга кетган эдим. Орада анча вақт келмай кетганим учун Нарзуллохон Эшон бобом мени уйимга иштихонлик Садриддин ака ҳамда қишлоқдан Йўлдош бобо билан қидириб келибди ва қишлоқдаги катта-кичик оға-иниларим билан меҳмондорчилик қилиб, кечаси уйимдан бошқа қишлоққа ўтишни гаплашишибди. Лекин Эшон бобо: «Яна ярим соат ўтиришимиз керак, Ҳайдарбой йўлда келяпти», — деган. Мен Самарқанддан уйимга меҳмон устига келдим. Уйимдагилар ҳаммаси ҳайрон бўлиб қолишди.»

«Шарқ тароналари» музика фестивалининг Ўзбекистонда, айнан Самарқандда ўтказилишига асос бор. Чунки Самарқанд жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланади. Турли даврларда Амир Темур, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳрори Вали, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абурахмон Жомий, Абдураҳзон Самарқандий ва бошқа ўлаб, юзлаб улуг инсонлар бу ерда яшаганлар, бўлганлар, давлатни бошқарганлар ва ижод қилганлар. Самарқанд асрлар оша турли халқ ва маданият вакилларини туташтирувчи кўрсон вазифасини ўтаган.

Ислом ҚАРИМОВ

Сўнгги йилларда Республикамизда маданий алоқалар доирасида ҳамкорликка катта аҳамият берилмоқда. Зеро, музикаий маданият бошқа халқларнинг маданий мероси аралашувисиз ривожлана олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов ташаббуси билан Самарқанд юрғи — Регистон майдонида оламшумул музика байрамни ўтказиш халқаро ҳамкорлик масалаларида зарур маданий воқеликка айланди. Фестивал турли халқлар ижодчилари, музика соҳаси ижодкорлари, шунингдек, олимлар ўртасида ижодий алоқалар ўрнатиш, турли қитъалардаги музикаий жараёнларни мувофиқлаштириш имконини беради. Жаҳоннинг элликдан зиёд мам-лакатлари, жумладан, Америка, Европа, Осиё ва

кўчиб, томошабинлар доирасини кенгайттирди. Аҳамиятли томони шундаки, тадбирлар доирасида «Шарқ халқлари музика санъатининг бир маромада ривожланиши», «Шарқ халқлари музика асбоблари», «Мақом санъатида оламшумул янгилик», «Шарқ кўшиқчилиқ санъати ижодиёти муаммолари» каби долзарб мавзуларга бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказилаётганлигидир. Фестивал музика санъатида ечимини қутаётган муаммоларни муҳокама қилиш, мунозара юритиш ва унинг келажagini тахлил қилишга ҳам катта ёрдам бермоқда. Анжуман йилдан-йилга кенгроқ тус олиб, ўз атрофида дунёнинг қўлаб олим ва танқидчиларини бirlаштирмоқда.

Ҳамма байрамларнинг, тантаналарнинг арафаси, тайёргарлик жараёни гўзал бўлганидек, ўтган фестивалнинг бошқаларидан фарқи тайёр-



Африка давлатлари музикашунослари ва кўшиқчиларининг иштироки фестивалнинг аҳамиятини янада оширишига шубҳа йўқ.

1997 йилдан буён Самарқанд шаҳри «Шарқ тароналари» Халқаро музика фестивали ўтказилиши туфайли ҳар гал жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини ўзига тортади. Аслида фестивалнинг мақсади Шарқ халқларининг такрорланмас мидлий куй ва кўшиқларини кенг оммага етказиш, ён авлодни санъатга, айниқса, музикага меҳр билан тарбиялашдек азгу аъёнларини асраш, дўстлигини ва халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни маданий алоқалар доирасида кенгайтиришдир.

Ўтган йили бешинчи бор Самарқанд ўз бағрига «Шарқ тароналари» туфайли дунёнинг етакчи музикашунослари, хонандалари, хуллас, санъат аҳлини чорлади. Кўҳна миноралар яшнаб, яшариб кетди. Регистон майдонида бошланган музика байрами барча концерт заллари, туманлардаги майдонларга

гарлик ишларининг ҳам бошқача тусда ташкил этилгани бўлди. Бу ранг-барангликни доимий иштирокчилар алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, дастур кенгайтирилган халқ чолгулари ансамбли жўрлиғида ўтди. Катталаштирилган жамоага Ўзбекистон халқ артисти Ф.Содиқов раҳбарлиғидаги Т.Жалилов номидаги Давлат Академик халқ чолгулари ва Ҳ.Ражабов раҳбарлиғидаги Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Д.Зокиров номидаги халқ чолгулари оркестри жалб этилди. Фестивал дастури Алишер Навоий ғазалларига басталанган кўшиқлардан тузилди. Кўшиқларни оркестрга Ўзбекистон халқ артисти А.Исмоилов, Х.Раҳимов, Ф.Олимов ва Қ.Комиловлар мослаштирди.

Шарқ дарвозаси ҳисобланган Самарқанд хали кўп бор «Шарқ тароналари»га чоғланажак. Бу тароналар дунёнинг турли қитъаларида акс-садо беражак.

Дилшодбек МУТАЛОВ



РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ ХАЁТИДАН

Фалокат оёқ остида деб бекорга айтишмайди. Нозим буви тротуарда кетаётганида катта йўлда тезлик билан ўтаётган машина тагидан отилиб чиққан шиша парчаси кўзига урилди. Буви бечора «дод» деб кўзини тутганича жойида ўтириб қолди. Ёрдамга етиб келганлар кампиннинг кўзидан қон томчилаётганини кўриб, шошиб қолишди. Фалокатга дучор бўлган бувига тез тиббий ёрдам керак эди. Улар йўловчи машиналардан бирини тўхтатиб, бувини тезда шифохонага жўнатиб юборишди.

Шифокорлар зудлик билан беморни жарроҳлик столига олишди. Улар кўз ичига қадалиб қолган шиша парчасини олиб ташлашди. Ана шу «дайди» зирапча кўз гавҳарига ҳам шикаст етказган эди. Шифокорлар жароҳат олган жойни қотиб қолган қонлардан тозалашди. Шилиниб, кесилган жойлари тикилди. Кўз боғлаб қўйилди. Аммо онажоннинг бир кўзи кўр бўлиб қолиш хавфи ҳам бор эди.

Одилжон бу бахтсиз ҳодисани эшитиб дадаси билан бувисини кўргани келишганида жарроҳлик ишлари

тугаган, бувисининг чап кўзлари оқ дока билан қалин қилиб боғлаб қўйилган эди.

— Онажон, сизга нима бўлди? — сўради Одилжоннинг дадаси.

— Кўзимга шиша тегди. Барака топгур йўловчилар, машиналардан бирини тўхтатиб, мени шифохонага юборишди. Илоҳо, умрлари узун бўлгур шифокорлар операция қилиб, шиша синигини олиб ташлашди. Кўзимни боғлаб қўйишди. Ҳеч нарса ни кўрмаяпман. Бир бепарво кишининг асфальтда шиша синиқларини қолдириши оқибатида кўз гавҳаримдан ажраладиган бўлдим. Кексайганимда дард устига чипқон бўлиб, кўзим кўрмай қолса-я!.

Бувижониснинг гаплари Одилжоннинг кўксига ўқдек қадалди. Ахир шиша синиқларини катта йўлда қолдирган «бир бепарво киши» — бувининг набираси, шу Одилжоннинг ўзи эмасми!?

...Эрталаб бозорга шошилаётган буви набирасини уйғотиб, эртарақ гузарга чиқиб, сут олиб келмасанг

КЎЗИНГИЗГА НУР БЎЛАЙ, ОНАЖОН

тугаб қолади-я, дея огоҳлантирган эди. Уйку голиб келиб Одилжон тезда ўрнидан туравермади. Ахир ярим тунгача телевизорда сериал кўрган, ундан сўнг яна саргузашт кинолардан бирини томоша қилган-да, ухлаб қолган. Боз устига ҳар куни Одилжонни уйғотиб турадиган бувиси бозорга кетган эди. У уйғониб, юз ювар-ювмас гузарга чопди. Борса, сут тугаб қолган экан. Энди катта йўлнинг нариги томонидаги қўшни маҳалла гузарига ўтиб келиши зарур эди. Фақат катта кўчада йўл ҳаракати жуда тез ва гавжум. Утиш жойи — чорраҳа анча узок. Одилжон таваккал қилиб катта кўчадан кесиб ўтмоқчи бўлди. Юқори тезликда қатнаётган енгил машиналар боланинг юришига имкон бермасди. У катта кўчанинг чап тарафидаги «зув-зув» ўтаётган машиналар орасидан бир амаллаб ўтиб олди. Бироқ кўчанинг иккинчи ярмига ўтганида қўлидаги шиша идиши ёнгинасидан куён каби учаётган машина қанотига тегиб, чил-чил синиб асфальтга тушди. Машина уриб кетиш хавфидан қутулиш учун у ортига ҳам қарамасдан, йўлнинг нариги томонига бир амаллаб ўтиб олди. Бироқ энди идиш синган, сутга боришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Хафсаласи пир бўлган Одилжон чорраҳага бориб светофор ишлаб турган жойидан ўтиб, уйига қайтди. Уша куни уйига сут келдим, сут идиши синдим, ҳеч ким қизиқмади. Ҳамма шифохонага тушиб қолган буви билан овора эди.

«Бувижонимнинг шу аҳволга тушишига мен айбдорман», — дерди Одилжон ичиди. «Бувим қариганларида сунячик, кўзларига нур, белларига қувват бўлиш ўрнига...

Эҳ аттанг!»

А. Раҳимқулов

Банорас тўн этаклари ковуши бетига тушиб турган баланд бўйли йигит кафтини гилос дарахтининг вадир-будир пўстловига босиб, қаршидаги пахса деворга термулар, юраги кучли бир эхтирос-хаяжон алангасида беҳаловат уриб вужудини титратар, лекин у ич-ичини кемираётган дард-алам, кайғу-хасрат изтиробини сиртига чикармасликка уринар эди. Калта ва чиройли қилиб киртишланган қора, жингалак соқол-мўйлови, туташ қора қошлари, оқ юзига алоҳида бир хусн бағишловчи бичимли бурни, олижаноб-



МУНОЖОТ

Ҳикоя
(Ўтмишдан)

лик туйғуси акс этаётган катта, саховатли кўзлари ялтираб, киприкларига ажиб нур баришловчи қора қошларида ҳам оғир бир ғам-ғусса белгилари ифодаланар эди. Қизғиш, кўпчанг қовоқлари ва милклари ораси ёғ суртилгандай туюлар, симоби сайласини хиёл кўтариб, терлаган пешонасини консиз бармоқлари билан ғижимлаб сикар, бармоқлари юпка лабларига етгач тўхтар эди. Ўтқир нигоҳини ҳамон девор ортидан узолмасди.

Ниҳоят, қор-ёмғирдан нураб, ит-мушуклар ошавериши оқибатида бузилиб пасайган пахса девор ортида бўйдор, очик пешона, қалин, қора сочлари кўксига илондай тўлғанаётган, нозик бўйни, лоларан ёноқлари ой нурида шуълаланиб, ингичка, туташ қошлари чимирилган, кўзларида тенгсиз бир алам, изтироб аломатлари англашिलाётган ва йиғлайверишдан шишиб кизарган қовоқлари, бир-бирига чип-чип ёпишаётган киприклари оғир бир кайғудан дарак бераётган қиз кўринганда йигитнинг қалтироғи кучайиб, кўллари беихтиёр сикилди. Юрак дарди бир нав енгиллашиб, нигоҳидаги кайғу қиска муддатга шодлик аломатлари билан алмашди. Қафасдан бўшалган қушдай ўзини енгил хис қилиб олдинга силжиди. Кейин таҳлика билан олдинга аланглади-да, диққат билан тинглади. Боғда ўзидан бўлак ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, эркин нафас олиб ютинди, қақраб бораётган лабларини ялади-да, нотавон бир қиёфада қизга тикилди. Орага юракни беҳад кўрқув, ваҳимага солувчи, ундан ҳам кўра инсон калби мутлако бардош беролмайдиган, вужудда тенгсиз бир куч-қудрат қўзғата-

диган, беихтиёр кичкириб юбориш мумкин бўлган жимлик чўмди. Бу кўпдан бери икки кишлоқ, икки уруғ бир-бири билан чиқишолмаслиги ва мана шу икки уруғнинг қиз ва ўғли бевакт, хилватда учрашаётганда юз бераётган ҳол эди ва буни икки юрак ҳам яхши хис этаётганди.

Қиз билан йигит назарида олам, дарахтлар, ою юлдузлар ҳам гўё саросимага тушиб борар эди. Йигит ёт нигоҳлар кузатиши мумкинлиги, бегона ердалигини унутмаган ҳолда битта-битта босиб девор томон яқин-

лашди. Оғир ютиниб, қизга ялинж излаб термулди. Интизор нигоҳлар бир-бирига қадалди. Оламнинг барча гўзаллиги мужассамланган қиз кўзларида шу кез: «Нима учун уруғларимиз азалдан бир-бирлари билан чиқишолмай келганлар? Ахир, ҳаммаси бир элат фарзандлари-ку! Бизнинг уруғимизда шу пайтгача бирор қиз ота-онаси, қариндош-уруғлари бошларини эгмаган. Ўз биликларича остона хатлаб кўчага чиқмаган. Мен ҳам бундай гуноҳ ишга журъат этолмайман. Ўзимнинг, қондошларимнинг юзлари қора бўлишини истамайман... Лекин сизсиз яшаш ҳам мумкинмас... Мана шу лаҳза на ота-онам, на ака-укаларим, на опа-сингилларим кўнглимга сифади... назаримда бу дунёга сиз, фақат сиз учунгина келганман, сизнинг хизматларингизни адо этиш учунгина турилганман... Бошқа ҳеч нарсани, ҳеч кимни тан ололмайман... оҳ, билсангиз эди, сизни бир мартагина кўриш мен учун энг олий бахт, шодлик эканини...» деган туйғу ифодаланар эди. Йигитнинг кўзлари эса гўё: «Сен ҳақсан. Ҳаммасини сезиб, англаб турибман. Уруғларимиз азал-азалдан бир-бирларини ёктиришмайди. Бу ҳам қачонлардир қиз олиш, қиз бериш билан боғлиқ гап эди. Бизнинг уруғлар «бир-бирини ёйдиганлардан». Бу ҳам худонинг хоҳиши. Мен ҳам ўзга уруғ қизини севиб қолдим. Муаллимликдан — сеvimли ишимдан воз кечдим. Умирини ҳазон қилишга шайландим. На чора, қисмат шундай экан! Юборган совчиларимни отанг «Душманимга қиз бермайман», деб қайтарди. Оҳ, билсанг эди! Илгари мен ҳам доим ота-онам,

укаларим хақида ўйлардим, уларсиз ўзимни тасаввур қилолмасдим. Сени севиб қолганимдан кейин эса... Бу дунёда сен мавжуд экансан, сенсиз яшашнинг қизири йўқ экан, сенга ҳаммасини нисор этсам арзийди, деган қарорга келдим. Ахир, қачонгача биз айриликда яшаймиз! Энди менга барибир... яшашнинг қизири қолмади...» демоқчи бўларди.

— Бу ердан кетсам керак... Бошқа қайтмайман чоғи... — деди ниҳоят йигит ва чехраси яна рамгинлашди.

— Отамнинг юзига оёқ босолмайман... ака-укаларим ўз йўлига... — жавоб қилди қиз мусикадай таъсирчан овозда. Кейин овози йиғи билан алмашиб-да, ёнига ўтириди, бошини эгиб, юзини чангаллади. Йигитнинг елкалари титради. Пешонасини беихтиёр деворга босди. «Эй Парвардигори олам! — кўнглидан кечирди кейин. — Оҳимга қулоқ сол! Икки юракни қовуштир...» У бошини кўтарди. Қаршисида қиз йўқ эди. Қиз бошини чангаллаб ҳовлиси томон юриб борарди.

Йигит мана шу боғли хонадонда икки йилдан бери уруғлари азал-азалдан чиқишолмай келаётган бегона кишлоқ болаларини ўқитар, мақсади — уруғларни муросага келтириш эди. Бахтга қарши, мана шу нозикор уруғ қизини ўзи сезмаган ҳолда ёктириб қолди (Асли ҳам шу икки уруғ орасига қиз олиб қочиш билан низо тушганди). Йигит толиққан кезлари болаларни боққа олиб чиқар, гоҳо қўшиқ айтиб, дутор чертиб кўнгилларини хушнуд этарди. Ўз хонадони билан бу хонадон икки йил бурун танишганди. У хонадонга янги бир фарзанддай келиб қўшилган, унинг бегоналиги бу ерда ҳеч қачон сезилмасди. Хар куни эрталаб ўн чақирим наридан — тоғли кишлоқдан бу ерга катнардди. Мана шу хонадон ва боғ, ўқитаётган болалари, паҳса девор унга ҳозиргина кўз ёш тўкиб ортига қайтган қизни инъом этганди. У қизни шу боғда туриб ёқтирган эди. У ишқом остидаги сўрида, атлас кўрпача устида чордона қуриб, дутор чертиб, қўшиқ қуйлаганда қаршидаги паҳса девор ортида ўша нозанин пайдо бўлар, узок термулар, қўшиқни тингларди. Улар шу тарика нигоҳлар билан сўзлашишарди.

Йигит тўни жиякларини гижимлаганча паришонлик билан узок вақт боғ айланиб юрди. Нима қилиши, қаерга бориши ва бундан кейинги мақсадлари хақида узок бош котириди, бироқ аниқ бир фикрга келолмади. Кейин ёнидаги сўрига чўкди. Сўри суянчигига пешонасини қўйди. Шу тарика сукут сақлаб ўтираверди. Бир пайт шиддат билан бошини кўтарди. Тўрдаги кўрпача устидаги дуторга қўлини чўзди. Ўзи севган ва қизни мафтун

этган ўша таниш «Муножот» куйини чалишга тутинди. Оҳанг эхтирос билан бошланиб, аста-секин ҳазин тус ола бошлади. Сал ўтмай оҳангга йигитнинг йўғон, тиник, изтиробга тўла овози қоришиб кетди. У бир нуқтага термуланча ҳаяжонланиб, юрагига эрк бериб қуйлар эди:

**Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглиг
уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу
келмади...**

Олам қайтадан осойишталанди. Энди на молларнинг маърашлари, на товукларнинг қақиллашлари, на хонадон аъодирининг шарпаси, на меҳмонхонадаги талабаларнинг овозлари эшитилар эди. Қўшиқ янграши билан гўё дарахт япроқлари ҳам шитирлашдан тўхтаган. شوҳлардаги қушлар жимгина йигитни тинглашарди. Қиз! У яна нураган паҳса девор ортида линхон йиғлаб йигитни кузатар, қўшинини эшитар, қалтирар эди. Ахир, икки йилдан бери унинг хушини ўвирлаган, эсидан оғдиринишга етказган, юрагини қарам этган ҳам шу оҳанрабо қўшиқ эди... У илк бор қўшни боққа ҳам шу қўшиқ туфайлигина назар ташлаган, илк бор тўзал йигитга кўз тикиб тоқатини йўқотган, хар куни қўшиқ эшитилишини сабрсиз кутарди. Қўшиқ янграши билан югуриб деворга яқинлашар, қўшиқчи йигитга соатлаб термулиб қоларди. Мана энди у қўшиқни сўнги бор тинглаяпти, йигитни ҳам сўнги бор кўраяпти... уларни шу қўшиқ боғлаганди, мана энди шу қўшиқ айиряпти...

Қиз яна кўздан йўқолди. Йигит силкиниб қўлидаги дуторни кўрпачага улоқтирди. Гўё оғир жангга отланган жангчидай сапчиб турди. Шиддат билан бордан чиқди. Дарвозанинг ўнг томонидаги меҳмонхона эшиги зулфини юлиб олғудай чангаллаб тортиди. Ичкарига кириб болаларни кўриши билан шаштидан тушиб тўхтади. Кўпдан бери унинг қайтишини орзиқиб кутишаётган талабалар дарҳол оёққа қалқиган, таъзим бажо келтириб, муаллимларини қаршилашарди.

— Болажонлар... — деди-ю, бирдан дудукланиб, гали узилди ва ачиша бошлаган бурни учини сиқиб, аранг тилини ўнглади. — Эртага... эрта ё индин узок сафарга отланапман.

Болалар бир-бирларига маъжос термулишди. Кейин муаллимларига қараб қолишди. Аста-секин кўзлари ёшланди. Саховатли муаллим, меҳрибон инсон, тенгсиз қўшиқчи талабаларини бағрига босиб, навбатма-навбат пешоналаридан ўпди.

кўчага кузатди. Кўзлари ёшли болалар анча жойгача ортларига қарашиб охири кўздан йўқолишди...

...Йигит отга миниб камчи босди. От шиддат билан кўзғалиб йўртиб кетди. У отнинг жиловини асабий тортар, кейин бўшатар, шу тариқа қайтмайдиган бўлиб қишлоғига йўл солган, вужуди орқада-боғ четндаги пахса девор ва деворнинг нураган еридан термулиб турадиган кизда, дарвоза олдидаги мехмонхона ва икки йил илм берган болаларда қолиб борар эди.

Қишлоқ ортда қолди. Катта тупроқли йўлда оқ от ва устидаги одамгина хира кўринар, тун тобора қуюқлашиб, осмон, ой, юлдузлар тиниқлаша бошлаган эди. Йўловчи қишлоқдан бир қақиримча узоқлашгач, йўлнинг ўнг томонидаги сада дарахти тагида нимадир кимирлади, от қишнаб, сувлигини чайнади. Йигит сесканиб, бошини кўтарди. Кўзлари катта очилди, хушёр тортди. Қутилмаганда истиқболга яқинлашаётган паранжиди аёл қорасини кўриб, жиловини кескин тортди. Ухлаган, ухламаган, туш кўраётган, кўрмаётганини фарқ қилмай анча вақтгача гангиб турди ва фикрини жамлаб, қаршисидаги аёлга жиддий тикилди. Тикилди-ю, юраги кўксига тикилиб ура бошлади. Аёл, типирчилаб сувлигини чайнаётган от қаршисига етиб қадамини секинлатди ва паранжи сурилиб, чиммат кўтарилди. Йигитнинг кўзлари таниш чехрага тушиб, дарахт япроғидай қалтираб кетди. Гўё олам қайтадан яшнаб, ой тиниқлашиб, юлдузлар чарақлагандай туюлди. Йигитнинг қулоқларига чигирткаларнинг шодон, чириллашлари, қушларнинг сайрашлари, шилдир-шилдир сув оқиши эшитиларди. Унинг қаршисида «Муножот» куйи шайдоси ва шу кўшиқ туфайли уни илк бор пахса девор ортидан кўриб ошиқу беқарор бўлган, бироқ пахса девордан ошиб ўтишга журъат этмаган, термулибгина чекланган ўша киз турар, уйи, бир сўзли отаси, чўрткесар акасини ташлаб, қочиб чикканди. — Қочиб чикдим. Қандай қилиб чикканимни ўзим ҳам билмайман... Чикмасликнинг иложи қолмади. Нима бўлса бўлди. Пешонамга ёзилганини кўраман. Бир бошга бир ўлим... уруғлар яна бир-бирларининг қонларини тўкади...

— Балки тўқимас... бу гал инсофга келишар...

Йигит кўзларига ишониб-ишонмай кизни кузатди, унинг шиддати, журъатига ич-ичидан қойил қолиб, титраётган кўзларини чўзди. Киз кўзларини ёзди. Кўзлар сиқилди. Йигит уни кўтариб тиззаларига ўтказди.

— Бу шўр пешона энди нима бўлса кўраверади. Ўзингиз айтмоқчи, киши бу фоний дунёда бир

марта туғилади, бир марта ўлади... Бошқача бўлиши мумкинмас, — дея йигит товоғи билан от қорнига никтади. Жилови бўшалган от силкинди-да, илгарилаб кетди, аста-секин кун чиқиб томондаги катта, тупроқли йўл бўйлаб чопа бошлади. Тунги тинчликни энди от туёқлари овозигина бузар, гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаяр, узоқлашган сари орқадан кўтарилаётган чанг-тўзонларга сингиб сўнар эди. От оппоқ қулоқларини чимириб, бурун катакларини кериб, кўпик сачратиб чопар, думи, ёлларига эса шамол урилиб қийилларди. Йигит тажрибали чавандозлар каби от устида бемалол ўтиради, уни энди на бир изтироб, на отнинг қоқилиб мункиши, на иккаласи от устидан унчи кетиши хаффи қийнарди. Ҳатто кимлардир орқаларидан етиб келиб, таъқиблаши, оғир бир фожиа юз бериши ҳақида ҳам бош қотирмасди. Фақат кизни юпатиш мақсадида баъзан:

— Йиғлама, — дерди энтиқиб. — Ҳаммаси Яратганининг хоҳиши билан юз берди...

— Юзим қора бўлди. Ота-онам, ака-укаларим, опа-сингилларимнинг юзларини ерга қаратдим, — дея киз тинмай фарёд чекарди.

От чопар, лекин устидаги одамларни эҳтиётлаб, оёқларининг шашти бирмунча сусайганди. Олам тинчиб, чигирткаларнинг чириллашлари кучайганди. Осмон тиниқ қумуш рангда товланар, ой фарб уфқига оғиб, юлдузлар бодроқдай жимирлашар, йўл четндаги қушлар баъзан мудраб учар, салгина нарига бориб кўнар эди.

Қиз кўзларини йигитнинг бўйнига ташлаб, юзини эса оқ шойи яктагига босганча ҳикиллар, баъзан ранг ва қиёфалари қоришиб, кўзлари олдида бир сафга тизилиб ўтаётган ўт-ўланлар, майда дарахтларга махлиё бўлиб борарди. Тасавурида холдор юзди, жингала сочли, ўрта бўйли онаси, қамгап, бирсўзли, баҳайбат гавдали отаси, қадди-қомати билан кўпроқ отасига, кўзлари билан онасига ўхшайдиган жоҳил акаси жонланарди.

Йигит от жилловини ўз холига ташлаб қўйиб, пайдор кўзлари билан кизнинг титраётган нозик елкаларидан қаттиқ сиқиб борар, озгина ҳаракатдан ҳам чўчиб тушар, «шукур, йиқилмадик», деб гўлларди. У ҳам тинмай уйи, ота-онаси, укалари ҳақида ўйларди.

Йигит ҳушини йиғди, хаёлларини тарк этди. От қора терга қўмилиб ҳамон чопар, хансирар, оёқлари орасидан оппоқ кўпиклар сачарди. Олам гўё қимсасиз майдонга айланган, майдонда ёлғиз отгина чопиб борар, икки қочок — йигит билан кизни муҳаббат гўшасига элтарди.

— Сувсадим, — шивирлади киз бир пайт. —

Томоғим қақраб кетди.

— Хозир, — деди йигит дарҳол ва от жilовини ўнг томондаги сой томон бурди. Толиққан от ҳам эгаси хоҳишига мойиллик билдириб бурилди. От сой четидаги ёввойи дўлана тағига етганда у жilовини тортиди. Ерга тушиб биқир-биқир қайнаётган булоқ сувиди қўлини ювидида, кафтини сувга тўлдириб қизга тутди. Қиз сувни мириқиб ичди. Йигит отга минди. От тепаликка тирмаша бошлади. Текис йўлга чиқди. Худди шу пайт узоклардан ерга асабий босилаётган сонсиз-саноксиз от туёқлари овози эшитилди ва тун осойишталигини бузиб, яқинлашиб келаверди. Йўловчилар бир нафас жимишиб овозларни тинглашди. От туёқлари дупури ва кишнашлари яқинлашгандан-яқинлашар эди.

— Қувиб келишаяпти, — гўлдиради қиз ва қалтираб йигит кучоғига суқилди. — Ўлдиришад... хилватроқ ерга беркинайллик...

— Тезроқ уйга етиб олганимиз маъқул, — деди йигит ва отга қамчи босди.

— Ҳар холда одамлардан хайиқишар... зиён етказишмас...

— Тезроқ ҳайданг, — деди ниҳоят қиз ва йигитга оғирлигини солмаслик учун ўнглиниб, эгар қошини ушлади.

— Етиб олишмасмикин?..

Йигит оёқларини узангига қаттиқ босиб жilовни силкиди ва отга устма-уст қамчи солди. От пиқиқар, ўпкаси оғзига тикилиб чопар, бироқ шиддати тобора сусаяётганди. Сал ўтмай орқа томонда ўнлаб машғалалар кўринди. Машғалалар кўтарилар, тушар, турли томонга эгилар, сўнг тўғриланар, атроф ёришиб кетганди. От кишнашлари тобора яқинлашиб келарди. Улар қишлоққа кириб келишди. От туёқлари, хайқириқлардан одамлар яланғбош, ялангёёк югуришиб кўчаларга чиқишди. От устидаги йигит билан паранжидаги аёлни кўришиб:

— Нима гап? Тинчликми?

— Ана у Аълам домланинг ўғли Олим қори қиз олиб қочиб келаяпти! — дея йиғилганлар бир-бирларига уқтирар эди. Улар қиз билан йигитни изма-из қувиб келаятган ўнлаб отликларни кўриб ёқаларини ушлашди.

Йигит отни қатта, қаланд дарвоза қаршисида тўхтади. Сакраб отдан туши-да, қизни кўтариб олди. Шошилич етақлаб ичкарига кирди. Йўлакда учраган онасига:

— Тезроқ келинингизни яширинг, қувиб келишаяпти, — деди.

Қирқ беш ёшлардаги паст бўйли аёл гангиб қолиб, қизни етақлади ва турли томонга аланглаб,

охири ховли адоғидаги молхона томон юрди. Сомонлар орасини ёриб қизни ётқизди-да, устига сомон тортиб яширди. Дарвоза ёнида ташқарини тинглаб, саросимада титраётган ўғли ёнига яқинлашди.

— Қайси эшикка кирди? — деган йўғон овоз янгради тўда орасидан. Сал ўтмай дарвоза олдида ўнлаб отлар пиқиқиб тўхташди. Кимдир отдан тушиб дарвозадан ичкарига мўралади.

— Ҳой, нима гап? Кимни қидираяпсизлар? — сўрашарди майдонга йиғилганлар.

— Аълам домланинг ўйи шуми? — деди йўғон, асабий овоз.

— Ҳа, шу! — жавоб қилди хирилдоқ овоз. Худди шу пайт ташқарига узун бўйли, қошларига ок оралаган, ориқ, симоби саллали киши чиқди ва ён-верига сирли, аини пайтда ўчқорлик билан термулди. У «чақирилмаган мехмонлар», машғалалар сирига тушунолмас, нима учун одамлар кетмон, теша, болта, ўроқ кўтариб унинг дарвозаси олдига йиғилишганидан хайратда эди.

— Тинчликми? Нимага бемахалда менинг дарвозам олдида бўқираяпсизлар? — тўнғиллади у ва ўзига ўхшаш башанг кийинган кекса одамга тикилди.

— Қори, ўғлингизга тарбия беролмаган экансиз-да, — деди кесатиб халиги кекса одам.

— Қизимни йўлдан уриб олиб қочди. Ортидан қувиб келаяпмиз.

— Отамга нима дейсизлар? Қизингизни мен олиб қочиб келдим! — деди ташқарига ўқдай отилиб чиққан йигит. — Совчи юбордим, уруғларимиз нисосини рўқач қилиб бермадингиз...

— Аблах, — бўқирди қизнинг барзанги ақаси ва отдан тушиб Олим томон яқинлашди. — Ота-болларинг ўчини олмоқчи экансан, олдинроқ айтмайсанми, майдонга чиқиб ҳалол мушғлашардик.

— Мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан ўч олмоқчимасман, — деди Олим хиёл тетиклашиб.

— Такдир экан...

— Қори, сиз ҳам ўч олиш мақсадида ўғлингизни бизнинг қишлоққа муллагликка юборган экансиз-да, — бўғилди қизнинг отаси.

— Биродарлар, баъкана бўлмаг, — ётиги билан тушунтира бошлади йигитнинг отаси. — Ўзбек-нинг ҳаммаси бир-бирига қондош. Халқни уруғ-уруқка ажратганларнинг падарларига минг лўғнат. Ёшингиз бир ерга етган, оғзинга уйланг. Худо бир қизга бир йигитни яратди. Ахир саводхон одамсиз. Такдири азалда Худо қиз билан йигитни жуфтлайди. Олтига қизим бор. Улғайишсин. Совчи юборинг. Мўмин-мусулмон

бўлса беравераман. Ўғлимизнинг назари кизингизга тушган экан, бу ҳам Яратганнинг хоши.

— Осоқол, ўғлингиз кишлоқ олдида юзимизни қора қилди, — дея ўшқирди кизнинг акаси, — Ўғлингиз ота-боболар удумига хиёнат қилди. Синглимни олиб қочди... Қачондир бобомиз кизларингни олиб қочган экан. Уруғларимиз хали ҳам ярашолмайди.

— Мулла, бу бошқа гап, — деди йигитнинг отаси бироз шаштидан тушиб. — Сиз ҳақсиз, ўғлимга жазо керак бўлса, жазоланг. Сиз, қори... — чол кизнинг отасига мурожаат этди. — Кексайиб қолдингиз. Охиратингизни ўйланг. Ёшларга қўйиб беринг. Ўзлари ҳал қилишсин, — деди-да, шартта ёнига ўгирилиб, ичкарига кириб кетди.

— Қани, Фозил, — деди орқароқда турган узун, қийшқ бурунли йигит — кизнинг тоғаси. — Ана у аблахни майдонга торт. Муштлаш. Енгсанг, ўлдир, синглингни қайтариб олиб кетамиз. Енгилсанг, қолади. Сени ўлдирди.

Қизнинг акаси Фозил Олимнинг қўлидан олиб судради. Олим эса унинг қўлини силтаб ташлаб олдинга чиқди. Одамлар сукутга толишиди. Давра олишиди. Даврани машъалалар ёриб турарди. Йигитлар орқага чекинишди. Ниҳоят, тугилган муштлар кўтарилди-да, силкина бошлади. Шу тариха майдон ўртасида икки йигит ўз орномуслари учун жанг бошладилар. Каттик тугилган муштлар «гуп-гуп» гоҳ пешона, гоҳ бош, гоҳ елкаларга тушар, оёқлар кўтарилиб, рақибларни тепар, олишаётганларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси ерга йиқилар, ўнгланар, турар, қайтадан муштлашарди. Бир пайт қўллар қайилди, кирсиллаган, синган суяклар овози эшитилди.

Мезбон йигит жангда мағлуб келди. У соя-салқинда китоб мутлола қилиш билан умрини ўтказган, пиймаганда. Енгилди. Йиқилди. Типирчай-типирчайлаи охири тинчиди.

— Мехмон йигит енгди, — кимдир овоз берди.

— Тезроқ синглимни топиб беринглар! — бақирди мехмон йигит қаддини ростлаб ва консираган қўзини отасига қадади. — Тезроқ! Консираяпман!..

— Отаси... тезроқ чикинг, ўғлингизни... — деб чинқирганча, йигитнинг онаси тўрдаги катта уй томон югурди. Шу орада тўда дарвозани очиб, ховлига бостириб кирди.

— Синглимни топиб бер! — бўқирди йигитнинг онасига барзанги.

— Ким, қаерга яширган?! — деди тўрдаги катта

уйдан хотиржам чиққан уй хўжаси. — Синглинг қаерда?

— Мен яширганман... — рўлдиради мезбон аёл эрига томон тисарилиб.

— Бузук кизни нимага яширасан?! — тўнғиллади у хотинига. — Одобли қиз бўлганда ўғлинг билан қочиб келмасди.

— Ана шу бузук кизни ўлдиргани келдик-да, қори! — бўқирди кизнинг отаси. — Хой, қаерга яширгансан?

— Сомонхонага яширгандим... — саросимада жавоб қилди мезбон аёл.

— Бугундан бошлаб уч талоксан! — деди уй хўжаси хотинига ва ортига ўгирилиб, уйга кириб кетди.

Тўда аллақачонлар сомонхонага кириб улгурганди.

— Эрим таловимни берди, — хўнграб юборди аёл. — Ўғлимдан жудо бўлдим. Ақалли келинимни қолдиринглар!

Фозил сомонларни титиб, синглисининг сочидан ушлаб ховлига судради. Пичоғини кинидан суғуриб кўтарганди, отаси қўлини ушлади.

— Шошма, — деди қиёфаси йиртқичлашган ота ва консираган кўзларини олайтириб кизни узоқ кузатди. — Сени ўлдиришга акагнинг хақи йўқ. Менинг кизимсан... Сени ўлдиришга ёлғиз менинг ҳақим бор...

Ота тилидан, эсидан ажраган, фақат танасигина титраётган, кўзлари милтиллаётган кизнинг сочини бураб ушлади, сиқиб тортиб ва қўлидаги пичоқни кўксига санчди, кейин суғуриб олиб сопиғача ботирди. Пичоқни қайтиб олмади. Қиз ерга йиқилди. Қимирламади. Пичоқ санчилмасдан олдинроқ унинг юраги ёрилиб бўлганди.

Тўда ховлини тарк этди. Отларига минишди. Салдан кейин от туёқларининг овози пасайиб, аста-секин сўнди. Майдонга йиғилганлар ҳам бирин-кетин уй-уйларига тарқалишди. Уйқусираб қақиллашган товуқлар овози, безовта моллар маъраши, итларнинг хуриши ҳам аста-секин тинди.

Дарвоза каршисидаги майдонда йигит, дарвоза ичидаги ховлида эса киз жимгина чўзилиб ётарди. Эридан таловини олган йигитнинг онаси гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, қора шарпадай ялангоёқ турли томонга югурар эди.

Қаердадир «Муножот» қуйи баланд пардада янграрди...

Ўқтам ҲАКИМАЛИ

Ўзбекистон Халқ артисти Зулайхо Бойхонова билан суҳбатлашиш учун Мужимий театрга бордим. Опа қандайдир бесаранжом, гапиргиси келмаётган кайфиятда эди. Сабабини сўрасам, қайнонаси бетоблагини айтди. Бу хонандаларнинг одатий баҳонаси эмас, унинг овозида ташвиш, айни пайтда меҳр бор эди. Аввалига суҳбатимиз қовушади. Хуллас, калитни топдим: «Майли, суҳбат қилмасак қилмаймиз, опа, болаагингизни гапириб беринг», дедим. Бошқа гап деярли сўрамадим. Унинг ўзи гапирди...

БОЛАЛИК

Болалигимда эрка ва ўйчан қиз эдим. Мендан олдинги фараандлари узок яшамагани учун ота-онам мени жуда авайлаб ўстиришган. Эркалигим угайганимда ҳам сақланиб қолди. Шу билан бирга жуда ишонувчан, содда эдим. Бу феълим ҳам ўзим билан улағайди. Минг марта панд есам ҳам ишонавераман. Балки бу алдашни ёмон кўрганим учундир, одамларга ишонгим келгани учундир... ҳамон соддаман. Ҳамон болалигимда яшагим келади. Ҳамон болалигим билан яшайман. Ҳамон боламан.

УСТАЗОЛАР

Менга ҳаётнинг ўзи катта мактаб ва айни пайтда улуғ устоз бўлган. Нимагадир устоз дейилса, мактабдаги мусиқа ўқитувчим Толибжон Абдуллаевни эслайвераман. Сифр раҳбаримизнинг қаттиққўликларини яхши кўрадим. Айниқса, Толибжон ака... 1980 йилда Тошкентга, санъат байрамига олиб келиб, фолиб бўлганимдаги шодликлари ота-онамининг қувончидан кам бўлмаган. Шу йили менга Театр ва рассомлик санъати институтига йўланма беришган. Ота-онам менга «Артист бўлмайсан, ўқитувчиликка кирсанг, Тошкентга юборамиз!» деб рухсат беришмади. Кейинги йили Толибжон ака билан бир амаллаб ота-онамин кўндирдик. Шундайям отам «Барибир йиқилиб келади, браверсин», деб рухсат бергандилар. Бахтмиди, тақдирмиди, тасодифмиди, шундан буён пойтахтга сочилиган ризакимни териб юрибман. Кейин яна устозлар... Уларнинг ҳар бирини гапиришим мумкин. Умуман мен Сайёра Юнусова, Мурод Ражабов, Баҳодир Йўлдошевларнинг маҳоратидан, саҳна маданиятидан кўп ўрганаман...

ФЕАЛОЛЯТ

Театрга янги келганимда, фақат бош ролларни беришарди. Янги эдим, истак ҳам, вайрат ҳам бор эди, ўйнайверардим. Умуман, рол талашмаганман. Ҳа, биттагина образни сўраб олиб ўйнаганман. Ҳамонгина синаш мақсадида Матруф Отажонов саҳналаштирган «Ҳижрон» спектаклидаги Қизбойчани ўйнаганман. Қизбойча салбий рол бўлса ҳам, кўпчиликка ёқиб қолди. Аммо баъзилар Зулайхо ҳам айнибди, дейишибди. Бир куни Қизлархон Дўстиқхўмедовани кўриб қолдим. Опа: «Зулайхо, ёмон ролларини ўйнама, сенга ярашмас

экан», — деб танбех бердилар. Кўпичча менга ҳаётда қийналган, азилган образларни беришарди. Бунга фараандларим эътибор қилишибди. Қизим бу ҳақда кўп сўрайди. Қулиб қўя қоламан. Аммо охириги пайтлар бош ролларни рад эта бошладим. Ҳар йили бир неча талабб ўқиниш тугатиб, театрга келади. Уларни ҳам катта-катта образлар билан синаб кўриш керак, тоблаш керак. Навбат ёшларга...

ЖАРАҒИ

Мен Нурхонни ўйнадим, Гул, Ширин, Нодирабегим, Зухра... Эҳ-хе, Ширин бўлиб, Нодирабегим бўлиб қанча яшадим... Ҳар бир ролимни олган кунимдан ўша образ таъсирида бўлардим. Менинг ўрнимда бошқа касбдошларим қандай ўйнади, тасаввур қилиб кўраман. Ўрганиш, изланиш, тайёрланиш, ўзимни рудан тайёрлаш. Бу кунларим ўзимга ёқарди. Бироқ ҳозир рол ўйнашга тайёр эмасман. Театрни, саҳнани соғиниб келаман. Касбдошларимни кўриб кетгим келади. Бу театрда ҳамма нарса қадрли. Ҳаммаси, ҳаммаси сенимли... Балки ҳали ўзининг ролимни ижро этарман. Зулайхо Бойхоновадан ўша образга кўчиб ўтарман. Бироқ ҳозир эмас. Ҳозир сезаялман, ўзимда рол ўйнашга рағбат йўқ. Ўзимни зўриқтириб, томошабинни алдаб ҳеч нарсага эришмайман. Саҳнага хиёнат қилиш ниятим йўқ.

Кўпш... Дарвоқе, кўп кўпшқ кўйлапман. Ҳа, ҳозир фақат куйлагим келаяпти. Худди болалигимдагидек.

САҲНА

Саҳна — актёрнинг юзи, виждони. Саҳна шунчакиликни кўтармайди. Туйда ўйнаб кетиш мумкин. Саҳнада ўйнаб кетиб бўлмайди. Умуман, саҳнанинг синоати кўп... Ёзиб ўтирмасангиз, бир гапни айтиш. Ўзбекистонда хиёнат қўрсатган артист унвонини олганимда, ёш эдим. Кутилмаганда олганман. Шундан бу юксак унвои қадрли бўлган. Давъогарлик ёмон...

Менга Гулсанам Мамазоитованинг чиқишлари ёқарди. Одамлар очкиқдан бешишди. Энди сирлилик керак. Айниқса, биз аёлларга... Бу гапларни кўйинг. Ўзин, ўзим ҳақимда гапиришни ёмон кўраман. Нима ҳам дердим... Нима бўлса, Худодан...

МАНЗУРА ШАМС тайёрлади

EY DO'ST

Ey do'st!
So'nma orzum, tushmagil terga,
Zil umrimni yetaklagil ahd.
Boshin egib qo'ysa ham yerga,
Faqat ko'kka ko'karar daraxt.

Ey do'st!
Yuzing qani sening? Yuzing yo'q.
So'zing qani sening? So'zing yo'q.
Yuzing ham, so'zing ham bo'lardi, ammo,
O'zing qani sening? O'zing yo'q!

Ey do'st!
Ne uchun ortimdan uzmayсан qadam,
Uzun-qisqa ko'lka singari mudom.
Qo'y, taniyman sening ikki yuzingni,
Tilining tagida tili bor odam!

Ey do'st!
Odamni odam odam qiladi,
Olamni odam olam qiladi.
Odamni olam ado qilmagay,
Odamni odam ado qiladi.

Ey do'st!
Bir boqmas bu gulro', har kun shu sazo,
Qaysi bir gunohim uchun bu jazo?
To'yarmi oshiqlar xilxonasi, ayt,
Tag'in bir oshiqqa yetsa gar qazo?

Ey do'st!
O'n to'rt kunlik oyni osmonda uchratdim,
Unga yetmoq orzu, ummonda uchratdim.
Visol debon o'zni otdim quchoq'iga,
Har yon sochildi u, har yonda uchratdim.

Ey do'st!
Bir qoshiq tuzdirman, taom bo'lmasman,
Bir jonga arziri in'om bo'lmasman.
Lekin yor taomi mensiz bo'lmagay,
Pok dasturxonida tamom bo'lmasman.

Ey do'st!
Ul sanam qoshida hushdan ayrildik,
Jodulandik, tillo qushdan ayrildik.
Bir jilva qilibon uyaldi – ketdi,
Kuppa-kunduz kun quyoshdan ayrildik.

Ey do'st!
Oshliq degani ko'p qiziq bozor,
Unda hamma bir-biriga intizor.
O'rtada suvlar oqar aylanch-aylanch,
Sotguvchi, olguvchi – birdek xaridor.

Ey do'st!
Ovchiga so'zlaydi jonzotlar izi,
Munajjimga so'zlar tunlar yulduzi.
Ne so'zlar ekan deb og'zin poylama, –
Bu jononning menga so'zlaydi ko'zi.



Ey do'st!
Bog'supada uxlab qolibdi bir qiz,
Yoyilib oqibdi – sochlar jamalak.
Hayratdan tek qotdim: g'uncha labiga
Qo'nib bo'sa olar bitta kapalak.

Ey do'st!
Garchi liboslari oddiy va odmi,
Orasta ayollar suyumli, dilbar.
Nilufar qavmidan ularning qavmi –
Jo'n bir hovuzda ham gul-gul nilufar.

Ey do'st!
Ayol qalbi cheksiz sirlar ummoni,
Tugal bilmoq nasib bo'lmagay oni.
Goho dur axtarsang, tosh bo'lib chiqar,
Tosh kutganingda dur tutar joni.

Ey do'st!
Ot kimniki – minganniki,
To'n kimniki – kiyganniki.
Olgan – olganniki emas,
Qiz kimniki – suyganniki.

Ey do'st!
Bu na jondir, kuzda izlar bahorini,
Bahorida tiramoh tongotarini.
Xushvaqtlilikda suhbat qurar xushtor bilan,
Bemorlikda izlab qolar o'z yorini.

Ey do'st!
Ko'z berding, olamning ko'rdim suratini,
Aql ato etding, ochdim siyratini.
Til berding va lekin u shuncha ojiz –
Sharhi yo'qdir hamon ko'ngil hayratini!

Ey do'st!
Mehringni ber bugun g'uncha, kurtakka,
Ertaga muhabbat bo'lib qaytadi.
Haq so'zing ayt, bugun murg'ak go'dakka,
U ham ertan senga haq so'z aytadi.

Ey do'st!
Yashasin adolat – azaliy daraxt!
Yashasin adolat – abadiy daraxt!
Kimdir beshik yasar go'dakka undan!
Kimdir undan yasar jallodga kunda!

Ey do'st!
Bir xursand qilay deb o'z egasini
Soat ildamlatdi yurish tusini.
O, buni ko'rduy titradi jon-tan, –
Dedi: "Vaqt insonga yagona dushman!"

Ey do'st!
Uchmoq, parvoz qilmoq – ilohiy ne'mat,
Alloh qudrat bersa, uchgaydir namat.
Parvozdan voz kechdi tuyaqush – yalqov,
Alaloqibatda duch kelganga – ov.

Ey do'st!
Na sir qoldi Osmon ichinda,
Na sir qoldi Ummon ichinda.
Va lekin moziydan tinglaganim bor:
"Barcha sirlar erur Inson ichinda!"

Ey do'st!
Bir daraxtda turli qushlar oshyoni,
Bir tog'da jonzotlar alvon-alvoni.
Qasd bilan yashaydir buncha odamzot,
Garchi bor har kimning rizqi, makoni.

Ey do'st!
Ko'zlari tillodan, tirnoqlar tillo,
Sulton saroyida yashar bir tulki.
Yemaklar tillodir, yaloqlar tillo,
Lekin tovuq poylab el-yurtga kulki.

Ey do'st!
Odamzot chidamas issiq, sovuqqa,
Gap topib yurgaydir yiroq-yovuqqa.
Ko'kdagi burgutni tutmoq bo'lar goh,
Don bera olmay goh yerda tovuqqa.



* * *

Ey do'st!
Cheksiz-chegarasiz koinot aro
Uchib yurar sonsiz daydi sayyora.
Yerga urilmoqdan saqlar-ku Alloh,
Odam balosidan saqlarmi ammo?

* * *

Ey do'st!
Kafolat bermayman, rostdir yo yolg'on,
Bu gapni aytgandi bir dashtlik cho'pon.
Bir ovchi qiziga ilon uylanmish,
Mehmon bo'lib ketar emish har zamon.

* * *

Ey do'st!
Miqqiqushga sichqon qoldi chuy tushib,
Va nima deydi de, bu sichqon faqir:
- Meni qo'y, qorningni yuborgum teshib,
Devorlarni teshib yurganmi axir.

* * *

Ey do'st!
Uyquchi ukkiqush rangin dunyoni
Faqat oq va qora rangda ko'rgaydir.
Va hatto patlarin tusi - jiloni
Qalbi ko'r kimsadek bilmay o'lgaydir.

* * *

Ey do'st!
G'alat qush - dunyoning bir chekkasida,
Don-dunlar to'ladir gir chekkasida.
Lekin o'z axlatin yashaydir titib,
Nimadir axtarib, nimadir kutib.

* * *

Ey do'st!
Ne jonzot mavjudkim katta o'rmonda,
Bir-birini poylar, ovlar har onda.
Bu holni kuzatib, o'ylab qoldim men -
Ovchi bo'lmagan zot bormi jahonda?!

* * *

Ey do'st!
Jahon sahnasin tab' rangga bo'yarlar,
Insonmi, zamonmi kular, kuyarlar.
O'qidim, ko'rdim: ne ulug'larni
Avval o'ldiralar, keyin suyarlar.

* * *

Ey do'st!
Bu olam, bilgikli, bir xonadondir,
Dini yor yo dinsiz - bari bir jondir.
Bunda mezbon yo'qdir, zafarbardor yo'q,
Bari bir-biriga mag'lub mehmondir.

* * *

Ey do'st!
Bu osmon, kattakon mozor bu osmon,
Bu ummon, kattakon mozor bu ummon.
Qabrlar ularda do'ng bo'lib turmas,
Azaliy qabriston, abad qabriston.

* * *

Ey do'st!
Abadiy muzliklar qa'rida - asror,
Balki mamlakatlar, shaharlar poydor.
Inson - fikri jumboq. Bilmaysan aslo,
Men o'zim aytmasam, qalbimda ne bor!

* * *

Ey do'st!
Chayonni qaragil, ko'rkli, nozikdir,
Ushla, tomosha qil, juda qiziqdir.
Mamont ajdodidan ajdodi qadim,
Lekin tuzalmagay - fe'li buzuqdir.

* * *

Ey do'st!
Bu olam tilsimdir, odamzod tilsim,
Ular sirin ochmoq bo'ladi har kim.
So'nggi darvozaga yetganda, biroq,
Umri tugar, tag'in barchasi jumboq.

* * *

Ey do'st!
Teng yarmi tuproqqa ko'milgan oq Tosh, -
Yonidan o'tardim, so'z qotdi yuvosh:
- Tangri yarlaqagur, duo o'qib o't,
Ostimda ajdodim, men-chi, qabrtosh.

* * *

Ey do'st!
Menga der sayyoh do'st: "Ha, kengdir olam,
Lekin bor har joyda taqdir yozig'i.
Qurbaqa ilonga eng totli taom,
Ilondir laylakning shirin ozig'i."



ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

Бундан ўн беш йиллар олдин коллеж дейилса, чет фильмлардаги ўқув даргоҳлари тушуниларди. Бугунги кунда коллежлар таълим тизимининг ўзига хос бир тармоғига айланган. Уларнинг фаолияти юртимизнинг истиқболи бўлиши ёшларни ҳам мутахассис, ҳам қомил инсон қилиб тарбиялаш билан болаёқ.

Муҳбиримиз Комилжон Қиёмов Қашқадарё вилоятидаги икки нуфузли коллежда бўлиб, улар фаолияти билан танишиб қайтди.

ЭРТАМИЗНИНГ МУНОСИБ ЭГАЛАРИ

Республикамиздаги иқтисод йўналишида таълим берувчи ўқув муассасалари орасида ўз ўрнига эга бўлган Қарши иқтисодиёт коллежида бугунги кунда «Ҳуқуқшунослик», «Молия», «Бухгалтерия ва аудит», «Банк иши», «Сувурта иши», «Статистика», «Тижорат агенти» йўналишларида жами 1842 нафар талаба таҳсил олмақда.

Янги ўқув йилидан бошлаб, тикувчи-бичувчи, сартарош, ресторан иши, маиший хизмат жиҳозларини таъмирловчи каби мутахассисларни тайёрлаш ҳам режалаштирилмоқда.

Коллеждаги 26 фан кабинети, 6 та компьютер синфи, 2 та физика ва кимё ўқув лабораториялари, биология кабинетларидан етук мутахассисларни тайёрлаш йўлида самарали фойдаланилмоқда. Талабаларга тўла жавоб бера оладиган маънавий хонаси, 300 ўринли мажлислар зали, 3 та кироатхона маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни намунали ташкил этишда қўл келмоқда.

Ўқув даргоҳида тилшунослик, аниқ фанлар, ижтимоий фанлар, банк ва молия, бухгалтерлик ва иқтисод, ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ва спорт фанлари кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Ўқитувчи қачонки етарли билим ва малакага, янги педагогик технология кўникмаларига эга бўлсагина ўқувчига кўнгилдагидек билим бера олади. Шу маънода коллеж ўқитувчилари белгиланган режа асосида малакаларини муттасил ошириб бормоқда. Фан янгилликларидан ўз вақтида хабардор бўлиш, ўзаро тажриба алмашиш учун Қарши Давлат университети ва Тошкент молия институти ўртасида шартнома тузилган. Ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида ўрта-махсус касб-хунар

таълимини ривожлантириш институти томонидан тайёрланган услубий тавсиялар тўпламидан фойдаланилмоқда. Унда, асосан, маъруза матнларини тайёрлаш технологияси, лаборатория машғулотларини ўтиш, ўқитиш жараёнлари учун тақвимий-мавзувий иш режалари ва режа матнлари, таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Соғ танда соғлом ақл» деганларидек, ўқув даргоҳида жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича ўқувчилар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб борилади. Бу тадбирлар ўқувчиларни соғлом вояга етишлари, спортга ошно бўлишлари, қолаверса, уларнинг ўқишга бўлган интилишларини ошириш учун қилинапти.

— Биз фақат мутахассис эмас, балки ўз билими билан ҳамма жойда беллаша оладиган, дунёқарши кенг, соғлом шахсни тарбиялашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди коллеж директори Рўйиддин Раҳимов.

Таълим-тарбияда жамиятнинг ҳар бир бўғини бир-бирини қўллаб-қувватламас экан, ишлар самара бериши мушкул. Коллеж фаолияти билан танишув чоғида яна бир ибратли ишга гувоҳ бўлдик. 2004-2005 ўқув йилида 646 нафар ўқувчи ўқишни тамомлади. Уларнинг ишга жойлашиши муаммосининг олдини олиш мақсадида йил бошида Қарши шаҳар меҳнат биржаси билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди ва битирувчилар билан шартномалар тузилди. Коллеж жамоаси қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлар билан чеқланиб қолаётгани йўқ. Ўқитувчи-мураббийлар келажагимиз эгалари бўлган ёшлардан нимани кутсак, бугун шунга қараб интилиш, нима олмақчи бўлсак, аввал шуни бермоғимиз керак, деган вояга таяниб ишлашмоқда. Биз коллеж жамоасининг эртамининг муносиб эгаларини тайёрлаш йўлидаги машаққатли, аммо шарафли ишларида муваффақиятлар тилаб, ҳорманг устозлар, деб қоламиз.

КИЧИК МУТАХАССИСЛАРГА ЭХТИЁЖ

«Қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзидек улкан машаққатлари мавжуд. Ерни тушуниш, унга меҳр бериб ишлаш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан

келвермайди. Талабаларимизга ҳам шундай эътиқодни сингдиришга ҳаракат қиламиз», — дейди Қарши қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори Ибодулла Сайдуллаев. Сухбатимиз шу инсон раҳбарлик қилаётган коллеж ва унинг фаолияти ҳақида бўлиб ўтди.

— Ибодулла ака, суҳбатимизни сиз раҳбарлик қилаётган билим даргоҳининг асосий мақсад ва вазифалари билан танишишдан бошласак.

— Қарши қишлоқ хўжалик техникуми тугатилиб, унинг негизида Қарши қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ташкил этилди. Мен директорлик лавозимига номзодимни қўйдим ва ўз дастуриمنى ишлаб чиқдим. Танловдан ўтиб, 2000 йили коллеж директорлигига тайинландим. Ўтган йиллар давомида коллежнинг устави ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди. Танлов асосида ўқитувчилар жамоаси шакллантирилди.

Лойиҳа асосида янги ўқув хоналари ва таъмирлаш устахоналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлаш учун очиқ ва ёпиқ саройлар, дон, сабзавот сақлаш омборлари қурилди. Коллеж ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди ва борилмоқда. Таълим йўналишлари бўйича фан кабинетлари, лабораториялар, ўқув устахоналари ташкил этилди ва жиҳозланди. Пуллик хизмат кўрсатувчи қисқа ўқитиш курслари, ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

— Коллеж ўқитувчи-педагогларининг малакасини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўқитувчиларнинг малакасини оширишнинг йиллик режалари «Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарор талаблари асосида тузилган. Коллежимизда фаолият кўрсатаётган 3 нафар фан номзоди, 24 та олий тоифали, 28 та биринчи тоифали, жами 140 нафар ўқитувчиларнинг 128 нафари ўтган даврда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқишди. Коллеж ўқитувчиларининг ўз устида мустақил ишлаб, малака оширишлари учун ҳам бир қатор шароитлар яратилган. Япония давлати ва мамлакатимизда стажировкада бўлган касбий таълим ўқитувчилари Зафар Қобилов ва Равшан Чоршанбиевлар томонидан «Замонавий таълим технологияларини коллежда қўллаш» мавзусида умумтаълим ва касбий соҳада Япониядан келтирилган жиҳозлардан фойдаланиш, уларни ишлаши ва сақлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

«Хориж тажрибаларини амалда қўллаш» ҳамда «Плугларнинг турлари, тузилиши ва ишлаши» мавзуларида ўтказилган бир қатор семинар-



тренинглар ҳам коллежимиз ўқитувчилари фаолиятининг кўзга ташланадиган нукталаридир.

— Коллежда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Талабаларга ўз танлаган йўналишлари бўйича чуқур назарий билим бериш, касб-хунарга ўргатиш орқали икки ва ундан ортиқ ихтисосликни эгаллашларига эришиш ва шу асосда шахримизда, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахс мақомида фаолият юритаётган хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларни малакали кичик мутахассислар билан таъминлаш йўлидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ўқув йилида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросини таъминлаш бўйича коллежнинг иш-режаси тузилади. Мақсад, вазифа ва кутилаётган натижа шакллантирилиб, илмий-педагогик кенгашда кўриб чиқилади ва юридик кучга киритилади.

Йил давомида коллеж, унинг тузиламалари иш режаларининг бажарилиши белгиланган тартибда ўрганилади, таҳлил этилади, даврий равишда илмий-педагогик кенгаш йиғилишларида муҳокама этилади, баҳо берилади ва хулоса чиқарилади.

— Келажакда касбларидан оқилонга фойдаланишлари йўлида коллеж битирувчиларга қандай йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда? Демокчанки, уларни ишга жойлаштириш юзасидан ҳам ишлар олиб борилаётганми?

— Ҳа, албатта. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермерлар уюшмаси, ветеринария бошқармаси ва лабораторияси, синов ва сертификатлаштириш маркази, алоҳида фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари билан кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Уларнинг эҳтиёж, мазмун ва сифат бўйича тақлиф, талаблари асосида коллежнинг режалари мувофиқлаштирилади.

Гул немис шоири Гёте дунё суз санъатининг бир-бирига мумтаси таъсирини ҳисобга олиб, «Жаҳон адабиёти» атамасини истеъмолга киритган эди.

Адабий таъсир кўринишлари гоҳида бир оқим, баъзида эса бир адиб тажрибалари мисолида майдонга чиқади. Дейлик, Гёте Шарқ мумтоз назмига интиқлик билан яшаган. Иштиёқ, ҳавас натижаси ўлароқ, Гёте «Мағрибу машриқ девони»ни яратди. Девон бобларини «Муғаннийнома», «Ишқнома», «Ҳофизнома», «Те-мурнома», «Зулайхонома», «Со-қийнома», «Худднома» («Жан-натнома»), «Форсийнома», «Та-факкурнома» шаклида номлани-шининг ўзиёқ фарб шоирининг Шарққа бемисл ҳурмат-эҳти-ромини кўрсатади.

Худди шунингдек, ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек диёрида Шекспир ва Шиллер асарларига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Ингирманчи асрнинг биринчи ярмини шартли равишда Шекспир-Шиллер асри десак, муболага бўл-мас. Уша вақтларда Чўлпон немис тилини ўргана бошлайди. Фарб шеърияти, драматургияси янги ўзбек назми асосчисини маҳлиё

ШИЛЛЕРОНА ОҲАНГЛАР



қилади. Бинобарин, «Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шек-спирдир» қабилидаги гап бежиз айтилмаган.

Инглиз драматургияси, шеъ-ритидан ташқари, ўзбек зиялилари диққатини Фридрих Шиллер асарлари ҳам ўзига жалб этади. Алалхусус, Шиллер ижоди миллий адабиётимизнинг барча жанрла-рига ўз таъсирини ўтказган. Утган асрнинг 30-40 йилларида насрда, назм ва драматургияда шиллерона оҳанглар пайдо бўла бошлади. Чунончи, Туроб Туланинг «Кувваи қаҳқаҳа» фожиасининг гоёси Шиллернинг «Мария Стюарт» трагедиясининг таржимаси жараёнида тутилган. Мирмуҳсиннинг «Луиза фожиаси» асариди Шил-лернинг «Макр ва муҳаббат» драмасининг таъсирини сезилади. Худди Усмон Носир «Монолог», Ҳамид Олимжон «Офелиянинг ўлими» асарларини Шекспир таъсирида биттандаридай.

Шиллер аъналарининг излари таниқли адабиётшунос олим, тан-қидчи, моҳир драматург ва тар-жимон Иззат Султон ижодида ҳам кўзга ташланади. Бу таъсир белги-лари, айниқса, унинг «Номъълум киши», «Имон» драмаларида яққол сезилади.

ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

Шоир тополмаган мисрани ёки қофияни файласуф тополмайди, аммо файласуф тополмаган тафсирини шоир осонгина топа олади.

Умр — илоҳий неъмат, уни сарфлашишга қараб ё лавнатланасан, ё шарафланасан.

Адабиёт айб эмас, адашмасликка интиқмаслик айб. Биринчисиди покорсан, иккинчисиди — сунҳор.

Ўлим олдида одам ожиздир, бироқ барча умрини боқий қилиш иқкониға эга.

Қалбинг нимага қодирлигини билмоқчиман — душманингени сев.

Пуррардлик дилнинг оғатий ҳолати, аммо мудом дарғчд дил мутликка мойил бўлади.

Яхшилик одамга унуттиш ҳислати инъом этилган, акс ҳолда у шодлик, қубонч нималигини билмай ўтарди.

Алданишининг энг аянқлиси ўзинени ўзинг алдашдир.

Алданмай яшашнинг иқкони йўқ, лекин алдамай яшаш мудом ўз изминдегадир.

Оми кишидан кўра фарибгар ўзини ўзи кўпроқ алдайди.

Шоир қофия излаган жойдан файласуф муаммо топади.

Файласуф шғор ёзмаслиги мумкин, бироқ шоирнинг фалсафий мушоҳада яритмаслиги таажублидир.

Меъридан ошган эзулик тилбедамаликдир.

Уяр қисқа, бироқ ўзинени ўзинг алдаб яшасанг, у янада қисқадир.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари
доктори, профессор

Драма жанрини чуқур эгаллаган назарийетчи олим Иззат Султон бутун ижодий фаолияти давомида Шиллернинг ижод лабораториясига бир неча бор мурожаат қилиб, унинг нафис, ammo ўз характеридай мағрур ижодидан қайта-қайта руҳланган. Иззат Султон Шиллер драматургияси билан изчил танишиб, жанр сирларини ўрганган. У Шиллер ижодий лабораториясидан нимани ўрганмасин, тўплаган ҳамма назарий ва амалий тажриба ҳамда билимларига ўз ижодий имконини улаб, ундан амалий-амалий ҳулосалар чиқарган.

Шиллер ижоди, унинг ўзбек адабиётига таъсири борасида Иззат Султон шундай фикр бидиради: «... ёзувчининг у ёки бу услубга мунсублиги унинг бошқа услубда ижод қилувчи ёзувчилардан «балаандлиги» ёки «паस्ताинини» кўрсатмайди, балки ҳар бир ижодий услубнинг тарихан шартланганлиги ва ёзувчи истеъдоди қайси услубда энг кўп намоён бўлишига мойиллигини билдиради, холос. Маълумки, Шиллер романтик, Шекспир эса реалистдир. Биз Шекспирни Шиллердан афзал кўришимиз мумкин, ammo Шиллернинг жаҳон адабиёти тараққиётида

тутган ўрнини рад этолмаймиз ва «бугун бизга Шиллерлар керак эмас», дея олмаймиз. Аксинча, бугун Шиллер каби романтик ёзувчиларнинг етишмаётганлиги театр ва адабиёт ходимлари томонидан қайта-қайта қайд этилмақда».

Адиб бу икки буюк даҳо ижодидоғи ўзига хос томонларни кўрсатиб, Шекспир меросини камситмаган ҳолда, ёш ижодкорларга Шиллер ижодининг бутунги маданий ва адабий ҳаётимиз равнақи учун ниҳоятда зарур эканлигини, «немис трагедиясини яратган» буюк даҳо ижодининг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Албатта, биз бу мулоҳазалар билан ижодий озиқланиш ва ўзаро таъсири фақат мавзу, жанр, гою, образ танлаш жиҳатдан асосий ижодий яқинлик мавжуд бўлган санъаткорлар ижоди билангина чегаралаб қўймоқчи эмасмиз. Аслида, таъсир масаласи ўта мураккаб ва серқирра ҳодиса бўлиб, унинг назарияси, барча кўринишлари ва чегаралари адабиётшунослиқда батафсил ёритилганича йўқ. Бироқ адабиётшуносликнинг ҳозирги тажрибаси, ҳатто ижодий йўналишлари, характерлари бир-

бирига қарама-қарши бўлган сўз санъаткорларининг ҳам ўзаро таъсирланиши, бир-бирларидан бадий ижод сирларини ўрганиши, ўзларидан мавжуд бўлмаган маҳорат қирраларини ўзлаштириши ёхуд заиф томонларни тўддириши мумкинлигини тўла-тўқис тасдиқлайди. Бошқачароқ айтганда, ижодийлик ўша санъаткорлар ижодининг тараққиётига жиддий туртки бериши мумкин.

Иззат Султон драматургияси ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга. Унинг ўзбек драматургияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Навойий», «Фидоий», «Кўр-майин босдим тиканни», «Истеҳком», «Бургутнинг парвози», «Имон» каби драмалари ана шу фидоий меҳнатнинг натижаси бўлиб, ўзбек драматургиясининг йирик асарлари қаторида саналади. Ижодкорнинг бундай муваффақиятга эришувда рус драматургияси ва фарб драматургиясининг йирик намоёндалари қаторида Фридрих Шиллер ижодининг ҳам самарали таъсири борлиги шубҳасиз.

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



МУБОРАК АЛИМОВА

Ҳақимизда «Устоз — отангдек улуғ» деган ҳикматли сўз бор. Чиндан ҳам, устозларнинг машаққатли меҳнати ҳар қанча эъзога лойиқ.

Шундай устозлардан бири Хоразм вилояти Урганч туманидаги 2-сон умумтаълим ўрта мактабнинг директори Муборак Алимовадир. Муборак она 24 йилдан буюн ўқитувчилик касбини улуғлаб, эртამиз агалари бўлиши ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Муборак Алимова 2002 йилдан буюн раҳбарлик қилиб келаётган мактабда 96 нафар устозлар фаолият кўрсатишади. Мактабда 1189 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Муборак она оилада ҳам бахтвини топан аёллардан. 3 фарзанднинг меҳрибон онаси, 2 набиранинг севиман бувижониси.

УРУШ ОДАМИ:



“Шарқ” нашриёти кейинги йилларда ўқувчиларни адабиётимизнинг яхши намуналари билан таништириш борасида анчагина эзгу ишларни амалга оширмоқда. Бир қатор марҳум адибларнинг машҳур асарлари қайта босилаётгани, таниқли оқсоқол ёзувчиларнинг томликлари чиқаётгани, ёш ижодкорларнинг битиклари дунё кўраётгани шунга далолатдир. Шу йилларда чоп этилган асарлар орасида Кўчқор Норқобилнинг уч қиссадан ташкил топган “Кулиб тур, азизим” китоби ҳам ўзига хос ўрин тутади. Китобдаги ҳар уч қисса ҳам афғон уруши, унинг қатнашчилари бўлган ёшлар тақдирда қолдирган қонли излари ҳақида. Тўпلامга улуг ёзувчимиз Шукур Холмирзаев “Изтироб” деб номланган қиссагина сўзбоши ҳам битган. Сўзбошининг номи ва ундаги: “Кўчқор Норқобил — шоир. Шунинг учун унинг насриям — шоирона”, — таъкидда китобнинг моҳияти аниқ акс этган. Негакки, тўпلامдан ўрин олган қиссаларда уруш воқеалари эмас, балки уруш одамларининг изтироблари акс этган. Номи китобга чиқарилган “Кулиб тур, азизим” асари тўпلامдаги ўзга битикларга, мазлум даражада, баъдий асос вазифасини бажаради. Чунки унинг асосий қаҳрамонлари кейинги икки битикда ҳам иштирок этишади. Шунинг учун ҳам биз ўз кўзатишларимизда кўпроқ “Кулиб тур, азизим” метақиссасига таянаемиз.

Шу вақтга қадар ўзбек баталист ёзувчилари учун уруш воқеалари тасвири кўрсатилган қаҳрамонликларни ифодалаш имконияти эди. Уруш тўғрисидаги битикларда асосан қайсибир тепаликни олиш учун кимларнингдир қурбон бўлиши, кимнингдир кўксини ўққа тутиши, кимнингдир кўрқмаслиги-ю, кимнингдир кўрқоқлиги кўрсатиларди. Бундай асарларда уруш одамнинг туйғулари эмас, кўпроқ қиличлар жаранги, ўқлар овози, пулемётлар сайраши, бомбалар портлаши, найзалар санчилиши тасвирланарди. Чунки бу хил асарлар учун урушдаги одамнинг руҳиятини, туйғуларини кўрсатишдан кўра, жанг манзараларини ифодалаш муҳим ҳисобланарди. Уларда одам анчайин жўн, бирёқлама, “яхши” ёки “ёмон”, “бизники” ёхуд “душман” тарзида қутбланган бўларди.

Кўчқор Норқобилнинг афғон урушига бағишланган янги асарларида эса уруш ҳамиша улкан фожиа эканлиги, унда ҳеч қачон ғолиб бўлмаслиги, бундан ҳам ёмони, жанг кўчқор кўнгил кишиси учун уруш ҳеч қачон тугамаслиги, у одамнинг руҳида бир умр давом этиши ниҳоятда таъсирли кўрсатилган. “Кулиб тур, азизим” қиссаси қаҳрамони шундай дейди: “Уруш ҳақида ёстиқдай роман ҳам ёзиш мумкин, уруш ҳақида икки бетлик ҳикоя ҳам ёзиш мумкин. Лекин уларда урушнинг қандай тугаганлигини, кимнинг ғалаба қозonganлигини эмас, у инсоният томонидан амалга оширилган энг буюк жиноят эканлигини айтиш мумкин”. Асарда муаллиф ўзининг ана шу қарашига,

имкон қадар, амал қилган.

Уруш воқеалари, уруш одамлари ҳақида ҳар даврда ўзига хос ёзилади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тўғрисида афғон урушига борганлар ҳақидагидай ёзилмаган. Чунки у замон кишилари урушни бу қадар улкан фожиа сифатида англамаганлар. Шундай бўлиши табиий ҳам. Кўникилган бирор ҳолатнинг фожиа эканини англаш учун ҳам одамнинг қарашлар тизими ўзгариши, интеллектуал-руҳий савияси ўша фожиа даражасида бўлиши талаб этилади. Ватан уруши қатнашчилари мушоҳада кишилари эмас, кўпроқ интизомли ижрочилар бўлиб, бу ҳолат уларнинг ўй, ҳиссиёт ва кечинмаларида ҳам акс этиши табиий эди. Фашистларда ҳам, коммунистларда ҳам муайян ғоя атрофида бирлашган оломонлик туйғуси кучли бўлганидан урушнинг ўзида ҳам, у ҳақидаги асарларда ҳам изтироб камроқ, ўлувчи ва ўлдирувчиларнинг тасвири кўпроқ бўлган. Фашистлар коммунистларни, коммунистлар фашистларни йўқ қилиш йўли билан ҳақиқатни қарор топдириш мумкин деб ҳисоблашган. Улар урушни бажарилиши шарт бўлган кундалик юмуш даражасида қабул этишган. Чунки улар адолатли уруш бўлиши мумкинлигига, одамзот ўз ақли ёки қўли билан адолат ўрнатаямига ишонинган.

Кўчқор Норқобилнинг “Кулиб тур, азизим” қиссаси ҳозирги ўзбек ҳарбий насридаги жиддий силжишлардан дарак бўлди. Асарнинг жозибаси шундаки, унда урушнинг жанг майдонларида қолдирган асоратларидан кўра кўнгилда қолдирган излари, изтиробу азобларининг тасвири етакчилик қилади. Жанг манзаралари қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини асослаш, ифодалаш учунгина берилган. Аслида, қиссада қаҳрамоннинг душманга қарши жангидан кўра ўзи билан қилган жанги кўпроқ тасвир этилади. Муаллиф бу асарни моҳиятини: “Ўзи урушдан қайтиб, аммо урушдан қайтиб

келмади, деб ёзаётган бир ёзувчининг ҳаёти ҳақида... Ҳа, шундай... Уруш кўрган одамнинг уришда қолиб, уруш ичиде яшаши тўғрисидаги бир асар...” — тарзида жуда аниқ фодолаган. Чунки урушда қатнашиб, кимнингдир қонини тўкиши ўйчил одам учун ҳаётнинг шунчаки босиб ўтлаётгани бир босқичи бўлмайди. Урушгача эл қатори оддийгина бўлган одамнинг шахсияти урушдан қайтган, ўзгача моҳият касб этади. Асарда собиқ жангчиларнинг ҳам эл қатори жўнгина яшагиси келиши, лекин уларнинг ичиде афғон урушида ҳеч кетмас қилиб ортирилган жангарилик, чидамсизлик, шафқатсизлик сингари “илжисиз қотил”нинг борлиги гоят тавсирли акс эттирилган. Ихтиёридан ташқаридаги худди шу куч собиқ жангчини, мутлақо қўйилмаганда, жамият, одамлар ва ҳаётга бегона қилиб кўтилганки, ўзгалар билан қилиниши керак бўлган жўнгина муомала ҳам, тиркичилигини оддий бир синови ҳам уруш одами руҳий мувозанатдан чиқариб, боши-кепи йўқ гавгалор комига итқитавереди.

Асарда бадий жозибаси билан ўқувчи эътиборини тортадиган, қаҳрамонлар сийратини қиссахон кўз олдига шундоққина келтириб қўйишга хизмат қиладиган ўринлар анчагина. Жумладан, шифохонада ётган қаҳрамоннинг бу ердагиларни кўришга гул кўтариб келганлар ҳақидаги: “Ажойиб кунлар—ку тушунари. Бетоб одамга нега беришади. Шу ерга тушганини яхши бўлибди, табриклаймиз дейишганими, бу... Ёки деразангга шу гулни қўйиб қўй, кайфиятнинг кўтарилади, дейишса керак”, — тарзидаги ўйлари тасвирда ҳар нарсада табиийликка интилувчи, ўзига ҳам, сўзига ҳам, ўйларига ҳам зев бергиси келмайдиган персонажнинг руҳияти намоён бўлади. Ушбу тасвирда шафқатсиз жанглар давомиде олдин бўлган озгина ҳиссий назокатларидан ҳам жудо бўлган афғончи ўзбек йигити ўйлари жуда табиий акс этган. Шунингдек, қаҳрамоннинг хасталик билан олишгандаги ҳолати чизилган ўринларда ҳам муаллифнинг тасвир маҳорати аққол кўзга ташланади.

Яна бир жиҳат диққатга сазоворки, қисса қаҳрамоннинг ўйлари тасвирда тартиб йўқ. Асарда унинг гоҳ оинаси, гоҳ кўролдошлари, гоҳ ишхонадагилар, гоҳ гул, гоҳ қоровул ҳақида бирчарақайиғи аралаш ўй сургани тасвирланади. Биз ўқувчи сифатида бадий образларнинг тартибли ўйлашларига ўрганиб қолганмиз. Бу асарда эса қаҳрамоннинг ўй суриб жараёни тасвирда айна шу интизомнинг йўқлиги унинг табияти ва руҳий ҳолатини ахшироқ очига қўй келган. Негаки, одатда одам ўй-хаёлини бошқаролмайди. Нотабиий ҳолатнинг табиий тасвири асарга оҳор бағишлаган.

Асарда гуноҳсиз болақайни отмоқчи бўлган жангчи Ринат ҳолати ҳам жонли тасвирланган. Қўролдошининг хунини олиш истаги учун ундан нафратланиб бўлмаганидай, жазавога тушиб, ўзини идора қилмай қолган, аламини гуноҳсиз боладан олмоқчи бўлган жангчининг хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ҳам мумкин эмас. Тасвирдаги айна мана шу хил “бир ёқли бўлмаганлик” асарнинг тасвир даражасини оширишга хизмат қилган. Чунки одам ва ҳаёт ўта мураккаб бўлиб, унга тўғри баҳо бериш гоят мушкулдир.

Ҳаққоний кўрсатув тайёрлагани учун телевидениедан ҳайдалган ва мустақил фикрламаслик талаб қилинган қаҳрамоннинг: “Улган одамларгина фикрламайди”, — тарзидаги хулосасини шундай табиилат одамнинг шу вазиятда билдириши мумкин бўлган ягона тўғри реакцияси дейиш мумкин. Қиссада қаҳрамоннинг: “Агар юрагинг

огирлик қилиб, сен уни кўтаролмасанг, садоқатли дўстларнинг кўмак берадилар...” — деган фикри ва бу сўзларнинг эмбека қиз Гўзалга тасвири асарда жуда ишонarli тасвирланган. Умуман, Гўзал тимсоли гарчи асарда ўз йўсини бор қаҳрамонга айланмаган эса-да, анча жозибали чизилган. Қиссада қизнинг китоб мутлақо қилаётгандаги, шoirнинг ён дафтариин яширинча ўқиётгандаги ҳолатлари чиройли ва табиий кўрсатишган.

Шу билан биргаликда, жангчи адиб Кўчқор Норқобилнинг бу асарларида бир қатор бадий этишмовчиликлар ҳам борки, уларнинг бартафда этилиши китобнинг эстетик қувватини оширган бўларди. Биринчи навбатда, асардаги ҳар бир тимсол бажариши лозим бўлган эстетик юкни салмоқдорроқ қилиш йўллариин излаш керак эди. Қиссадаги образлар ретроспекциягина таянмай, муайян маънавий-эстетик юкни ўз ҳолича, мустақил равишда кўтарадиган тарзда тасвир қамровига олинас, мақсада мувофиқ бўларди. Ушунда тимсоллар бош қаҳрамоннинг ёндашувигина болгани қолмай, ўз концепциясига эга шахслар тарзида намоён бўларди. Албатта, насрий тажрибаси унчалар катта бўлмаган ёзувчининг бирданига ҳар жиҳатдан мукамал асар битиши қийин. Ш. Холмирзаев сўзбошида: “...асарнинг мақсади — уруш фожиясини — урушнинг инсон руҳидаги ўзгаришиларини, руҳдаги изтиробли тўлғоқларни тасвирлаш ва оқибат унинг фожия натижасини кўрсатишдан иборат бўлса, ҳали ёш, дунё адабиётининг бу борадаги тажрибалари билан энди таниша бошлаган ва шу асно ўзини кашф этаётган ёзувчиға нақадар оғирлик тушади”, — деганинда, аҳтимол, шу ҳолатни кўзга тутгандир. Лекин чексиз баркамолликка интилмаган ижодкорнинг асари унутилишга маҳкумлиги ҳақиқат бўлгани учун ҳам Кўчқорнинг қиссаларига нисбатан талабчанлик қилиш фойдадан холи бўлмайди.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф қиссаларнинг баён йўсинига бир қадар бепарволлик билан қараганлиги уларнинг бадий савиясига салбий тавсир кўрсатган. Чунончи, кўплаб ҳарбий атамалар ҳеч қандай изоҳсиз ўз ҳолича берилган. Холбуки, қиссалардаги ҳар бир сўз асарнинг умумий бадий ифода тарзиға бўйсундирлиши, жанг саҳналари тасвирда ҳам, кўрол-яроғ номларини келтиришда ҳам қаҳрамонлар руҳий ҳолати устувор туриши керак. Булардан ташқари, асардаги ҳар бир персонаж ўзининг муайян концепциясига эга бўлиши лозим. Шундагина асар тимсоллари ёзувчининг етoвида юрмай, ўз тақдир ва ўз йўлиға эга бўлади. Асосий образларнинг бу хил тасвири эса, шубҳасиз, асарнинг тавсир кучини ошириб, унинг яшовчанлигини таъминлайди.

Қ. Норқобил “Ун сакизга кирмаган мен бор” қиссасига “Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни ёзишға ҳарақат қилдим, афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим” тарзидаги иқроори эпиграф қилиб келган. Бу қаноат ёзувчининг услубий олифталлиги эмас, балки уруш деб аталуви аёвсиз ҳақиқатнинг қиёфасини бериш осон эмаслигини очик тан олишидир. Ушбу иқроо насрий асарларида уруш одамиинг туйғуларини табиий акс эттиришға интиляётган Кўчқор Норқобил кейинги битикларида жангчининг руҳоний қиёфасини чизишға, унинг моҳиятини фодолашға эришди деган умидға асос беради.

Қозоқбой Йўлдошев,
Муҳайё Исмоилова

ХАЙРИЯ ИШ — МУДОМ БАРЛАВОМ

Маҳалладошларининг келганини эшитган Жавоҳир, Жасур, Жамшидбек ва Фарзона улар истиқболга югуриб чиқдилар. Жавоҳир: «Ширин бобом кептилар», — дея бобосининг қучоғига отилди. Жажжи Фарзонани эса аммаси даст кўтариб олди. Улар анча сўхбатлашиб ўтирдилар. Учрашув сўнгида Жамшид онасининг хотирасига ёган шеърини ўқиб берди...



Мирзаали бобо маҳалла болаларини бир кўриб, улар билан «ачом»лашмаса, жажжиларнинг пешонасиши силамаса, сира ҳовлида тура олмайди. Пешиндан сўнг у набираси тайёрлаб қўйган ширинликлар солинган саватни қўлтиғига олди-да, маҳалла кўчаларидаги болалар ҳузурига йўл олди. «Қашқадарё» кўчасида чопқиллаб ўйнаб юрган болаларга ширинлик улашиб, улар билан обдон чақ-чақлашди. «М:ғоб» кўчасига бурилгач, юзига фотиҳа тортди. Бу ердан ҳамиша югуриб чиқадиган Жавоҳир ва унинг укалари кўринмас эди. Оилавий фожиа сабабли она ҳаётдан қўз юмди, қотил ота эса саккиз йилга озодликдан махрум бўлди. Етим қолган болалар «SOS — Болалар маҳалласи»да тарбияланишмоқда. Бобонинг кайфияти бузилиб, шу ердан тўғри уйига қайтди.

Бобо кампирига: «Болаларга совға тайёрла, мева-чевадан мўлроқ қўш!» — деб маҳалла идорасига чиқиб кетди. Буни қарангки, маҳалла ҳам бу болакайлар учун совға тайёрлаб, қандай етказишни ўйлаб туришган экан. Бобонинг режаси мустаҳкамланди. Жавоҳирнинг аммасини олиб, болаларнинг ҳузурига йўл олди. Маҳалладошларининг келганини эшитган Жавоҳир, Жасур, Жамшидбек ва Фарзона улар истиқболга югуриб чиқдилар. Жавоҳир: «Ширин бобом кептилар», — дея бобосининг қучоғига отилди. Жажжи Фарзонани эса аммаси даст кўтариб олди. Улар анча сўхбатлашиб ўтирдилар. Учрашув сўнгида Жамшид онасининг хотирасига ёган шеърини ўқиб берди...

Юртимизда муҳтожлар, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга ҳомийлик қилувчи Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ишлаб турибди. Келинг, Жавоҳирнинг тили билан айтганда, ўша «Ширин бобо» яшайдиган ҳудуддаги жамғарма фаолияти билан қисман танишайлик. Маҳаллада бирон тадбир ўтказиш, эришилган ютуқ билан табриклаш ёхуд бирон овлага хайрия ёрдами кўрсатиш учун ҳам маблағ зарур бўлади. Мустақиллик шарофати билан тузилган бу хайрия ташкилоти ҳисоб рақамига, аввало, йил давомида ўтказиладиган

умумхалқ хайрия ҳашарларидан, ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналаридан ва бошқа қатор ҳомий ташкилотлардан маблағ жамғарилади. Маҳаллий тadbиркорлар, бозор, савдо тармоқлари, айрим саховат эгалари, ҳатто «Ширин бобо» сингари нафақа оладиган кишилар ҳам топганини маҳалла аҳли билан баҳам кўришади. Чунки бу жамғарма Президентимиз таъкидлаганларидек, «Инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси» сифатида ташкил топган.

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги Ҳамза тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига 50 миллион сўмга яқин хайрия маблағлари келиб тушган. Йил давомида барча умумхалқ байрамлари муносабати билан туман маҳаллаларида байрам тadbирлари ва халқ сайиллари ташкил этилган. Кам таъминланган, кўп болали, ногирон фарзанди бор 110 та оилага 467 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган, умуман, аҳолининг кам таъминланган қатламга 9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

9 май — «Хотира ва қадрлаш» куни муносабати билан туманда истикомат қилувчи 282 нафар уруш қатнашчиларига «Само» кафесида байрам дастурхони ясатилди. Тумандаги «Нуроний» шифохонасида даволанаётган уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 300 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Туманда халқаро «Оила куни»га бағишлаб «Оилада аёлни ўрни» мавзусида қатор тadbирлар ўтказилди. Ушбу ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларига жалб этиш мақсадида 4 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан 34 нафар муҳтож қарияларга 170 минг сўм, 30 та ногиронга 150 минг сўм, 120 етим болага 275 минг сўм, уйда якка тартибда илм олаётган 15 нафар ногирон болага 75 минг сўм, 795 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож кўп болали оилаларга уч миллион икки юз ўн минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

«Янгибод» маҳалласи хотин-қизлар йиғини раисаси Муҳаббатхон Раҳимова тўй-ҳашамларни, ҳайит тadbирларини қисқартириш, исрофгарчиликка йўл қўймай, харажатларни қисқартиришни ўз назоратига олган. Опа боқувчисини йўқотган

оила фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўз шахсий маблағи ҳисобига ўтказиб берди. Кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган фарзандлари ҳам опанинг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Маҳалла идорасини таъмирлаш ва жиҳозлашда ҳам Муҳаббат опа иш бошида турди.

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши лозим» шиорига амал қилиб фаолият кўрсатаётган Аҳмадjon Назаров номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собир Комилов, «Тараққиёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Карим Зоировлар ҳақида ҳам ана шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. Карим ака маҳаллага раис этиб сайланганида, маҳалланинг бор-йўқ мулки эски идорадангина иборат эди. Бироқ у тезда маҳалла фаолларини ўз атрофига бирлаштира олди. Ҳомийлар топилиб, маҳаллада хайрия фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла ҳудуди қаровсиз қуриб қолган дарахтлардан, ҳар хил чиқиндилардан тозаланди. Ободонлаштириш ва тозалик ишларини йўлга қўйиш мақсадида маҳалла кўчаларида ўзаро мусобақалар ташкил этилди. Бу мусобақада Неъмат Иброҳимов раҳбарлик қилаётган кўча аҳли голибликни қўлга киритди. Маҳалла идорасининг ҳовлиси тўй-маъракалар ўтказиладиган даражага келтирилди ва мустақиллик байрами шу жойда нишонланди. Маҳаллада ҳомийлар кўмаги билан турли маросимлар учун зарур барча анжомлар тахт қилинди. Маҳалла ҳудудидаги кўчаларни ёритиш, асфалтлаш, умуман, муносиб даражада ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ҳамза туманидаги маҳаллаларда ҳомийлар кўмагида бундай хайрли ишлар ўтган йили амалга оширилган эди. Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилиниши маҳаллаларнинг янада чирой очини, турмушимиз обод, халқимиз соғ-саломат, янада фаровон бўлишига кафолат бўлади десак, адашмаймиз. «Сиҳат-саломатлик» йилининг мантиқий давоми бўлиб келган «Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида юртимиз бўйлаб ўтган йилларда амалга оширилган хайрли юмушлар давом этади. Зеро, хайрли иш — мудом бардавом.

Абдурауф Раҳимқулов

Ёш шоир Умид Алининг «Янги аср авлоди» нашриётида chop этилган «Дилмоҳим» номли шеърин китобчасини кўлга олиб, тўплам муҳаррири, истеъдодли шоир Азиз Саиднинг «У туйғуларини, ҳиссиётларини сокин бир оҳангда ўзига хос ташбех-ларда ифода қилишга ҳаракат қилади. Хар бир шеърнинг ортида қалбнинг каттагина туғёнлари, азоблари турганини ҳис қиласиз», — деб ёзган сатрлари китобча муаллифига нисбатан кўнглимда қизиқиш уйғотди.

Китобга сўзбоши ёзган ҳассос шоира Зебо Мирзаеванинг «Умид Али кўнглининг суратларини шеър деган ҳаётда кўргиси келади. У бадиний тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Рухият чизгилари, кўнглининг исмсиз туйғулари куюқ ташбехлар ва тимсолларда жонланади. У оҳангдорликни, шеърнинг ички муסיқасини ҳис қилади», — деган сўзларидан ҳайратланиб, шеърларни берилиб ўқидим. Дарҳақиқат, ёш шоирнинг истеъдодига, «катта адабиёт»ни кўп ўқиганлигига, юрагида дарди, ўзига хос куйи борлигига амин бўлдим.

Юқоридаги икки шоирнинг фикрларига беихтиёр қўшилдим. Зотан, шеърда санъат бор. Умид Али мана шу шеър санъатини пухта эгаллашга интилаётган истеъдодли ёшлардан. Қачонки, шеър санъати меъёрига етсагина, шоир мухлис ортига олади:

*Ўзини дил эди - шотирлаш оғиб,
Шоирлар тоғидан - юксалар анди.
Юксалди эрбоблар бераф инди - йовдин,
Мен бирга тиллаётин кўз - асирга туз.*

Ушбу парчада шеър санъати яққол кўриниб турибди. Сатрларда оҳангдорлик етарли, кофияга эътибор яхши. Дард

бор, туйғулар мужассам.

Яна ёш шоирнинг сатрларига диққат қилсак: «Бирдан тўзғиб кетар мовий ишқ», «Юрак эрта пиша бошлайди», «Андухзор боғ

Мана, шеърда гўзал ўхшатиш ёхуд кутилмаган ташбех йўқ. Бироқ образлилик мужассам. Икки дилнинг бир-бирига интилиши, висол олдида асанкираш — йўл тополмаслик, етишиш йўлининг оғирлиги акс этган. Шеър'шуниси билан ҳам ёқимли. Китобда бундай гўзал туйғуларга йўғрилган, ҳиссиётларга бой шеърлар анчагина: «Меҳрга ташна қалб ёнган кун», «Хайрлашув кечасида», «Юрагимни оловга кўмдим», «Адашибман», «Ёлғир ёғаётир», «Бу қора кўзларга термулсам узок» сингари шеърлар фикримнинг далили бўлади.

Бироқ мўъжазгина китобчадаги мана бу сатрларга назар ташласак:

*Сўзлар дил-забони,
Кўтарилар анди
Буни кўринишини тўқасанин зам
Савҳарини тоғидан шундан мари
Мана шеър сўзлар:
«Келирини
Сўзни селавчилик»*

ичра руҳ сўниқ», «Вужуд куриб қолган бир дарахт», «Юрак оқ ранга бўялар» сингари кутилмаган шоирона изланишларни кўрамаиз. У сўзни поэтик кўллашни билади. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари юракка тегади. Ўқувчи-га руҳ бахшида этади. Эътиборимизни «Хонадаги капалак» номли шеърга қаратсак:

*Тилочан бағачи кўкни у
Деразадан ўйнади -
Ёниб, асир?!
Энди-ин,
Ўниб инки-ку бўлар.
Хачон шаклтичовчи у
Тўз
Пайғамбарни сўраган ишқ -
Шавқарини шеърини ноғзи
Кўзи кўрсатар ташаббуҳида.*

Буни ўқигач, шеър охириги икки мисрадаги гап учун ёзилганини ҳис қилдим. Юқоридаги барча сатрлар қуруқ, на ўхшатиш, на бирор ташбех бор... Ахир шеър қуруқ гапдан иборат эмас-ку. Китобча муаллифида бундай камчиликдан қутулиш имконияти бор эди-ку.

Бундан қатъи назар тўпламдаги аксарият шеърларнинг оҳангдорлиги, ташбехларга, тимсолларга бойлиги, тиниқ туйғуларга йўғрилганлиги билан шеърят мухлисларининг қалбидан жой олишига ишонаман.

Турсун АЛИ

ТИНИҚ ТУЙГУЛАР

КУТУБХОНАДА ТУҒИЛГАН ТАПЛАР



«Шум боланинг набиралари» «Саратон» иссиенга қарамасдан «Болалигим— подшолигим» дея «Устозлар даврасида» ўтирибдилар.
(Носир ФОЗИЛОВдан)

Бугун «Душанба, нонуштадан сўнг» маданият уйида «Хамлет» трагедияси ўйналади. Кириш бепул, яъни «Техин томоша».
(Фарход МУСАЖОНОВдан)

Ҳеч «Бўи келма, Алиқуллов!», «Килич ва шамшир»ни осиб ол-да, «Офтобни қувалаб» чопавер. Чанқасанг «Бир қултум булоқ суви»дан ичиб ол.
(Фарход МУСАЖОНОВдан)

«Сир очилди»: «Сариқ девнинг йлими»га «Беи болали йигитча»нинг «Шошқалоқ»лиги сабаб бўлган экан.
(Худойберди ТҶХТАБОВдан)

«Қирқ учинчи почча» аёлларга «Яллама ёрим»ни айтиб, «Тилла табассумлар» ҳадя қилса-да, «Икки пуллик обрў»га эришмади.
(Неъмат АМИНОВдан)

«Бас бойлашган бола»нинг «Қисмат»и аянчли бўлди — «Баҳор чақмоқлари» гумбурлаб турган «Нотинч кеча»да қўлларига «Кишан» солинди.
(Ўктам УСМОНОВдан)

«Отошининг туғилган йили» муносабати билан ташкил этиладиган анжуман қатнаш-

чиларига совғалар харид қилиш учун «Чироқлар ўчмаган кеча»да «Олма ям-яшил» супермаркетига кирдим. Совғалар жуда қиммат. Бу ҳақдаги саволимга сотувчи «Байрамдан бошқа кунлар» келинг, шунда совғалар арзон бўлади, деб «Жавоб» берди.

(Эркин АЪЗАМдан)

«Зангори кема капитани» бўлган «Ҳилола»ни ҳамма «Ихлос» билан хўжалигимиздаги «Фидойилар»дан бири деб мақтайди.

(Иброҳим РАҲИМдан)

«Наврўз» кунлари «Узоқни қўзлаган аёл»ингизни олиб келинг, «Кўрган-кечирганларим»ни гапириб бераман.

(Назир САФАРОВдан)

«Бизнинг роман» «Одамийлик қиссаси»дек қизиқарли, «Фареона тонг отгунча» ўқиб чиқасиз.
(Мирзакалон ИСМОИЛИЙдан)

«Аваз» ота-онасини «Туркистонлик авлиё» зиёратгоҳига олиб кетди. Кўни-қўшнилари уларни «Ой бориб, омон келинг»лар деб кузатиб қолишди.
(Саъдулла СИЁЕВДан)

«Ок отли» «Йўловчи» дарада «Оғир тош кўча» хам, одамлар «Тоғларга қор тушиди» десалар хам, шитоб билан «Сўнги бекат»га етиб келди.
(Шукур ХОЛИМИРЗАЕВДан)

Маҳаллага яқинда тушган «Шаҳарлик келинчақ»ка «Кечиримли бўлинг, қизим, чунки «Эгилган бошни қилич кесмайди, сиз «Ҳаёт дарвозаси»га эндигина кириб келдингиз», деб насиҳат қилди «Бухоролик донишманд».
(Омон МУХТОРдан)

«Кўёш барчага баробар» нур сочиб турадиган «Онамнинг юрти»да кечган болалик йилларим «Бобурнинг тушлари» каби армонга айланиб қолди. Кўндан бери шаҳарда яшайман. «Эмр эса ўтмоқда».
(Хайридин СУЛТОНОВдан)

«Гулчехра» таклиф қилди: «Тўйга келинелар». Тўй катта «Йўл» ёқасидаги «Хонадон»да бўлади.
(Жонрид АБДУЛЛАХОНОВдан)

«Пўлат чавандоз», сенга «Нимадир бўлди». «Одамлар нима деркин...»деб уялиб ўтирма. «Чўл ҳаво»сидан нафас олиб, «Узун кеча»ларда мириқиб ухла. «Уйқудаги тушлар»ингда «Дунёнинг шилари» қизик, дея «Икки эшик ораси»да қисилиб қолмайсан.
(Ўткир ХОШИМОВдан)

«Чотқол йўлбарси» лақаби билан бутун «Мавороннахр»да ном таратган «Дерез ўёли» «Умид» билан «Чиниқиш»ни бошлаб юборди.
(МИРМУҲСИНдан)

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

МИЖОЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

хусусиятга эга бўлган жисм пайдо бўлади. Худди шундай ҳар хил унсурларнинг (олов, сув, ҳаво, тупроқ) ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият — хусусият вужудга келади.

Янги пайдо бўлган жисм — гўшт пиширилиши жараёнида бир хил хусусиятга, яхши пишган пайтда яна бир хусусиятга, керагидан ортиқ пилганида бошқа бир хусусиятга эга бўлади.

Унсурлардаги қарама-қарши хусусиятларнинг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мижоз дейилади.

МИЖОЗНИ АНИҚЛАШ

Киши мижози тўрт хилдан қайси бирининг хусусияти бошқаларига нисбатан устунлигига қараб аниқланади:

1. Ушлаб кўриб аниқлаш. Бунда минтақа об-ҳавосига мос соғлом одам танасига текширилаётган одам танаси мос келиш-келмаслиги қиёс қилинади. Агар улар бир хил бўлсалар бу мижознинг мўтадил эканидан далолат беради. Агар текширилаётган кишининг бадани совуқлиги ёки иссиқлигини, ҳўдроклиги ёки қуруқроклиги ҳис қилинса, шунга қараб хулоса чиқарилади.

2. Шунингдек, танада ёғнинг камлиги иссиқликдан, бунинг акси совуқликдан, гўштнинг камлиги қуруқликдан, кўпи ҳўлликдан далолат. Бундан келиб чиқадики:

— иссиқлик ва қуруқликнинг белгиси танада гўшт ва ёғнинг камлиги;

— қуруқ ва совуқликнинг белгиси мускулнинг камлиги ва мойнинг кўплиги;

— иссиқлик ва ҳўлликнинг белгиси танада гўштни кўплиги ва ёғнинг камлиги;

— ҳўл ва совуқликнинг белгиси танада гўшт ҳам ёғнинг кўплигидан.

3. Сочлардан аниқлаш. Мижоз сочларнинг ранги, ўсиш тезлиги, қалин-сийрақлиги, йўғон ёки ингичкалиги, жингалак ёки силқиликлигига қараб аниқланади. Энг аҳамиятлиси сочнинг ранги ҳисобланади.

Қора соч мижознинг иссиқлигидан, сарғишлиги совуқлигидан, оранг ҳамда қизиллиги мўтадиллигидан, оқлиги эса қуруқлиги ва совуқлигидан далолат беради.

Қалин соч мижознинг иссиқлигини, сийрақ соч совуқлигини, тез ўсиши қуруқлигини, секин ўсиши ҳўллигини, жингалак бўлиши иссиқлиги ва ҳўллигини билдиради.

Минтақа ва одамнинг ёши сочларни ўзгартришини ҳисобта олиб, мижозни аниқлашда бу жиҳатга ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

4. Бугдой ранг ва қизил бадан мижознинг иссиқлигидан, сариқлиги ва малларанглиги ўта иссиқлигидан, ганч ранг ва оққа мойиллиги мижознинг совуқлигидан, хиралиги ўта совуқликдан, окранглиги ҳўлликдан, қорамтирлиги мижознинг қуруқлигидан далолатдир. Бақлажон рангидаги тери совуқ-қуруқ, кўргошнрангли тери совуқ-ҳўл мижозликнинг белгилари дур.

5. Аъзоларнинг тузилишидан аниқлаш. Кенг кўкраклик ва оёқ-кўлларнинг мукамал даражада катталлиги иссиқ мижозлилик белгисидир.



Қадим замонлардан бери одамлар саломатлиқни сақлаш ва касалликларни даволашда мижозга катта аҳамият бериб келишган. Мижозни билиш киши танаси учун жуда муҳим. Қадимги табиблар мижозни тузатиш билан касалликларни йўқотишган. Мижозни билмасдан касалликларни даволашга киришмаганлар.

МИЖОЗ НИМА?

Маълумки, ҳар бир мураккаб жисм оддий жисмларнинг ўзаро бирикшидан тузилган. Оддий жисмларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан бирикканида янги бир хусусият пайдо қилади. Масалан, тупроқ билан сув аралаштириб, оловда қиздирилганда бутунлай бошқа бир



Чақирув комиссияси. Комиссар чақирилувчидан сўради:

- Қаерда хизмат қилишни иштайсан?
- Генераллар штабида.
- Ие, жинни бўлганмисан?
- Нима, у ерда хизмат қилиш учун жинни бўлиш шартми?



Телефон жиринглади:

- Алло, ёрдам беринг, ҳовлимизда муштлашув бўляпти!
- Акахон, ўт ўчириш хизматиغا кўнғироқ қилаётганингизни биласизми?
- Албатта. Бошқа кимга кўнғироқ қилай, милиционерлар докторлар билан муштлашаётган бўлса?!



— Тентак экансан. Мен ҳалиша севган қизимни кинотеатрнинг ичида кутаман. Шунда унга чипта сотиб олиш ташвишидан қутулмаган!

— Узинг тентаксан. Мен у билан кинотеатрнинг ичида кўришадиган бўлсам, менга чиптани ким олиб беради?



— Шундай гўзал бўлишингизга қарамай нега турмушга чиқмагансиз?

— Ҳурадиган итим, сўкадиган тўтим, дайдийдиган мушугим бор. Эрни бошимга ураманми?!



— Сенга уйланаётганимда ота-онанг қизимиз жуда камтар ва одам танламайди, дейишганди.

— Сизга турмушга чиқишга рози бўлганим учун шу фикрга келишгандир-да.



Полковник шаршинага деди:

— Оддий аскар Тошматовнинг отаси оламдан ўтди.

Сен секин, йўли билан тушунтир унга!

Шаршина ротани сафга тургазди.

— Қани, кимнинг отаси тирик бўлса, бир қадам олдинга!.. Тошматов, сен қаёққа?



Пиёниста эр хотинига:

— Кел, машина сотиб оламиз. Бир маза қилиб дунёни айланардик, — деди.
— Қайси дунёни? — деди хотини ҳам ҳозиржавоблик билан.



— Сен жуда гўзал ва ақли аёлга уйланган эмишсан.
— Сенга ким айтди?
— Хотининг.



Ажрашиш ҳақида иш кўрилмоқда. Судья хотиндан нима учун шу одамга турмушга чиққанини сўради.

— Нега унга турмушга чиққанман?.. Ҳар куни ичиб юришини кўриб, топиш-тутиши зўр бўлса керак, деб ўйловдим-да!



Афанди электрон соат сотиб олибди. Йўлдан ўтиб кетаётган кампир ундан сўради:

— Болам, соат неча бўлди?
— Ўн саккизи ўн бешга бўлсақ, неча бўлади? Жавобини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.



— Нима учун аёллар футболни ривожланиб кетмайди?
— Таажубланарли жойи йўқ. Бир хил кийимда чиқишга рози бўладиган ўн бир аёлни топиш осон эмас-да!

Дилшодбек тайёрлади

Оиз қандай изоҳлайсиз?



Изоҳ ва мулоҳазаларингизни «Dilshod.A@mail.ru» электрон манзилга юборишингиз мумкин. Энг қизиқ изоҳ эгасини тахририятнинг сирли совғаси кутади.

Мақтубларингизни Тошкент, Буюк Турон, 41, «Гулистон» журнали тахририятига жўнатиш.



Шодийорхон
Урахонов ижодидан
Туманалар

Guliston

Индекс: яққа олувачилар учун - 8
ташкнлотлар учун - 806
Бахосн: келншилган пархда

